

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT  
ARHITEKTURA-QURILISH INSTITUTI**

**ME'MORCHILIK va QURILISH  
MUAMMOLARI**  
(ilmiy-texnikjurnal)

**ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА**  
(научно-технический журнал)

**PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION**  
(Scientific and technical magazine)

**2020, №1 (2-қисм)**  
2000yildan har 3 oyda birmarta chop etilmoqda

**SAMARQAND**



# ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

## ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION

(ilmiy-texnik jurnal)  
(научно-технический журнал)  
(Scientific and technical magazine)

2020, № 1  
2000 yildan har 3 oyda  
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Ҳайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган (гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олиниб 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

**Бош муҳаррир (editor-in-chief)** - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов  
**Масъул котиб (responsible secretary)** – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

**Таҳририят ҳайъати (Editorial council):** м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф., академик А. Дасибеков (Қозоғистон); т.ф.д., проф., А.М. Зулпиев (Қирғизистон); и.ф.д., проф. А.Н. Жабриев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмаилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.н., доц. А.Т. Кулдашев (ЎзР Қурилиш вазирлиги); м.ф.д. проф. Р.С. Муқимов (Тожикистон); т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; т.ф.д., проф. Х.Ш. Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов; т.ф.д., проф. Р.И. Холмуродов; т.ф.д., проф. И.С. Шукуров (Россия, МГСУ); т.ф.д., проф. А.А.Лapidус (Россия, МГСУ); т.ф.д., проф. В.И.Римшин (Россия); т.ф.д., проф. Ж.Н.Низомов (Тожикистон ФА мухбир аъзоси); т.ф.д., проф. И.Каландаров (Тожикистон ФА мухбир аъзоси).

Таҳририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.  
Телефон: (366) 237-18-47, 237-14-77, факс (366) 237-19-53. [ilmiy-jurnal@mail.ru](mailto:ilmiy-jurnal@mail.ru)

Муассис (The founder): Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

© СамДАҚИ, 2020

## ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

УВК 627.67

### РАСЧЕТ МУТНОСТИ ВОДЫ ПРИ НЕОДНОРОДНЫХ ДОННЫХ НАНОСАХ

Эшев С.С., д.т.н., профессор; Рахматов М.И., к.т.н., доцент; Рахимов А.Р., докторант;  
Каршинский инженерно-экономический институт

В работе предлагается алгоритм расчета мутности воды при неоднородных донных наносов в водотоках под волнами на течении. Методика предназначена для неразрушенных волн и относительно слабых течений в больших земляных каналах и проточных водохранилищах.

The paper proposes an algorithm for calculating the turbidity of water in heterogeneous bottom sediments of watercourses under the waves in the flow. The technique is intended for undisturbed waves and relatively weak currents in large earthen channels and flowing reservoirs.

Морфодинамика рельефа дна водотоков во многом определяется характером перемещения наносов на дне под воздействием волн и течений. Строительство и эксплуатация гидротехнических сооружений невозможно без учета процесса перемещения наносов.

Значительная часть песчаных наносов во время движения потока переносится во взвешенном состоянии, поэтому понимание закономерностей их взвешивания и особенностей пространственного распределения необходимо для достоверных расчетов потока наносов. Одной из приоритетных современных проблем исследования водотоков является описание изменчивости поля концентрации взвешенных наносов.

В данной статье представлен расчет мутности воды при неоднородных донных наносах в водотоках под волнами на течении. Методика предназначена для неразрушенных волн и относительно слабых течений, предполагается, что профиль переносной скорости по глубине равномерный. Используется представления диффузионной модели движения взвешенных наносов, в соответствии с которым задача о профиле концентрации разделяется на две части: определение относительной концентрации и отыскание нормирующего значения - концентрации на определенном горизонте, а также метод эффективного придонного касательного напряжения, подробно рассмотренный в [1; 2]. Учитывается состояние дна (плоское / рифельное).

Предлагаемый алгоритм вычисления вертикального профиля концентрации взвешенных наносов получен на основе экспериментальных исследований автора и состоит из следующих этапов.

1. Гидравлическая крупность наносов  $w$  определяется по как:

$$w = 10^{-\left[0,447 \lg^2 d + 1,960 \lg d + 2,736\right]}, \quad (1)$$

где  $d$  – диаметр частичек наносов.

2. Длина волн,  $L$  для условия без течения определяется из известного дисперсионного соотношения:

$$L = \frac{gT^2}{2\pi} th\left(2\pi \frac{h}{L}\right) \quad (2)$$

где  $T$  – период волн,  $h$  – глубина воды. А для вычисления длины волн на течении,  $L_c$  использовалось уравнение, получаемое из условия сохранения частоты волн [2;3]:

$$L' = L_c \frac{U'L' + \sqrt{L' th(L'kh) - 1}}{U' + \frac{th(L'kh) + \frac{L'kh}{ch^2(L'kh)}}{2\sqrt{\frac{L' th(L'kh)}{th(kh)}}}} \quad (3)$$

где:  $L' = L/L_c$ ,  $U' = U_c/c$ ,  $c = L/T$  – фазовая скорость для волн без течения,  $k = 2\pi/L$  – волновое число для волн без течения,  $U_c$  – средняя по глубине скорость течения.

Здесь под «условиями без течения» понимаются параметры волн в системе координат, двигающейся вместе с течением.

3. Максимальная придонная волновая скорость  $U_b$  определяется по известной зависимости линейной теории волн малой амплитуды:

$$U_b = \frac{\pi H}{T_r sh\left(\frac{2\pi h}{L}\right)} \quad (4)$$

где  $T_r$  – период волн в системе координат течения,

$$T_r = \frac{L_c}{\frac{L_c}{T} - U_c} \quad (5)$$

$H$  – высота волн.

4. Устанавливается состояние рельефа дна, область, внутри которой дно всегда имеет рифельную форму, определяется ограничениями, найденными в [1]:

$$\exp\left(5,3 + 217\left(\frac{a_w}{d}\right)^{0,75}\right) > f_p >$$

$$> \exp\left(1,8 + 10^{-2}\left(\frac{a_w}{d}\right)^{0,6}\right) - 4,6 \quad (6)$$

Здесь:  $a_w = \frac{U_b T_r}{\pi}$  - орбитальный диаметр движения частиц жидкости у дна,  $f_p = U_b^2 / g d \rho_*$  - параметр подвижности,  $\rho_* = (\rho_s - \rho) / \rho$ ,  $\rho_s$ ,  $\rho$  - плотность материала наносов и воды, соответственно,  $g$  - ускорение силы тяжести. Вне этой области донные рифели либо не возникают, либо стертые.

5. Размеры данных рифелей ( $\lambda_r$  - длина рифелей,  $\Delta_r$  - высота рифелей) задаются по результатам измерений или рассчитываются. Метод расчета донных рифелей под волнами на течении обсуждается в [5].

Параметр донной шероховатости при рифельном дне определяется по формуле:

$$r = 25 \frac{\Delta_r^2}{\lambda_r} \quad (7)$$

6. Волновой коэффициент трения,  $f_w$  определяется по полуэмпирическому уравнению [2]:

$$\frac{1}{4\sqrt{f_w}} + \lg \frac{1}{4\sqrt{f_w}} = -0,08 + \lg \frac{a_w}{r}$$

если  $\frac{a_w}{r} \geq 1,7$  (8)

$$f_w = 0,28 \quad \text{если} \quad \frac{a_w}{r} < 1,7$$

7. Безразмерный коэффициент Шези определяется по разному для крупных наносов, перемещаемых по дну ( $d_* \geq 60$ ), и взвешенных наносов ( $d_* \leq 1$ ):

$$C_h = \begin{cases} 5,75 \lg\left(\frac{11h}{d}\right), & d_* \geq 60 \\ 5,75 \lg\left(\frac{11h}{r}\right), & d_* \leq 1 \end{cases} \quad (9)$$

где  $d_* = (\rho_* g / \nu^2)^{1/3} d$  - безразмерный (седиментологический) диаметр наносов,  $\nu$  - кинематическая вязкость воды. Для промежуточных седиментологических диаметров,  $1 < d_* < 60$ , коэффициент Шези определяется линейной интерполяцией значений, получаемых по верхней и нижней формулам (9).

8. Средняя за период волн эффективная динамическая скорость под волнами на течении определяется как:

$$U_{*wc}^2 = \left(\frac{U_c}{C_h}\right)^2 + W_{wc}^2 \frac{f_w}{2} \frac{U_b^2}{2} \quad (10)$$

$$W_{wc}^2 = 0,65 th(0,0392 d_*) + 0,06 \quad (11)$$

9. Определяется придонное граничное условие для концентрации наносов - концентрация  $c_a$  на горизонте  $a$ :

$$a = 7,1 \left[ h \left( \frac{v^2}{\Delta^{1/2} g} \right)^{1/3} \right]^{1/2} \quad (12)$$

$$c_a = A u_{*wc}^3 g^{-1} \left( \frac{g}{\Delta v^2} \right)^{1/3} w^{-1} \quad (13)$$

где, коэффициент  $A$ , как установлено на основе анализа данных полевых измерений и лабораторных опытов [1], равен  $A = 5,2 \cdot 10^6$ .

10. Для определения распределения взвеси по глубине используется классическая диффузионная теория, согласно которой коэффициент диффузии имеет следующий вид распределения по глубине:

$$\varepsilon_z = \begin{cases} 4 \frac{z}{h} \left(1 - \frac{z}{h}\right) \varepsilon_{z,max} & \text{для} \quad \frac{z}{h} < 0,5 \\ \varepsilon_{z,max} = 0,25 k U_{*wc} h & \text{для} \quad \frac{z}{h} \geq 0,5 \end{cases} \quad (14)$$

11. Осредненные за период волн относительные значения концентрации определяются по формуле:

$$\frac{c(z)}{c_a} = \exp\left(-w \int_a^z \frac{1}{\varepsilon_z} dz\right) \quad (15)$$

Пересчет в абсолютные значения концентрации производится с помощью известного граничного условия из п.9.

Представленный алгоритм проверен сопоставлением с данными лабораторных и натурных измерений.

Приведем пример для расчета мутности воды при неоднородных донных наносах (концентрации взвешенных наносов) для выделенных контрольных створов канала Миришкор с учетом совместного воздействия ветровых волн и течений и реального гранулометрического состава донных наносов.

Исходными данными для расчетов являются: скорость течения 0,6 м/с; глубина воды 3,8 м; высота наносодвижущих волн 0,17 м; период наносодвижущих волн 2,15 с; средний диаметр донных наносов и кривая гранулометрического состава принималась в соответствии с измеренными характеристиками фракционного состава.

На рис.1 показано расчетное распределение мутности по глубине потока в г/л для створа 1, а на рис.2 - то же для створов 2; распределение мутности усреднено за период волн, хотя расчет позволяет получить и мгновенные значения, в том числе максимальные.




Рис.1. Расчетное распределение концентрации взвеси по глубине для створа 1




Рис.2. Расчетное распределение концентрации взвеси по глубине для створов 2; 3

УДК № 628.

### АВТОМОБИЛ ЮВИШ ШАХОБЧАЛАРИ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ҚАЙТА ФЙДАЛНИШ УЧУН ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ВА ҚУРИЛМАСИ ЛОЙИХАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Халилов. Н. и.ф.н., доцент; Уракова Н., магистр Халилов. Ш., талаба  
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Сорбентларнинг ҳар хил ўзгаришларини қўллаш билан оғир металллардан оқова сувларни тозалашнинг сорбционли усулларининг қиёсий и кўрсатдики, яъни энг қўлай ва самарали сорбентлар сифатида табиий материаллар ва чиқиндилар ишлатилади. Олинган сорбентларнинг ўзгариши нефт маҳсулотлари ва оғир металллардан сувларни тозалашда биосорбционли комплекс учун самаралидир. Нефт маҳсулотлари, феноллар ва оғир металллардан сувларни тозалашда ҳаммасидан кўра самарали, тупроқ ва қўшимчани қўллаш билан қирик асосидаги комплекс ўзгартирилган сорбентлар экан. Нефт маҳсулотлари, феноллар, сирти фаол моддалар (ПАВ) ва оғир металллардан машиналарни ювиш шаҳобчаси оқова сувларини самарали тозалаш учун биосорбционли модулни ишлатиш билан оқова сувларни маҳаллий тозалаш тизимларининг тасвири ишлаб чиқилган.

Сравнительный анализ сорбционных методов очистки сточных вод от тяжелых металлов с применением различных модификаций сорбентов показал, что в качестве сорбентов наиболее выгодно и эффективно использовать природные материалы и отходы. Получены модификации сорбентов для биосорбционного комплекса, эффективные в очистке воды от нефтепродуктов, фенолов и тяжелых металлов. Наиболее эффективным в очистке воды от нефтепродуктов, фенолов и тяжелых металлов оказался комплекс модифицированных сорбентов на основе глины и опилок с применением добавок. Разработана схема локальной системы очистки сточных вод с использованием биосорбционного модуля для эффективной очистки сточных вод автомоек от нефтепродуктов, фенолов, ПАВ и тяжелых металлов.

The Benchmark analysis sorbent methods peelings sewages from heavy metal with using different modification sorbent has shown that as sorbent most advantageously and effectively use the natural material and

Полученные значения концентрации взвеси хорошо соответствуют данным измерений мутности в исследуемом водотоке.

Выше приведенные алгоритм вычисления вертикального профиля концентрации взвешенных наносов могут быть использованы для решения практических задач, связанные расчетами взвешенными наносами в больших каналах и проточных водохранилищах.

#### Литература:

1. Анцыферов С.М., Кантарджи И.Г. Придонное граничное условие для расчета концентрации наносов, взвешенных волнами и течением // Океанология. 2000. Т. 40. №4. с. 606-613
2. Эшев С.С. Расчет деформируемых больших земляных каналов в условиях нестационарности водного потока. Монография. Ташкент, «Vorish-nashriyot», 2018.- 168 с.
3. Kantardgi I.G. Wave-Current Interaction. Fundamental Problems and Applications in Coastal Engineering. // Proc. of International MEDCOAST Conf. on Wind and Wave Climate of the Mediterranean & the Black Sea, 30 March - 2 April 1999, Antalya, Turkey, 1999. MEDCOAST, Middle East Technical University, Ankara, Turkey, p. 361-375
4. Kantardgi I., Antsyferov S. Development of Suspended Sediment Modelling under Waves and Current Co-Action. // Proc. Int. Workshop on Beaches of the Mediterranean & the Black Sea. 2002. MEDCOAST. P. 133-144.
5. Kantardgi I., Antsyferov S. Development of Coastal Sediment Modelling. Waves and Current Co-Action. // Proc. Fifth Int. Conf. on Coastal and Port Engrg. in Developing Countries COPEDEC V. 1999. Cape Town. V.1. p. 103-114.

waste. Modification sorbent are Received for bio сорбционного complex efficient in clear of water from oil of the products and heavy metal. The most efficient in clear of water from oil of the products, phenols and heavy metal turned out to be the complex modified sorbent on base of the clay and опилок with using the additives. The Designed scheme of the local system peelings sewages with use bio сорбционного module for efficient peelings of the sewages auto washer from oil of the products, phenols, SUNG and heavy metal.

Авто мойкаларнинг оқова сувлари таркибини мураккаблиги ва саноат оқоваларининг тозалаш жараёнини мураккаблиги унда феноллар, оғир металллар, сирти фаол моддалар ПАВ, муаллақ дисперс моддалар каби ифлосликлар мавжудлигига боғлиқ бўлади. Агар йирик дисперсли аралашма бўлса, механик усул билан сувлардан чиқариш мумкин бўлади, унда микро эмульсияни парчалаш учун сувли эритиш компонентларини олиш сорбция жараёнининг энг яхши самарасини беради.

Машиналар органик ва органик бўлмаган ифлосликлардан (кум, глина, қушлар ахлати, нефт маҳсулоти доғлари, барглар, ўт поялари, ҳар хил уруғлар, майда ҳашорат ўликлари) ювилиши натижасида машиналар ювиш шаҳобчасига киради.

Шу кунга қадар ватанимиз ва чет элларда авто мойкаларнинг оқова сувларини тозалашда бир нечта усуллар кенг миқёсда ишлатилиб келинмоқда ва улар қўйидагилар: механик тозалаш, биологик тозалаш, физик – кимёвий усуллар, адсорбция, физик адсорбция, кимёвий адсорбция, ион алмашилиш усули, коагуляция ва флокуляция усули, ультрафилтрация, гиперфилтрация усули.

Агар айланма сув машиналар ювиш шаҳобчасида ишлатилса, қачонки ифлос сувлар тиндирилдиган жойда сиғим бўлиши керак. Бу сиғимда ҳар доим ҳарорат ижобий бўлиши керак. Сабаби мана шу ерда бактериялар ривожланиши бошланади, улар кўпайишни бошлайди ва сувда ёқимсиз ҳид ва батқоқ ранги ҳосил қилади.

Бундан ташқари, кейинги машиналар тоза ювилмайди, насослар ва сув сачратгичлар тезда ишдан чиқади. Натижада машиналар ювиш шаҳобчаси ёмон номни олади ва бу бактериялар атрофга тарқалади.

Бу сувларни тозалаш учун тиндириш, механик тозалаш, сорбция ёки филтрлаш, дистиллаш, кимёвий тозалаш, биологик иншоотларини куришга олиб келади. Бу эса маҳаллий тозалаш иншоотининг таннархини ошириб юборади. Кўпгина статик маълумотларга кўра машиналарни ювиш шаҳобчаларида асосан сувнинг 80% айланма сув сифатида ишлатилади ва тозалаш натижасида йўқолган яъни етишмаган 20% эса янги сувни ташкил қилади.

Нефт маҳсулотларидан иборат оқова сувларни тозалаш иккита омилга боғлиқ, биринчиси сувларнинг дастлабки ифлослигига ва иккинчиси уларни тиндириш муддатига. Қўшимча муддатини ортиши самарадорлигини оширмайди, бироқ пасая бошлайди. Бу дастлабки

сузиб юрувчи глобулларни эришига боғлиқ. Туплагичларда буларни узоқ вақт бўлиши нефт маҳсулотларининг мустақил равишда биокимёвий бўлинишга олиб келмайди. Натижада тинитишнинг ҳал қилувчи таъсири, нефт маҳсулотларининг эмульгированли фракциялари ўлчами 0,1 дан 100 мкм гача оралиқда бўлади. Нефт маҳсулотлари улушининг ўзгариши тинитиш муддатига боғлиқ.

Барча ҳолатларда дастлабки 15 – 20 – минут давомида нефт маҳсулотлари улуши 90 – 95% га камаяди, яъни оқовалардаги йирик дисперсларнинг анча миқдорни ташкил қилади. Шу билан бирга оқоваларда нефт миқдори анча миқдорда қолади. Кейинги тинитишни, яъни 1,5-2 соатдан кўп давом эттириш натижасида кичик самарадорликга эришилади.

Нефт маҳсулотларини тутгичда ушлаб қолинган чўкмаларни намлиги 90 – 95% бўлади ва 25% атрофидаги чўкма тезгина зичланади ҳамда лойиҳалашда чўкма қатлами ҳаммаси бўлиб 0,1 метр қилиб лойиҳаланади. Сузиб юрувчилари эса тешик орқали қувурга тушади ва у ердан олиб керакли жойга кетилади. Енгил буғланадиган нефт маҳсулотлари нефт тутгичлар орқали бензомасло тутгичларга чиқазилади.

Нефт тутгичлардаги жараёнларни тезлаштириш мақсадида коагулянт ва флокулянтлар ишлатилади. Бу коагулянт ва флокулянтларни ишлатилиши тозалаш иншоотининг мураккаблиги ва қурилма таннархини оширишга олиб келади. Сувсиз органик коагулянтлар улуши 1,0 – 2,0 мг/л ва органик бўлмаган коагулянтлар улуши 35 – 50 мг/л ни ташкил қилади.

Санитар – гигиеник тадқиқотларга мувофиқ, авто мойкалардан ҳосил бўладиган оқова сувларга қуйидаги ифлословчи моддалар бензин, керосин, сульфат ангидрид ва сульфид ангидрид, нитрит ва нитратлар, сульфатлар, темир, марганецлар таъсир қилади. Юқорида санаб ўтилган моддалар одамлар соғлигига ҳаммасидан кўпроқ сальбий таъсир қилади. Сув ҳавзаларига тушганда, тирик организмларга ва сувларнинг сифатига ёмон таъсир қилади.

Юқори сифатли қурилма, замонавий сорбцион филтрлар ва уларни модификациялаш асосида сувлардан нефт маҳсулотларини чиқаришда сорбентлар фаоллигини ошириш натижасида эришиш режалаштирилади ва тадқиқотлар натижасида сорбционли комплекслар кўпроқ самаралидир. Биосорбцион филтрлар асосида нефт маҳсулотларидан иборат сувларни маҳаллий комплекс тозалашни ишлатиш, авто мойкаларнинг сувларини мувофиқ равишда

меъерий кўрсаткичларгача тозалашга олиб келади. Сув ресурсларини тежаш мақсадида айланма сув таъминотининг ёпиқ занжирили тизимини тадбиқ этишни таклиф этамиз. Сувларни юқори даражада тозалашни натижасида авто мойкага қайта ишлатиш учун жуда қулай бўлади.


Ҳал қилиш сифатида, органик ифлословчи модда (нефт маҳсулотлари, феноллар) лардан ҳамда оғир метал ионларидан сувларни самарали тозалаш учун ўзгартирилган қипиқлар асосидаги сорбентларнинг ишлаб чиқилган комплексларини маҳаллий тозалаш иншоотларининг сорбционли модулидан фойдаланишни биз таклиф қиламиз.

Турли ўзгаришли табиий материаллар ва чиқиндилар асосида олинган сорбентлар билан фенолни модулли эритмасини тозалаш самарадорлиги Э и, 78% ўзгарган қипиқ асосда ташкил қилинган сорбент энг юқори самарадорли эканлигини кўрсатди (жадвал - №1). Бу сорбентнинг фенолдан сувларни тозалаш самарадорлиги, маълум сорбент – таққослаш учун эталон сифатида олинган фаоллаштирилган кўмир БАУ-А билан тозалаш самарадорлигини 3 мартага оширади. Ўзгартирилган пистачка пўчоғи сорбционли колонка орқали модели эритмани ўзқизишда феноллар сорбциясида нисбатан кам самарадоли эканлигини кўрсатади.

1-жадвал

Сорбцион колоннадаги ўзгартирилган сорбентлар орқали ўтқизишда фенолдан модели эритмани тозалаш самарадорлигини экспериментал аниқлаш.

Намуна №	Сорбент тури	Юклама оғирлиги, кг	Фенолни давтлабки улуши, мг/л	Фенолни колдик улуши, мг/л	Фенолдан модели эритмани тозалаш самарадорлиги Э, %
1	Хар хил ёғоч қипиқ ( $H_3PO_4$ )	1	220	51	75,6
2	Мевали пистачка ка пўчоғи ( $H_3PO_4$ )	1	220	183	17,6
3	Хар хил пўчок ( $H_3PO_4$ )	1	210	170,4	17,9
4	Хар хил қипиқ ( $H_3PO_4$ ) + курук қипиқ + доломит + оқ тупрок + сув	1	205	171,2	14,9



Биз ишлаб чиққан тозалаш тизимлари асосида, сорбентларнинг сорбцион хусусиятини яхшилайдиган қипиқ ҳамда турли фаол кўшимчалар асосида донадор комплексли тадқиқот натижасида олинган янги сорбентлар билан тўлдирилган кўп ярусли цилиндрик колонналар кўринишидаги модулли адсорберни олиш мумкин. Мавжуд оддий цилиндрик адсорбердан фарқли равишда, органик ифлословчи моддалардан (феноллар, нефт маҳсулотлар) ҳамда органик бўлмаган ифлословчилар асосан оғир метал ионларидан сувни тозалашда кўпроқ самарали ва селективли сорбентлар билан уч модулли блокларни қўллаш ҳисобига сорбционли тозалашнинг тезлатиришни биз таклиф қиламиз.

Таклиф қилинаётган сорбентлар, сувлар-

нинг сифатли тозалашни сақлашда, фаоллаштирилган кўмир ва силикагеллар кўринишидаги мавжуд ўхшашига нисбатан, арзонроқ ва кенг тарқалган хом ашёдан ташкил топган. Берилган сорбентларни, кичик автокорхоналар ҳамда нефтга ишлов бериш заводларининг фенол ва оғир металлларидан ва тўқимачилик корхоналарининг органик бўёқларидан оқова сувларни чуқур тозалаш учун тавсия қилиш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Минаков В.В. Новые технологии очистки от нефтяных загрязнений / В.В. Минаков, С.М.Кривенко, Т.О. Никитина // Экология и промышленность России, – 2002. – № 5. – С. 7–9.
2. Васильев А.П., Дингес Э.В. Ремонт и содержание автомобильных дорог: Справочная энциклопедия дорожника (СЭД) // Под ред. А.П. Васильева. – М.: Информавтод, 2004.-507 с.
3. Алыков, Н.М. Сорбционное удаление из воды ионов тяжелых металлов / Н.М. Алыков, А.В. Павлова, К.З. Нгуэн // Безопасность жизнедеятельности, – 2010. – № 4. – С. 17–20.
4. Даутова С.Н. Очистка сточных вод автомойки с обратным водоснабжением // Вестник магистратуры 2013, № 5(20).- г. Йошкар-Ола. С. 24-25.

## КЎП ҚАВАТЛИ ЯШАШ УЙ-ЖОЙЛАРНИ, МАЪМУРИЙ ВА ЖАМОА БИНОЛАРИНИ НОАНЪАНАВИЙ ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ ҲИСОБИДАН ИССИҚ ҲАВО ОРҚАЛИ ИСИТИШ

Хусанов Х.Г., доцент; Исмоилов А.И., ассистент; Маматов Б., магистр  
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

XXI асрга келиб бутун дунё ер юзини глобал исиб кетиши оқибатида ер юзида иқлим ўзгаришини олдини олиш мақсадида ҳозирги кунда анъанавий иссиқлик энергияси ўрнига ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбаларидан кўпроқ иссиқлик энергиясидан фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Аҳолини ва ишлаб чиқариш корхоналарини электр энергиясига ва иссиқликка бўлган эҳтиёжни қондириш асосий мақсад ҳисобланади. Ер юзида қуёш энергияси энг катта қувватга эга бўлиб барча фойдали ёнувчи қазилмалардан икки баробар кўплигини инobatга олсак, яъни аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналарини электр энергиясига ва иссиқликка бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мумкин.

Республикаимизда жуда кўплаб кўп қаватли яшаш уй-жойларни, маъмурий ва жамоа бинолари қурилаётганини ҳисобга олган ҳолда, иқлимимизга мос бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига биноларни иссиқ ҳаво билан иситишни афзаллик томонлари ўрганиб чиқилди ва Сам ДАҚИ “ИГТ, В ва С” кафедраси ҳамда “Инносферапроект” МЧЖ биргаликда илмий тадқиқод ишлари олиб борилиб, кўп қаватли яшаш уй-жойларни, маъмурий, жамоа биноларни қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда иссиқ ҳаво орқали иситиш тизимлари лойихаланди.


Лойихада бинони чордоғини ойнали (акфа ромли) билан ёпилиб ҳаво иситиш агрегатлари ўрнатилади. Улардан чиққан иссиқлик миқдори ҳисобига киш фаслида иссиқхона сифатида фойдаланиш мумкин.

Куз ва баҳор фаслларида иссиқхонага тушаётган қуёш нурлари ҳисобига қизиган ҳавони хоналарга ҳаво узатгичлар орқали тўғридан тўғри узатилади. Ташқи ҳаво совуганда, булутли кунларда ҳавони иситиш агрегати ишга туширилади. Ҳаво иситиш агрегатлари ташқи ҳаво ўзгаришига қараб уч хил тартибда ишлайди (баланд, ўрта, паст қувватлар).

Ёз фаслида қуруқ-иссиқ иқлимий шароитни бўлишини ҳисобга олган ҳолда, иссиқхонага ўрнатилган форсункалар орқали ҳавони намланади ҳамда совитилади. Ҳаво совитиш агрегатида ҳаво қўшимча керакли миқдорда совитилиб хоналарга ҳаво ўтказгичлар орқали узатилади.

Чордоқдаги кондицияланган ҳавони ҳаво ўтказувчилар орқали ҳар бир ҳонага узатиб, микроиқлим билан таъминланиб ҳавоси алмаштирилади. Ҳаво иситиш агрегатларини

электр энергия таъминоти қуёш батареялари орқали олинади. Захира сифатида шаҳар электр тармоғидан фойдаланилади. (1-расм)



1-расм. Иситиш агрегатларини электр энергияси таъминоти схемаси

Анъанавий усулда қурилган биноларнинг тўсиқ конструкциялари орқали йўқоладиган иссиқлик миқдори 2-расмда берилган.



2-расм. Бино конструкциялари орқали иссиқлик йўқолиши миқдори

Таклиф қилинаётган лойихани анъанавий усулларга нисбатан афзаллик томонлари куйидагича:

- хоналарни ҳавосини алмаштириш ва кондициялашни локаллаштириш;
- киш фаслида том ёпмадан иссиқлик йўқолмаслиги;
- ёз фаслида, юқори қаватлардаги хоналарга, том ёпмадан келадиган иссиқлик миқдоридан сақлаш;
- киш фаслида чордоқдан иссиқхона сифатида фойдаланиш;
- эксплуатация нархларини арзонлиги;
- сервис хизмат кўрсатиш соддалиги;
- тизимни хизмат қилиш даврининг давомийлиги;
- атроф муҳитни экологик жихатдан соф сақланишлиги;
- ҳар бир хонодонда икки контурли иситиш қозонлари ҳамда кондиционерлардан фойдаланиш зарурати йўқлиги ҳисобига электр энергия

хамда газ сарфини тежаш;

Юқорида қайд этилган афзалликларни ҳисобга олган ҳолда, тақдим этиладиган лойиҳа долзарб ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. 07.02.2017й.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2030-йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепсияси. 15.10.2019 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2013 йил 11 мартдаги ПФ – 4512-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон буйруғи —Магистратура тўғрисидаги Низоми.

5. ГОСТ Р 51594-2000. Нетрадиционная энергетика. Солнечная энергетика. Термины и определения. - М.: ИПК Изд-во стандартов, 2000.

6. ГОСТ Р 51595-2000. Нетрадиционная энергетика. Солнечная энергетика. Коллекторы солнечные. Общие технические условия. - М.: ИПК Изд-во стандартов, 2000.

7. ГОСТ Р 51596-2000. Нетрадиционная энергетика. Солнечная энергетика. Коллекторы солнечные. Методы испытаний. - М.: ИПК Изд-во стандартов, 2000.

8. ГОСТ Р 51237-98. Нетрадиционная энергетика. Ветроэнергетика. Термины и определения. - М.: ИПК Изд-во стандартов, 1999.

9. ВСН 52-86. Установки солнечного горячего водоснабжения. Нормы проектирования. - М.: Госгражданстрой, 1988.

10. Хошимов Ф.А., Таслимов А.Д. Энергия тежамкорлик асослаои. –Т.:”Борис нашриёти”, 2014.

11. Клычев Ш.И., Мухаммадиев М.М., Авезов Р.Р., Потаенко К.Д. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. –Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2010.

12. ҚМҚ 2.01.01-94. Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси. – Тошкент, 1996.

УДК: 628.12. Н-79

## БИРИНЧИ КЎТАРУВ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИДА НАСОС АГРЕГАТЛАРИ ИШИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ

Мирзаев Абдиалим; Нодиров Дилшод; Норкулов Боходир

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида айниқса дарё сувларида лойқалиги катта бўлган ҳудудларнинг сув узатувчи насос станциялари ва насослар ишлаш унумдорлигини пасайтирмасдан уларнинг ишлаш ярқилик муддатини узайтириш ва насослар ишини тадқиқ этиш бўйича ушбу мақолада тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** насос агрегати; муаммони олдини олиш тадбирлари; аванкамера; захира агрегат; кавитация; эрозия; рўлмон чоғанок.

**Кириш.** Мамлакатимизнинг кўпчилик ҳудудларида ер сатҳи сув манбасидан баланд жойларни суғориш мақсадида насос станциялари ёрдамида сув кўтариб берилади. Дарё сувининг таркибидаги қум ва лойқаларнинг кўплиги оқибатида насосларнинг қобиғи яъни ички деворларини тезда емирилишига олиб келади, натижада насослар тезда ишдан чиқади. Бунинг олдини олиш мақсадида, насос станциясининг мукамал жойлашиш нуктасини танлаш ҳамда сув таркибидаги қум заррачаларини камайтириш муҳандислик тизимларини ишлаб чиқиш ва уларни илмий асослаш катта аҳамият касб этади.

**Тадқиқот мақсади:** насос агрегати тезда ишдан чиқиши, ишчи ғилдиракларга йирик жисмлар (қум, пластмасса, ёғоч, тош, ва шу кабилар) тушиб синдириши, механик аралашмаларнинг йирик зарралари тушиши натижа-сида рўлмон чоғаноклари бузилиши ва уланиш жуфтликлари узилиши, дарз кетиш ва бўлакраниш ҳолатлари юзага келади. Ушбу муаммоларни ечишда уларни илмий асослаш.

**Тадқиқот методи:** бажарилган ишлар натижасида насосларнинг ишлаш унумдорлигини кутариб, ярқилик муддатини ошириш таклиф қилинади. Ишончлилик назариясини қўлланилиши нафақат захира агрегатларини сонини тўғри аниқлаш, балки насос станцияларини ишлатиш сифатига баҳо бериш, агрегатлар ишлаш ишончлигини башорат қилиш, эҳтиёт қисмлари сонини аниқлаш, таъмирлаш ва муаммони олдини олиш тадбирлари ишлари такрорийлигини ўрнатиш имкониятларини белгилаш мақоланинг услуби ҳисобланади.

**Тадқиқот натижалари:** дарё сувининг таркибидаги қум ва лойқанинг кўплиги оқибатида насосларнинг қобиғи яъни ички деворларининг тезда емирилишига олиб келади, натижада насослар тезда ишдан чиқади. Бунинг олдини олиш мақсадида, насос станциясининг мукамал жойлашиш нуктасини танлаш ҳамда сув таркибидаги қум заррачаларини камайтириш муҳандислик схемаларини ишлаб чиқиш ва уларни илмий асослаш катта аҳамият касб этади [3,4,5].

Насосларнинг тезда ишдан чиқиши, ишчи гилдиракларга йирик жисмлар (қум, пластмасса, ёғоч, тош, ва шу кабилар) тушиб синдириши, механик аралашмаларнинг йирик зарралари тушиши натижасида рўлмон чоғаноклари бузилиши ва уланиш жуфтликлари узилиши, дарз кетиш ва бўлакраниш ҳолатлари юзага келади.



1-расм. Насос қобиғи ва паррақининг лойқа ва қумлар таъсирида емирилиши.


Юқоридаги 1-расмларда кўриниб турибдики, биринчи босқич насослар дарёдан сувни олиб узатиш жараёнида қум ва лойқалар зарраларининг насос ички қобиғини ҳамда паррақчаларини емирилишига олиб келади.

Натижада насос паррақчасининг ўзи айланиб керакли бўлган миқдорда сувни чиқариб беролмайди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда насос агрегатлари ишлаш жараёнини пайсанийишга қуйидаги омиллар сабаб булади:

- насос агрегатини жойлашиш режаси туғри жойлашмагани [2,3];
- биринчи босқич насос станцияларида деярли жихозланиш даражаси пастлиги;
- электр хисоблагичларнинг айрим жойларда тезда ишдан чиқиши;
- қанча босим остида сув узатилишини кўрсатувчи манометрларнинг йўқлиги ва шунга ўхшаш кўпгина камчиликлар мавжуд.

Ушбу натижалар асосида биринчи босқич насосларини ишлаш умрини узайтириш ва насосларнинг ички қобиғларининг емирилиб кетишини олдини олиш мақсадида қуйидаги тавсияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сувни дарёдан олиш жараёнида сувни тиндириш учун дарёнинг қирғоғида тиндириш камераси қурилади, тизимларини кўриниши қуйидаги чизмада кўрсатилган.



2-расм. Биринчи босқич насос станциялари гидротехник иншоотларининг режа тасвири. а ва б-таъсирлар, 1-манба, 2-сув олиш иншооти, 3-сув келтириш канали, 4-тиндиргич, 5-аванкамера, 6-сув қабул қилиш бўлиналари, 7-сўриш қувурлари, 8-станция биноси, 9-босимли қувурлар, 10-сув чиқариш иншооти, 11-машина канали

Бажарилган ишлар натижасида насосларнинг ишлаш унумдорлигини ошириб, яроқлик муддатини ошириш таклиф қилинади. Шу билан биргалликда электр энергиясини тежаш имконини беради. Насосларнинг зарур сонини аниқлаш учун насослар сони ҳар хил бўлган бир нечта вариантни кўриб чиқиш, бунда максимал сув сарфини етказиб бериш бўйича қабул қилинган шартдан келиб чиқиб, максимал сув сарфини таъминлаш учун захира агрегатни ўрнатиш билан ва насосларни турлича иш унумдорлигини кўзда тутиб, вариантларни техник – иқтисодий таққослашдан сўнг энг қулай насосларни жойлашиши ва сонини танлаб олиш тавсия этилади [2,3].

Ушбу тавсиялардан кўриниб турибдики, захира насослар сони насос станциясида ўрнатилган агрегатларнинг ишончилигига боғлиқ бўлмаган ҳолда қабул қилиш нотўғри равишда таклиф қилинади, чунки захира агрегатлар сони қолган агрегатлар ишончилигига боғлиқ. Захира насослар сонини ишончилик ва захиралаш назариялари тавсиялари асосида ўрнатиш лозим. Ишончилик назариясини кўлланилиши нафақат захира агрегатларини сонини тўғри аниқлаш, балки насос станцияларини ишлатиш сифатига баҳо бериш, агрегатлар ишлаш ишончилигини башорат қилиш, эҳтиёт қисмлари сонини аниқлаш, таъмирлаш ва муаммоларнинг олдини олиш тадбирлари ишлари такрорийлигини ўрнатиш имкониятларини яратади.

Ишончилик мезонлари насос станцияларини ишлатиш сифатига баҳо бериш ва ишончиликнинг турли хил кўрсаткичлари (асосий ва муаммоларни олдини олиш тадбирлари, таъмирланишлар такрорийлиги, захирадаги деталлар сони ва б.қ.) ни башорат қилиш имкониятини яратади. Бундан ташқари, битта насос станциясидаги алоҳида насосларни бошқа бир

насос станцияларидагиси билан таққослаш мумкин бўлади. Натижада бошқа насос станцияларини ишлатишни ва уларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин. Шунга кўра, бир хил насослар турли хил шароитда турлича ишлайди. Шунинг учун ҳам сув ҳавзаси ўзани таркиби ва иклими ҳар хил бўлган шароитда ишлаётган насослар ишлатилиши материалларига статистик ишлов бериш натижасида олинган 1-жадвал насос станцияларни лойиҳалашда мутахассисларни кизиқтириши табиий.

Насос станциясининг ишлаш ишончилигини деталлар ва қисмлар ишончилигини, кавитация ва эрозияга чидамчилигини, сифатини назорат қилишни яхшилаш; энг мақбул иш тартиб-ботини танлаш; конструктив ечимлар тадқиқотлар асосида жихозларини ишончилигини кўтариш; юқори ишлатиш ишончилигига эга иш шароитига мос материалларни қўллаш; насос станцияларини йиғишда таъмирлаш ишларини қулайлигини ҳисобга олиш; дастлабки синовларни, ростлаш ишларини ўтказиш ва шу қабили билан ошириши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган ёки бошқа бир чора-тадбирлар маълум бир вақт оралиғида кўзда тутилган ишончиликни таъминлай олмаса, захиралаш қўлланилади, зарур иш ҳажми учун ортиқча, захира насос ўрнатилади, яъни алоҳида агрегатлар ишончилигидан умумий ишончилиги юқори бўлган насослар гуруҳи барпо этилади.

1-жадвал

Насосларни ишдан чиқиш максималлиги

Қурилма номи	1000 соат ишлашда бузилишлар максималлиги		
	максимал	ўртача	минимал
1 Винтли насослар (босимли ёғ қурилмалари), босим бўйича:			
а) 20 кг/см <sup>2</sup>	0,20	0,05	0,03
б) 40 кг/см <sup>2</sup>	0,25	0,08	0,06
2 Марказдан қочма насослар	0,15	0,05	0,03
3 Қудук насослар	0,2	0,07	0,05

Насос станцияларида насосларни асосий; захирали ва аралаш турдаги уланишлари қўлланилади. Агар борди-ю, битта насоснинг ҳам ишдан чиқиши бутун уланишнинг ишдан чиқишига олиб келса, бундан уланиш асосий (кетма-кет) уланиш турига киради [5,6].

Насос станцияларида захиралаш бутун қарали ва қасрли қаррали бўлиб амалга оширилиши мумкин. Агар асосий насос битта ёки бир нечта захирага эга бўлса, захиралаш бутун қаррали, агар асосий насослар алоҳида захирага эга бўлмасдан, захира насослар бир нечта асосий насос учун мўлжалланган бўлса, бундай захиралаш қасрли қаррали деб аталади. Насос станцияларида қасрли қаррали захиралашнинг тури бўлган силжийдиган захиралаш қўлла-

нилиши ва бундай захиралаш турида захирадаги ихтиёрий насослардан бири ихтиёрий асосий насосни алмаштириш мумкин.

**Хулоса:** насос станцияларида захира насосларни ишлатилишининг бутун даври давомида ёки асосий насослар ишдан чиққанда, яъни доимий захиралаш ва алмаштириш билан захиралаш бажарилиши мумкин.

Шунингдек, насос станцияларида иссиқ (юклантирилган), илиқ (енгиллаштирилган) ва совуқ (юклантирилмаган) захиралар учрайди.

Юклантирилган захира ҳатто асосий насосдан захира насосга ўтиш учун қисқа муддатли танаффусга йўл қўйиб бўлмайдиган насос станцияларида қўлланилади. Доимий ишлатиладиган захиранинг афзаллиги шундаки, бунда қисқа муддатли танаффусдан сўнг қайта ўтказишга вақт ва восита сарфлашга ҳожат бўлмайди. Камчилиги бўлиб эса, захира насос ўзининг ишончилиги захираларини асосий насос сифатида ишлатиб қўйиши ҳисобланади.

Агар захира насоснинг ишлаш шароити асосий насоснинг иш шароитига ўхшаш бўлса, захиралашнинг бундай тури иссиқ ёки юклантирилган захира деб аталади. Агар захира насос ўзининг ресурсларини қўшилган пайтдан бошлаб сарфласа, у илиқ, енгиллаштирилган, захира насос ўзининг ресурсини ишдан чиққан насос ўрнига қўйилган пайтдан бошлаб сарфласа, бу совуқ захира деб юритилади.

Насос станцияларини захиралаш ишончилигини асосий кўрсаткичлари ва керакли ишончилик даражасига эришиш учун захира агрегатлари сонини аниқлаш ҳисоблари аввалроқ келтирилган боғлиқликлар ёрдамида амалга оширилади.

#### Адабиётлар:

1. Ахмедов И. Гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва технологияси. Ўқув қўлланма, Т-2008й., 227 б.
2. Насослар ва насос станциялари. / М.Мамажонов, Б.Уралов, А.Хақимов, Т.Мажидов / Ўқув қўлланма Тошкент., 2009 й. 212 бет.
3. Базаров Д.Р., Шодиёв Б.Н., Норқулов Б. ва бошқ. “Сув ташлаш иншоотини гидравлик ҳисоблаш” ISSN 2181-8584., “Ирригация ва мелиорация” журнали, №1(15), Тошкент, 2019, 32-37 бет.
4. М.Мамажонов, Б.Уралов, С.Хидиров. “Влияние гидроабразивного износа деталей центробежных и осевых насосов на эффективность эксплуатации оросительных насосных станций. ISSN 2181-8584., “Ирригация ва мелиорация” журнали, №1(15), Тошкент, 2019, 37-43 бет.
5. Шоазизов Ф., Уралов Б. и др. “Разработка компьютеризированной системы поддержки принятия решений по определению опасных зон затоплений”. XXII-Международная конференция “Передовые технологии Цивильной Инженерии”. Ташкент, Узбекистан, 18-21 апреля, 2019г.
6. М.Мамажонов, Б.Уралов, Х.Турсунов. Изменение водоподдачи насосов. /Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2005. № 1. с.28-29.

УДК 628.1.12

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАН ОҚИБ ЎТАЁТГАН ЗАРАФШОН ДАРЁСИ СУВЛАРИ ИФЛОСЛАНИШИНИ ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ УСУЛДА ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ ҚИЛИШ ВА ЎРГАНИШ****Халилов Н.**, доцент; **Шамсиев И.**, магистр; **Халилов Ш.** талаба  
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Тадқиқот натижаларининг илмий жихатдан янгилиги Қорадарё ер усти сув хавзаси сувларини электрокимёвий усулда тозалаш ва электрокоагуляция йўли билан тозалашда аралаштириш ҳамда момиклар ҳосил қилиш жараёнини таҳлил қилиш ҳисобланади. Табиий сувларни электрокимёвий усулда тозалаш ва лойқа сувларни электрокоагуляция йўли билан тозалашда аралаштириш ва момиклар ҳосил қилиш жараёнининг ахамияти назарий жихатдан ўрганилди. Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти сифатида Қорадарё сувларини электрокимёвий усулда тозалаш тизимини ишлаб чиқиш ва сувларни электрокимёвий усулда тозалаш жараёнини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар киритилган. Ундан ташқари аҳоли пунктлари сув таъминоти тизимида самарали ва илғор сув тозалаш технологияларини қўллаш эвазига сув билан таъминланиш даражасини яхшилаш масаласи ҳам ўрганилган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Қорадарё сувларини электрокимёвий усулда тозалаш тизимини ишлаб чиқиш ва ер устки сувларини тозалаш жараёнини яхшилашдан иборат.

The scientific validity of the results is the analysis of the electrochemical treatment of surface water in the Koradarya basin and its mixing and purification during electrocoagulation. Electrochemical purification of natural water and Theoretical significance of the process of mixing and drying of sludge by electrocoagulation is studied. The practical significance of the research is to make suggestions and recommendations for improving the process of electrochemical treatment of Koradarya water. In addition, improving water treatment technology in the water supply system of the population we studied.

The purpose and objectives of the work are to develop system of electrochemical treatment of Koradarya water and to improve the surface water treatment process.

Целью и задачами работы является разработка системы электрохимической очистки поверхностных вод из реки Карадарья. Научная обоснованность полученных результатов заключается в анализе электрохимической очистки поверхностных вод в бассейне Карадарьи и ее смешивания и очистки при электрокоагуляции. Изучена электрохимическая очистка природных вод теоретическая значимость процесса смешивания и сушки осадка с электрокоагуляцией. Практическая значимость исследования состоит в том, чтобы внести предложения и рекомендации по совершенствованию процесса электрохимической очистки воды Карадарьи.

Кроме того, рассмотрены водостока улучшения воды за счет использования эффективных и передовых технологий очистки воды в системе водоснабжения.

Сув таъминоти тизимида табиий сув манбаси сифатида ер устки сув хавзаси қабул қилинганда сувни истеъмолчи талаби даражасида тозалаш учун қабул қилинадиган технологик усуллар ва жараёнлар хавза сувининг сифат кўрсаткичлари ва ифлосланиш даражасига бевосита боғлиқ. Шунинг учун авваломбор тадқиқотчи томонидан сув манбаси ҳақида, унинг сифат кўрсаткичлари ва ифлосланиш даражаси тўғрисида етарлиқ маълумотга эга бўлиши талаб этилади. Юкорида келтирилган фикрларни инобатга олган ҳолда Зарафшон сувини тозалаш бўйича тадқиқотлар ўтказишда биринчи навбатда сув манбаси ҳолати ўрганилди.

Зарафшон дарёси бассейни шарқ-жанубий-шарқдан ғарб-шимолий-ғарб томонга чўзилган. Бассейнинг умумий майдони 42 минг км<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Хавзанинг шарқий чегараси Олой, Туркистон ва Хисор тоғ тизмалари кўшилишидан ҳосил бўлган кўк сув тоғ ирмоғидан бошланади ва дарёнинг ғарбий чегараси Амударёга етиб бормасдан сандиқли кумликларида тугайди.

Зарафшон бассейни майдони табиий-тари-


хий белгиси бўйича иккита асосий қисмга бўлинади: шарқий (тоғли) ва ғарбий (текислик). Бассейнинг асосий сув манбаси - бу Зарафшон дарёси ҳисобланади. Дарё Туркистон ва Хисор тоғ тизмалари оролиғида жойлашган Зарафшон музликларидан бошланади.

Лойқа сувларни электрокимёвий усулда тозалаш жараёнини ўрганиш бўйича тажрибалар 1-расмда кўрсатилган лаборатория қурилмасида олиб борилди.

Лаборатория қурилмаси эритма-сарф сиғими, насос қурилмаси, сув босимини бир хилда ушлаб турувчи меъёрлаштирувчи идиш, электрокоагулятор, электр токи билан таъминлаш блоки, аралаштириш ва момик ҳосил қилиш камераси ва ўлчов сиғимларидан иборат.

Қилинадиган модул оқова сув гидравлик аралаштириш мақсадида тешикли қувур билан жиҳозланган ҳажми 150 литрлик эритма-сарф сиғимида тайёрланди. Эритма сарф сиғимидан тадқиқот қилинадиган сув НБЦ-2 «Поток» маркали насос орқали перелив қузури билан жиҳозланган меъёрлаштирувчи сиғимга узатилади. Сиғимдан сув эрийдиган темир пластинкали электродлар ўрнатилган электрокоагуля-

торга келиб тушади. Пластинкали электродлар ўзгармас ток манбасига уланади. Электрокоагуляторда ишлов берилган сув аралаштириш ва момик ҳосил қилиш камераси узатилади. Камерада коагуляция қилинган сувни аралаштириш ва момик ҳосил қилиш жараёнлари амалга оширилади. Сўнгра сув ўлчов сифимига келиб тушади. Тозаланаётган сув сарфи курилмада ўрнатилган вентиляр ёрдамида ўзгартирилиб турилди. Курилманинг айрим элементларини туташтиришда резинали ва силикат шланглар ишлатилди.



1-расм. Лаборатория қурилмасининг тасвири. 1-модуль сув сифими; 2-насос; 3-сув босимини меъёрлаштурувчи сифим; 4-электрокоагулятор қурилмаси; 5-электр энергияси билан таъминлаш блоки; 6- аралаштириш ва момик ҳосил қилиш камераси; 7-ўлчов сифими.


Лаборатория қурилмасининг асосий элементи электрокоагулятор ва аралаштириш ва момик ҳосил қилиш камераси ҳисобланади.

Электрокоагулятор (2-расм) органик шишадан тайёрланган тўғри бурчакли пасти призматик кўринишдаги корпусдан иборат бўлиб сувни узатиш ва чиқазиш патрубкालари билан жиҳозланган. Корпуснинг тиниқ органик шишадан тайёрланганлиги қурилма ичида кетаётган жараёни бевосита кўз билан кузатиш имкониятини беради. Корпус ичига бир-бирига ва корпус деворига параллел равишда алюминий листидан тайёрланган олтига пластинка ўрнатилган. Пластинкалар полиэтилен стяжкалари ёрдамида блок кўринишда умумий пакетга йиғилган.

Электродларнинг қисқа туташувига йўл қўймаслик ва улар орасидаги керакли ораликни ҳосил қилиш учун улар орасига полиэтилен шайбалар ўрнатилган. Электродлар ўзгармас ток манбасига ҳар биттадан кейин анод ва катодлар сифатида уланган. Электрокоагуляторга бериладиган электр токи параметрларини регулировка қилиш учун ЛАТР-1М маркали лаборатория автотрансформаторидан фойдаланилди. Ўзгарувчан токни тўғрилаш учун (ўзгармас токка айлантириш учун) Д-242А диодли тўғрилагичдан фойдаланилди. Электр токи параметрлари 1-класс аниқликка эга КИП комплекс электр ўлчов асбоблари ёрдамида ўлчаб борилди. КИП таркибига АСТ типидagi амперметр ва АСТВ типидagi вольтметр (ўлчаш

аниқлиги  $-0,5$ ) киради. Уларнинг кўрсаткичлари Ш 4313 типидagi умумлашган сонли прибор орқали назорат қилиб борилди.

Аралаштириш ва момик ҳосил қилувчи камера (3-расм) қувур кўринишдаги органик шишадан тайёрланган бўлиб ўқ бўйича камера ичига худди шу кўринишдаги кичик ўлчамли аралаштиргич жойлаштирилган. Ички камера сув аралаштиргич ва ташқи камера эса момик ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Камеранинг пастки қисми конуссимон қилиб ясалган. Электрокоагуляторда ишлов берилган сув дастлаб ички камеранинг пастки конуссимон қисмидан узатилади ва аралаштириш жараёнидан сўнг ташқи камерага келиб тушади. Момик ҳосил қилинган сўнг сув ташқи камеранинг пастки конуссимон қисмидан ўлчов сифимига узатилади. Ажралиб чиққан электролитик газлар камеранинг юқорги қисмида ўрнатилган патрубк орқали чиқазиб юборилади.



2-расм. Электрокоагулятор қурилмасининг тасвири. 1-қурилма корпуси; 2-электрод пластинкалар; 3-сувни қурилмага юбориш патрубкеси; 4-сувни ва электролитик газни чиқазиш патрубкеси; 5-электр энергияси билан таъминлаш блоки.

3-расм. Аралаштириш ва момик ҳосил қилувчи камерасининг тасвири. 1- ташқи камера; 2-ички камера; 3-коагуляцияланган сувни камерага юбориш патрубкеси; 4- электролитик газни чиқазиш патрубкеси; 5-ишлов берилган сувни тиндиригичга чиқазиш патрубкеси

Тадқиқот ўтказилаётган сув таркибидagi ифлосликлар, муаллақ заррачалар ва сувнинг минерализацияси тортиш усули (весовой способ) орқали ўлчанди. Сувнинг ишқорийлиги пробани уювчи натрий кислотаси эритмаси билан титирлаш орқали аниқланди

Водород кўрсаткич қиймати лаборатория қурилмаси сарф сифимига уювчи натрий кислотасининг концентрациялаштирилган эритмасини қўшиш йўли билан ўзгартирилиб борилди ва рН-метр (ўлчаш аниқлиги  $-0,05$ ) билан ўлчанди.

Сув ҳароратининг талаб этилган қиймати автотрансформатор орқали электр токига уланган электр иситгич ёрдамида ўзгартирилиб борилди ва термометр ( $0-50^{\circ}\text{C}$ , ўлчаш аниқлиги  $-0, 1^{\circ}\text{C}$ ) орқали ўлчанди.

Сув ҳаракатининг тезлиги ўлчов сифимида ўлчанган сув сарфини қурилма жонли қирқим

юзасига бўлиш орқали аниқланди.

Алюминий электродларининг эриш жадаллиги электродларнинг оғирлигини абсолют ўлчаш аниқлиги 10 мг бўлган техник тарозида тортиш (ўлчаш) йўли билан аниқланди.

Тажрибаларни ўтказиш услуги қуйидагича:

-электродлар блоқи ечиб олинади;

-электрокоагулятор пластинкаси водопровод сувида ювиб олиниб 15 секунд давомида 10% ли NaOH эритмаси билан ёғсизлантирилади ва кейин яна водопровод суви билан ювилиб, қуруқ латта билан артилади ва қуритилади;

-пластинкалар оғирлиги ўлчанади.

Лаборатория қурилмасида тажриба ўтказиш тартиби қуйидагича олиб борилди:

-қурилманинг сарф сифимида модул сувни тайёрлаш;

-электрокоагулятор қурилмасини ўрнатиш;

-насос агрегатни ишга тушириш (манбага улаш);

-сув тиндиргич олдида ўрнатилган вентиль орқали қурилмада керакли сув сарфини ҳосил қилиш;

Тажриба ўтказишда модул сув водопровод сувига Оқорадарё-Қорадарё сувлари ажратгичдан олинган қуритилган чўкмани аралаштириб тайёрланди. Модул сувнинг концентрациясининг бир хиллигини таъминлаб туриш учун сарф сифимида сув доимий равишда босимни меъёрлаштирувчи идишнинг перелив қувуридан тушаётган ортиқча сув ёрдамида аралаштирилиб турилади.

Сув таркибидаги минерал моддалар дисперслиги тиндириш услуги орқали гранулометрик чизиқли график асосида аниқланди. Бунда сувни тиндириш баландлик бўйича махсус шкалаларга бўлинган шиша цилиндрик лаборатория идишида бажарилди. Модул сув таркибидаги минерал моддалар дисперслиги эса цилиндрик шиша идишда тиндириладиган сувнинг маълум баландликларидан пипетка ёрдамида проба олиш ва уни таҳлил қилиш орқали аниқланди. Электрокоагуляторда сувга ишлов бериш давомийлиги ва пластинкали электродлар орасида сувнинг ҳаракат тезлиги сув сарфи ва электрокоагулятор кўндаланг кесими юзаси ҳамда узунлигига боғлиқ равишда ҳисобланди. Сув сарфи вақт бирлиги ичида ўлчов сифимида келиб тушган сув миқдори бўйича ҳисобланди. Тажриба ўтказишда сувнинг талаб этилган сифат кўрсаткичлари ва концентрациясини аниқлаш анализ ўтказиш тартибига асосан тегишли қонун ва қоидалар бўйича олиб борилди.

Ҳар бир тажриба 5-6 марта қайтарилиб улардан ўртача қиймат олинди ва қийматларнинг ўлчов бирлиги қуйидагича

қабул қилинди: заррачанинг гидравлик йириклиги (чўкиш тезлиги) мм/с, сув сарфи м<sup>3</sup>/соат, электрокоагуляторнинг кўндаланг қирқим юзаси м<sup>2</sup>, пластинка узунлиги ва улар орасидаги масофа мм.

Белгилар ва картодиограмма усулларида миқдор кўрсаткичлар белгиларнинг ўлчамига боғланади. Белгилар усулида, масалан, илмий-маълумотномали карталаштиришда белгиларнинг ўлчами “тежаб” танланади, яъни объектларнинг кўрсаткичлари белгиларнинг ўлчамига яқин даражада танланади.

Картодиограмма ва белгилар усуллари деталлашган карталаштиришда бир-бирига ўхшаш кетади. Агар ҳудудий бўлиниш йирик бўлса, белгилар учун абсолют шкала танланади, аксинча, шартли шкаладан фойдаланилади. Картодиограмма усулида ходисаларнинг таркибини тасвирлаш эффекти ҳам турлича. Масалан, аҳоли объектларининг миқдор кўрсаткичларини белгилар билан тасвирлашда (демографик кўрсаткичлар) таққослаш ишларини олиб бориш қийин. Ҳодисаларнинг динамикасини тасвирлашда белгиларга алоҳида талаб қўйилади: бунда шартли поғонали шкала танланади ёки абсолют узлуксиз шкаладан фойдаланилади.

К.А.Салицев поғонали шкалаларни қўлай танлаш йўллари ва услубларини, белгиларни бир-бирдан фарқлаш учун шкалалар босқичларини ҳисоблаб чиққан [7]:

$$n = 1 + (\lg A - \lg a) / \lg k$$

$n$  - шкалалар босқичи,  $A$  - ва  $a$  - энг катта ва кичик белгилар ўлчами,  $k$  - белгилар чизикли ўлчамларини ошириб бориш коэффициентини. Натижада, энг катта ва кичик белгилар орасидаги боғлиқликни қуйидагича аниқлаш имкони туғилади:

$$A = aK^{n-1}$$

Бу формула ёрдамида картадаги шартли белгиларнинг умумий юкламаси аниқланади [2].

Картограмма, миқдорли ранг, ареаллар, тенг чизиклар усуллари ёрдамида интенсивликни ифодалаш учун шкалаларни ишлаб чиқиш ва белгиларни танлаш ишлари шкалалар орасидаги ранглар фарқига қараб бажарилади.

Амалиётда бир хил рангли шкалалар

босқичлари 5-7 тадан ошмаслиги керак. Агар худудий бўлиниш жуда майда бўлса, унда бундай босқичлар сони камроқ ҳам бўлиши мумкин. Шкалалар босқичлари сони қанча бўлишлиги экспериментал йўл билан аниқланади. Ҳозирги вақтда ранглар қаторидан фойдаланиб, шкалалар сони оширилмоқда. Шкаларнинг энг охириги кўриниши микдор кўрсаткичнинг географик тарқалишидан, социал-иқтисодий карталарни тузишнинг илмий асосларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Шкаларнинг интерваллари (оралиғи) чегараси ҳам турлича йўл билан аниқланади: статистик-, мантиқий-математик таҳлиллар ва ҳ.к. (Сербенюк, Тикуннов, 1984). Бу ишда ЭХМни қўллаш яхши натижаларни беради. Шкалар босқичларининг тарқалиш хусусияти, кўрсаткичлар микдорларининг ўзгариб бориш тезлиги ўртача арифметик қиймати хусусиятлари қаторларига қараб танланади. Автоматик равишда чизиқли қаторлар қурилганда, ҳодисаларнинг тарқалиш хусусиятини таҳлил қилиниш имконияти туғилади [8]. Шкалар босқичларини танлашда турли алгоритмлардан фойдаланилади. Бу йўл жуда қийин, лекин чуқур математик таҳлилни таъминлайди. Масалан, В. Тикунновнинг кўп вариантли агломератив иерархли алгоритми бу ишда жуда самаралидир. Бу алгоритмда биринчидан шкалар сони белгиланади, сўнгра энг катта ва энг кичик қийматли шкалар аниқланади. Кейинги босқичда камайиб боришига қараб, бошқа шкалар белгиланган орттирмалар бўйича танланади:

$$S = \sum (x_i - x_{i+1})$$

$S$  – орттирмалар йиғиндиси,  $x$  – қаторлар қиймати;

$$\Delta = (x_i - x_{i+1})/\Delta i - 1, 2, 3, \dots, n-1$$

$\Delta$  - қаторлар қийматлари нормал орттирмалари,

$$\Delta = S/n \quad n - \text{қатордаги шкалар сони}$$

Қаторлар қийматлари нормал орттирмалари бўйича энг кам қийматлидан энг кўпига қараб гуруҳланади. Босқичлар сони қаторли қийматларнинг қўшилишига қараб ортиб боради, бунда босқичдаги орттирмалар сонининг нисбати босқичлар орасидаги орттирмалар нисбатидан энг кам, босқичдаги карталаштирилаган ҳодисалар кўрсаткичларини тасвираши эса энг юқори бўлади.

Шкалар сони математик йўл билан аниқланганда ўта юқори географик таҳлил олиб борилиши шарт, шундагина картада ҳодисаларнинг худудий тарқалиши тўлиқ ифодланади. Математик методлар ҳодисаларнинг динамикасини кўп йиллик маълумотлар бўйича тасвирашда кенг қўлланилмоқда, масалан, аҳоли динамикасини ва ҳ.к. Матрицали математик

ҳисоблаш йўллари (матрица ўрнида худуднинг бирор қисмини қоплайдиган тўр назарда тутилади) ўртача қийматлар бўйича ҳодисалар динамикасини картада хўжаликларнинг худудий бўлиниши чегараси ўзгарган бўлишига қарамадан ҳам тасвираш имкони яратилади.

Ҳодисаларнинг вақтинчалик ва фазовийли хусусиятларини тасвирашда “ишончли” математик яқинлик интерваллари ҳисобланади:

$$\delta = Z\sigma_i/\sqrt{n}$$

$\delta$  – математик яқинликнинг аниқлиги;  $Z$  – Лаплас функциясининг нормаллашган қиймати;  $\sigma_i$  – ўртача квадратик хатолик,  $n$  – эҳтимоллар бўйича берилган қийматлар сони.

Сўнгра вақтинчалик тарқалиш ҳодисаларнинг марказий нуқталарини ҳисобга олинган ҳолда ўртача арифметик қийматли математик яқинлик интерваллари орқали картага туширилади. Шкалар интерваллари графигида ҳодисалар кўрсаткичларига қараб паст-баланд жойлар пайдо бўлади, бу эса математик яқинлик тўғри ҳисобланганлигини билдиради. Карта-лаштиришда шкалар босқичи интервалларининг абсолют ва нисбий хатоликларини ҳам ҳисобга олиш зарур. [6] Хатоликларни баҳолаш мезонларидан бири - бу маълумотларнинг микдор кўрсаткичларини тўғри танлашдир.

*Аҳоли карталарида сифат кўрсаткичларни тасвираш.* Объектларнинг сифат кўрсаткичларини картада тасвираш учун бирор бир классификация танланади-оддий ёки кўп босқичли (иерархли), типологик ёки генетик [8]. Сифат кўрсаткич-бу карталаштирилаган объектнинг ташқи ёки ички воқеа ва ҳодисалардан ўзига хос хусусияти (сифати) бўйича фарқланишидир. Бу эса сифат кўрсаткичли карталар предметини ташкил этади.

Объектлар классификацияси орқали картада битта сифат кўрсаткич, ёки битта ёки ундан ортиқ объектларни қамраб олиган комплекс сифатли кўрсаткич ифодаланиши мумкин. Мажмуали сифат кўрсаткичлар карталар легендасини тузиш жараёнида мукамаллашади, бундай легендани қуришда иш илмий асосланган маълумотлар асосида бажарилади.

Социал-иқтисодий ҳодисаларнинг сифат кўрсаткичлари карталарни тузишда микдор кўрсаткичлар билан бойитилади (аҳоли жойлашиши ва аҳоли сони). Сифат кўрсаткичларнинг деталлашганлиги ва мураккаблиги картанинг мақсадига боғлиқ. Энг катта деталлашган ва мураккаб мазмунга эга бўлган карталар-булар илмий-маълумотномали ва маълумотномали карталардир. Илмий-маълумотномали карталарда типологик классификациялар қўлланилади, маълумотномали карталарда эса элементар ёки комплексли классификациялардан фойдаланилади. Ҳодисаларнинг деталлашганлиги ва мураккаб сифат кўрсаткичлиги

билан карталарнинг мақсади орасида тескари боғлиқлик мавжуд. Илмий-маълумотномали ва маълумотномали карталарда географик аниқлик ва объектларнинг деталлашганлик даражи бошқа турдаги карталарга қараганда анча юқоридир.

Сифат кўрсаткичларни картада ифодалашда картографик тасвирлаш усуллари аҳамияти жуда катта-агар бир усул билан кўрсаткичлар тўлиқ тасвирланмаса, бошқа усуллар ёрдамида тўлдирилиши мумкин. Бунинг учун кўпроқ белгилар, картодиограмма, ареаллар ва сифатли ранг усулларидан фойдаланилади.

Аҳолини картографиялашда тасвирлаш усуллари биргаликда қўллаш йўллари ишлаб чиқилган; масалан, сифатли ранг ва микдорли ранг усуллари билан аҳоли зичлиги карталари тузилади (Дунёнинг аҳоли картаси, 1961). Сифат кўрсаткич ва ҳодисаларнинг географик тарқалиши орасидаги муаммо социал-иқтисодий картографияда жуда кийин ечилади, бунга рўйхат-статистик маълумотларнинг ҳодисаларни фазовий тарқалишини белгилашга ёрдам бериши [5]. Агар сифат кўрсаткичлар оддий ёки комплекс хусусиятга эга бўлса, уларни картада кўрсатишда унчалик қийинчилик туғилмайди, лекин бундай кўрсаткичлар билан бирор бир мураккаб боғлиқлик, тизимли алоқалар ифодаланиши керак бўлганда – масала қийин ечилади. Бундай вақтда иқтисодий географлар (экспертлар сифатида) карта яратишга жалб қилинади.

Бундай ҳолларда компонентли ёки факторли моделлар, карталаштириш ҳудуди бўйича объектларнинг асосий кўрсаткичларини ифодалайдиган-ҳудудий тизимлилик методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кўп ўлчамли умумлаштирилган объектлар классификацияларини тасвирлашда таксономик моделлар тузилади. Таксономик моделлар факторли ва тармоқли таҳлилларни ўз ичига олган ҳолда, воқеа ва ҳодисаларни карталаштириладиган ҳудуддан мазмун жиҳатдан қанчалик яқин ёки узоқ эканлигини белгилайди. Бундай моделлар ҳудудни бошқа бир қанча кўрсаткичлари бўйича ҳам таърифлаши мумкин.

Математик таҳлил методини қўллашда картада тасвирланган мазмуннинг географиясини аниқлаштириш бўйича назорат (текшириш) ишларини ташкил этиш зарур. Бундай назорат асосан иқтисодий географлар ва картографлар билан биргаликда ташкил этилади. Ҳудуднинг сифатли бўлинишини самарали ажратишда аэрокосмик материаллар жуда қўл келади. Космик суратлар орқали шаҳардан қишлоқга ўтиш жойларини, шаҳарларнинг ўсиш динамикасини ва ҳ.к. аниқ ифодаласа бўлади [9].

*Аҳоли карталарида таркибий кўрсаткичларни тасвирлаш ва қуйидагича хулосалар қилиш.*

Аҳоли карталарида ҳудудий тизимларининг таркибини тасвирлаш ишлари муҳим ўрин тутади. Ҳудудий тизимларни ташкил этиш бирор бир хўжалик ёки маъмурий бўлиниш ичида олиб борилади (вилоят, район, хўжалик, шаҳар, иқтисодий марказ ва ҳ.к.). Социал-иқтисодий объектлар бир-бири билан ўзвий боғланган, бу тизимларнинг таркибини тасвирлашда карталаштириш бирлигини танлаш зарур.

Бунинг учун ташкилий омиллардан фойдаланилади, яъни ҳудудий тизимлар жойлашган ёки ташкил этилган маълум нуқталар, чизиқлар ёки майдонлар бўйича тизимли таркиблар тасвирланади. Масалан, аҳоли пунктлари иқтисодий марказларда ва транспорт йўллари ва ҳ.к. Натижада объектлар маълум географик тармоқлар ёки ҳудудлар бўйича картада кўрсатилади.

Аҳоли картографиясида автоматлаштиришни қўлланилиши таркибийликни тасвирлаш учун зарур бўлган - шартли поғонали белгилар усулининг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Бу усулни қўллаш учун картографик асосга “тўр” чизилади. Тўрнинг ҳар бир катагига карталаштириладиган объектлар туширилади, объектлар сонига ва тарқалишига қараб социал-иқтисодий карталар тузилиши тавсия этилади.

Шу билан биргаликда аҳолининг ҳозирги вақтдаги ўсиш жараёни, таркиби ва жойлашиш кўпгина масалаларни туғдиради. Бу масалаларнинг баъзилари бутун жаҳонга хос бўлса, айримлари турли тоифадаги мамлакатларга хосдир. Жаҳон аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани миллатлараро муносабатлар, урбанизация масалалари ана шундай муҳим муаммо масалалардир. Шу сабабли бу муаммоларни ечишда чора тадбирлар ишлаб чиқишда картографик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ дед ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 102 б.
2. Абдуллаев Ё. Статистика назарияси.:100 савол ва жавоб.-Т.: Мехнат, 2000.-448 б.
3. Асанов Г.Р.-Аҳоли географияси. Ўқув қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1978.-220 б.
4. Бўриева М. Ўзбекистонда туғилиш ва унга таъсир этувчи омиллар // Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари.-Т., 1992. Б. 26-37
5. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси.-Т.: Университет, 1997.-181 б.
6. Салиев А., Кадыров М. География населения и населенных пунктов Самаркандской области. Учебное пособие.-Самарканд, 1998.-164 с.
7. Салищев К.А. Картоведение. Учебник. -М.: Изд-во МГУ, 1990.
8. Сафаров Э.Ю. Географик ахборот тизимлари.-Тошкент., НУУзб., 2010.
9. Тожиева З. Иқтисодий ва демографик статистика. Ўқув қўлланма.-Т.: ЎЗМУ, 2002.-160 б.

УДК 691-492-027.267

## ЁНГИНЛАРНИ САМАРАЛИ ЎЧИРИШДА КЎПИК ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ДАСТАКЛАРНИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

Каримов Музаффар Шавкатович, катта ўқитувчиси,  
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси

Ушбу мақола матнида ҳозирги кунда мавжуд бўлган кўпикли ёнгин ўчириш дастакларининг асосий функциялари ҳамда техник кўрсаткичлари, бино ва иншоотларининг ички қисмларида содир бўлган ёнгинларни самарали ўчирувчи дастакларни такомиллашган ва тежамкорлигини ошириб бориш йўналишида илмий изланишларни олиб бориш масалалари атрофлича ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** ёнгин ўчириш кўл дастаклари, ёниш худуди, иссиқлик таъсири худуди, кўпик ҳосил қилувчи воситалар.

В данной статье подробно рассматриваются основные функции и технические характеристики существующих ручные пожарные стволы пенного типа, позволяющих повысить эффективность и действенность ручных пожарных стволов внутри помещения зданий и сооружений.

**Ключевые слова:** Ручные пожарные стволы, зона сгорания, зона теплового воздействия, пенообразователи.

This article discusses in detail the main functions and technical characteristics of existing foam type manual fire-fighting nozzles, which can increase the efficiency and effectiveness of manual fire-fighting nozzles in the interior of buildings and structures.

**Key words:** manual fire-fighting nozzle, combustion zone, heat affected zone, foaming agents.

Ҳозирги кунда, илм ва техника, ишлаб чиқариш соҳасидаги замонавий ёндашувлар сари ривожланиб бораётганлиги билан бир қаторда инновацион ғояларни рўёбга чиқариш ҳамда янги турдаги ишланмаларни амалда қўллаш, Давлатимизнинг иқтисодий ўсишини таъминлайди. Албатта бир давлатнинг ресурси билан халқнинг манфаатини кондириб бўлмайди. Шунинг учун барча давлатлар ўзининг маҳсулотини экспорт ва импорт қилиш орқали ўз манфаатлари ва халқнинг эҳтиёжини кондиради. Барча давлатларда стратегик аҳамиятга эга бўлган қора олтин яъни, нефтга бўлган эҳтиёжнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги нефт ва нефт маҳсулотларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда унинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини кадрлаган ҳолда уларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг дастлабки жараёнида ўчиришнинг усул ва воситаларини мукамаллаштириш бўйича изланишларни давом эттиришни талаб этади. Нефт ва нефт маҳсулотлари сиғимларда ёки тўқилган ҳолатда бўлмасин уларда содир бўлган ёнгинларни ҳар доим кўпик ҳосил қилувчи моддлар орқали ҳаво билан ёнувчи модданинг аралаштириш жараёнини чеклаш орқали ёнгинларни ўчиришимиз мумкин.

Кўпик ҳосил қилувчи моддаларга таъриф берадиган бўлсак, ҳаво-механик кўпик суюқ ва қаттиқ ёнувчи моддалар бўлиб, ёнгинни ўчириш учун мўлжалланган. Кўпик бири-биридан юпқа суюқлик пардаси билан ажратилган газ ёки ҳаво пуфакчаларидан таркиб топган дисперсион ячеикали-плёнка тизимдан иборат.

Ҳаво-механик кўпик, кўпик ҳосил қилувчи

эритманинг ҳаво билан механик аралаштирилишидан ҳосил бўлади. Кўпикнинг асосий ёнгин ўчириш хусусияти шундан иборатки, у ёниш зонасига ёнувчан буғлар ва газлар киришига тўққинлик қилади ва бунинг натижасида ёниш тўхтайдди. Ёнгин ўчириш кўпикларнинг совутиш таъсири ҳам катта аҳамиятга эга, бунинг таркибида катта миқдорда суюқлик бўлган паст каррали кўпикларга ҳосидир.

Ёнгин ўчириш кўпикининг муҳим тавсифи унинг карралигидан иборат. Кўпикнинг карралиги кўпик ҳажми унинг таркибидаги кўпик ҳосил қилувчи эритмасига нисбатини билдиради.

Ёнгин ўчирувчи кўпиклар паст (10 гача), ўртача (10 дан 200 гача) ва юқори (200 дан ортиқ) каррали кўпикларга ажратилади. Олиндиган кўпикнинг карралиги, кўпикли дастаклар тавсифига қараб белгиланади: паст каррали, ўртача каррали ҳамда паст ва ўртача каррали кўпикни олиш учун комбинациялашган дастаклар (1-расм). [1].




1-расм. Кўпикли ёнгин ўчириш дастакларининг классификацияси.

Кўпикли дастак – босимли енг йўлининг учидан ўрнатилган қурилма бўлиб, у кўпик ҳосил қилувчи модданинг сувли эритмасидан турли карраликдаги ҳаво-механик кўпик оқимларини шакллантириш учун мўлжалланган.

Паст каррали кўпикни олиш учун СВП ва СВПЭ ҳаво-механик кўпикли дастаклар қўлланилади. Улар бир хил қурилмага эга бўлиб, фақат ўлчамлари ва кўпик ҳосил қилгични идишдан сўриб олиш учун мўлжалланган эжекторловчи қурилмаси билан бир-бирдан фарқланади.

СВПЭ дастаги (2-расм) уни, бир томонидан тегишли диаметрдаги босимли енг линиясига улаш учун сапкали улаш мосламаси (7) ўралган корпусдан, иккинчи томондан эса винтларга уланган алюминий қотишмасидан тайёрланган ва ҳаво-механик кўпикни шакллантириш ва уни ёнги ўчоғига йўналтириш учун мўлжалланган қувурдан (5) иборат. Дастак корпусида учта камера мавжуд: қабул қилувчи (6), вакуумли (3) ва чиқиш камераси (4). Вакуумли камерада 1,5 м узунликдаги, у орқали кўпик ҳосил қилгич сўриб олинган шлангни (1) улаш учун 16 мм диаметрли ниппел жойлашган. Сувнинг ишчи босими 0.6 МПа бўлганда дастак корпусининг камерасида 600 мм симоб устунидан (0,008 МПа) кам бўлмаган сийракланиш ҳосил бўлади.




**2-расм. Эжектор қурилмаси СВПЭ туридаги ҳаво-кўпикли дастак:** 1-шланг; 2-ниппел; 3-вакуум камераси; 4-чиқиш камераси; 5-йўналтирувчи қувур; 6-қабул камераси; 7-бирлаштирувчи бошча; 8-корпус.

СВП дастагида кўпик ҳосил қилиш (3-расм) тамойили қуйидагилардан иборат. Кўпик ҳосил қилувчи эритма дастак корпусидаги (1) тешик (2) орқали ўтиб, конусли камерада (3) сийраклашиш ҳосил қилади ва унинг натижасида ҳаво дастакнинг йўналтирувчи қувурида (4) бир текисда жойлашган саккизта тешик орқали сўриб олинади. Қувурга келиб тушувчи ҳаво кўпикни ҳосил қилувчи эритма билан жадал аралаштирилади ва дастакдан чиқишда ҳаво механик кўпик оқимини ҳосил қилади.

СВПЭ дастагида кўпик ҳосил қилиш тамойили СВП дастагига қараганда шу билан фарқ қиладики, унинг қабул қилиш камерасига кўпик ҳосил қилувчи эритма эмас, балки сув келиб тушади ва сув марказий тешик орқали ўтиб, вакуумли камерада сийраклашишни ҳосил қилади. Ниппел орқали вакуумли камерага шланг билан бошқа идишдан кўпик ҳосил қилувчи модда сўриб олинади.

Паст каррали кўпикни олиш учун ёнги

ўчириш дастакларининг техник тавсифлари 6-жадвалда келтирилган.



**3-расм. СВП туридаги ҳаво-кўпикли дастак:** 1-дастак корпуси; 2-тешиклар; 3-конусли камера; 4-йўналтирувчи қувур.

1-жадвал

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Дастакнинг тури			
		СВП	СВПЭ -2	СВПЭ -4	СВПЭ -8
Кўпик бўйича унумдорлик	м <sup>3</sup> /мин	4	2	4	8
Дастак олдидаги ишчи босим	МПа	0,4-0,6	0,6	0,6	0,6
Сув сарфи	л/с	-	4,0	7,9	16,0
Кўпик ҳосил қилувчи модда эритмасининг сарфи 4 – 6 %	л/с	5-6	-	-	-
Кўпикнинг дастакдан чиқишдаги карраллиги	-	>7,0	8,0 (дан кам эмас)		
Кўпикни узатиш масофаси	м	28	15	18	20
Бирлаштирувчи бошча	-	ГС-70	СГ-50	СГ-70	ГС-80

Кўпик ҳосил қилувчи модданинг суви эритмасида ўртача карралликдаги ҳаво механик кўпикни олиш ва уни ёнги ўчоғига узатиш учун ўртача карралликдаги кўпик генераторларидан фойдаланилади [2].


Кўпик бўйича унумдорлигига қараб генераторларнинг қуйидаги турлари ва ўлчамлари ишлаб чиқарилади:

ХКД-200 ва ХКД-600 генераторлари тузилиши бўйича бир хил бўлиб, бир-бирдан пуркагич ва корпуснинг геометрик ўлчамлари билан фарқланади. Генератор кўчма турдаги сув оқимли эжектор жихоздан иборат бўлиб қуйидаги асосий қисмлардан таркиб топади (4-расм): йўналтирувчи қурилмали генератор корпуси (1), тўрлар пакети (2), марказдан қочувчи пуркагич (3), учлик (4) ва коллектор (5). Генераторнинг коллекторига учта устун ёрдамида пуркагич корпуси маҳкамланади, унинг ичида эса пуркагич (3) ва муфтали бирлаштирувчи бошча мантаж қилинган бўлади. Тўрлар пакети (2) ён юза сиртлари бўйича металл тўр (ячейкасининг ўлчами 0,8 мм) тортилган ҳалқадан иборат. Гирдоб турдаги пурка-

гичда (3) олтига дарча бўлиб, улар 12<sup>0</sup> бурчак остида жойлашган. Бу ишчи суюқлик оқимининг айланишига олиб келади ва чиқишда пуркалган оқим ҳосил бўлади. Учлик (4) кўпикли оқимни тўрлар пакетидан кейин ихчам (компакт) оқимга шакллантириш ва кўпикнинг узатиш масофасини ошириш учун мўлжалланган.

Ҳаво механик кўпик учта таркибий қисм: сув, кўпик ҳосил қилгич ва ҳавони белгиланган нисбатда генераторда аралаштиришдан ҳосил бўлади. Кўпик ҳосил қилгич эритмасининг оқими босим остида пуркагичга узатилади. Пуркалган оқимни коллекторга киришдаги эжекцияси натижасида ҳавонинг сўрилиши ва унинг эритма билан аралашishi юз беради.

Кўпик ҳосил қилувчи эритманинг томчилари билан ҳавонинг аралашмаси тўрлар пакетига тушади. Тўрларда деформацияланган томчилар чўзилган юққа пардалар тизимини ҳосил қилади ва улар берк ҳажмларга айланиб, аввалига элементар алоҳида пуфакчаларни, сўнгра оммавий тарзда кўпик ҳосил қилади. Янги келиб тушаётган томчилар ва ҳавонинг энергияси туфайли кўпик генераторидан кўпик сиқиб чиқарилади.



4-расм. КХД-600 кўпик генераторининг схемаси: 1-генератор корпуси; 2-тўрлар тўплами; 3-марказдан қочма пуркагич; 4-учлик; 5-коллектор


КХД-200, КХД-600 ва КХД-2000 дастакларининг техник тавсифи 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Кўрсатгич	Ўлчов бирлиги	Ўртача карраликдаги кўпик генератори		
		КХД-200	КХД-600	КХД-2000
Кўпик бўйича унумдорлик	л/с	200	600	2000
Кўпик карралиги		80-100		
Пуркагич олдидаги босим	МПа	0,4-0,6		
Кўпик ҳосил қилувчи эритманинг сарфи 4 – 6 %	л/с	1,6 – 2,0	5,0 – 6,0	16,0 – 20,0
Кўпикни узатиш масофаси	м	6	10	12

Комбинацияланган кўпикли ёнғин ўчириш дастаклари сифатида кўчма, стационар ва ташилувчи турлардан иборат УКПТ “Пурга” кўпикли ёнғин ўчириш жиҳозини кўриб чиқамиз. Ушбу жиҳозлар паст ва ўрта каррали ҳаво-механик кўпикни ҳосил қилиш ва ёнғин ўчоғига узатиш учун мўлжалланган [3].

УКПТ “Пурга” КХД-600 кўпик генераторининг схемаси жиҳозларининг техник кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.



5-расм. Пурга-10 кўпик генераторининг схемаси: 1-тўрлар сеткаси; 2-тўрлар тўплами; 3-марказдан қочма пуркагич; 4-дастак туткичи.

3-жадвал

Кўрсатгич	Ўлчов бирлиги	Комбинацияланган кўпикли ёнғин ўчириш жиҳози						
		Пурга-5	Пурга-7	Пурга-10	Пурга-10.20.30	Пурга-20.60.80	Пурга-30.60.90	Пурга-200-240
Кўпик ҳосил қилувчи аралашмаси бўйича сарфи	л/с	5-6	7	10	30	80	90	200-400
Ўрта каррали кўпик бўйича	л/с	350	490	700	1200	2400	2700	6000
Ўрта каррали кўпик оқимини узатиш масофаси	м	20	25-30	30	45-50	70	85	90-100
Дастак олдидаги ишчи босим	МПа	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,9-1,2	1,0-1,4
Кўпик карралиги	-	70	70	60-70	30-40	30	30	30
Кўпик ҳосил қилгич сарфи	л/с	0,36	0,4	0,8	1,8	4,8	5,0	12,0

Юқорида тўхталиб ўтилган дастакларнинг тузилиши ва функциялари аввалгиларидан кўра такомиллашган бўлишига қарамасдан айрим турдаги камчиликларга эга эканлиги амалиётда ёнғинларни ўчириш давомида аниқланди. Кичик каррали кўпик ҳосил қилувчи СВП ва СВПЭ дастаклари иссиқлик таъсири катта бўлган ҳолларда узоқ масофалардан кўпик ҳосил қилувчи моддани узатишга мўлжалланганлиги сабабли камдан кам ҳолларда амалиётда ишлатилиб келмоқда. Шу билан бирга, ўрта каррали кўпик ҳосил қилувчи КХД-600 ва “Пурга” дастаклари фақатгина очиқ майдон-

ларда ёнаётган нефт ва нефт маҳсулотларининг юза қисмини катта ҳажмда кўпик моддаси билан қоплашга мўлжалланган бўлсада, хонанинг ички қисмларидаги кичик ҳажмдаги ёнғинларни ўчиришда катта миқдорда кўпикнинг сарфланишига олиб келади [4].

Кўпик ҳосил қилувчи дастакларда мавжуд камчиликларни ўрганиш баробарида келгусида кўпикли дастакларнинг нафақат узоқ ва очик ҳажмларда содир бўлган ёнғинларни ўчиришини таъминлаши, балки, бино ва иншоотларнинг ички қисмларидаги кичик ҳажмли нефт ва нефт маҳсулотларини ўчиришда қўлланиладиган дастакларни яратиш долзарб масалаларга айланиб келмоқда. Бу борада такомиллаштирилган дастакнинг дастлабки кўриниши яратилган бўлиб, ушбу дастак орқали ёнғин ўчоғига сув ёки кўпик ҳосил қилувчи моддаларни узатиш мумкин, фақатгина ёнғин модданинг таркибини аниқлаш билан кифояланади.

Ҳозирги вақтда мазкур долзарб масала юзасидан илмий-тадқиқот ишлари ва экспримен-

тал тажрибаларнинг якуний босқичи амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида янги турдаги ёнғин ўчириш дастаклари ҳар қандай ёнғинчи маҳсулотларни ўчириш хусусиятига эга бўлади

#### Адабиётлар:

1. Пожарно-техническое вооружение. Учеб. пособие для пожарно – техн. училищ. М., Стройиздат, 1974, 372 с. с ил.

2. Ёнғин ўчириш техникаси [Матн]: дарслик. А.Ҳ.Қўлдошев, Ў.Т.Музафаров, М.Б.Мусахожиев. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти. – Т.:Чўлпон номидаги НМИУ.2018. – 500б.

3. Пожарная техника: Учеб. для пожарно-техн. училищ. В 2 ч. 1. Пожарно-техническое оборудование/А.Ф.Иванов, П.П.Алексеев, М.Д.Безбородько и др. – М.: Стройиздат, 1988. – 408 с.: ил. – ISBN 5-274-00029-0/

4. <https://fireman.club/statyi-polzovateley/stvolysvp-4-svp-8-ttx-iz-chegoso-stoit-rasxod-vody-rasxod-penoobrazovatelya-ploshhad-tusheniya-proizvoditelnost/>.

## СУВ ИНШОТЛАРИ ВА УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН САЛБИЙ ЖАРАЁНЛАР

Ҳажиматова Мавлудахон Мамасолиевна

Жиззах политехника институти

В статье рассмотрены некоторые вопросы очистки промышленных сточных вод промышленных предприятий нашей Республики. Разработаны практические рекомендации для повышения эффективности очистки новыми флокулянтами на основе местных сырьевых ресурсов и отходов для очистки нефтесодержащих сточных вод различных предприятий.

**Ключевые слова:** сточная вода, очистка, водопотрятие, обработка, биоочистка, флокулянт, коагулянт, реагент.

The article describes cleaning issues of waste waters from industrial companies. Some practical recommendations on efficiency improvement of cleaning by the new flocculant on the base of local raw sources and wastes for oily waste cleaning of various enterprises.

**Key words:** waste waters, cleaning, water drinking, obtain, biocleaning, flocculant, koagulant, reagent.

Сув энергияси, сув йўллари ёки сувнинг ўзидан фойдаланиш мақсадида сув омборлари ва каналлари қурилади. Ҳозирги кунда МДХ мамалакатларида сув сифими 1 млн.метр кубдан ортиқ мингга яқин сув омборлари мавжуд бўлиб, уларнинг сув сатхи 116 минг кв.км га боради. Улар ичида энг катталари Братск (179 км<sup>2</sup>), Илимск (59,4 км<sup>2</sup>), Куйбешев (58 км<sup>2</sup>), Волгоградск (32,2 км<sup>2</sup>), Рибинск (25,4 км<sup>2</sup>) ҳисобланади. Агарда юқоридагиларга эътибор берсак, улар юз минглаб ҳар хил катталиқдаги, сув сифими 1 млн. гектар экинзор, ўрмон ва дехқончилик майдонларини эгаллаб олганининг гувоҳи бўламыз.

Сув амборлари дарё бўйидаги шаҳар ва қишлоқларни сув тошқинидан асраб, сувни йиғиб, керакли вақтларда ишлатиш ва электр энергиясини ҳосил қилиш имконини беради. Улар фойда келтириш билан бирга атроф-мухитга таъсир қилиб, зарар ҳам келтиради. Бу

таъсир сув омборининг катталиги, чуқурлигидан ташқари, қурилган сув омборининг зарarli таъсири кўпроқ бўлади [1].

Сув омборлари дарё окизиб келаётган лойка, кум, шағалларнинг 90-95% ини ушлаб қолади. Бунинг икки хил зарarli жихати бор. Бири сув омбори саёзлашишини тезлаштириб, сифимини кичрайтиради, иккинчиси экин майдонларини, унинг ҳосилдорлигини оширувчи лойқадан маҳрум этади. Чорвоқ сув омбори тағида шағал, кум ва турли жинслар йиғилиши ҳисобига бир йилда 1,5-2 метрга саёзлашиб бормоқда. Дарё сувидаги лойка экинларга хаётий зарур бўлган озуқа моддаларига бой. Лойқаси сув омборларида чўккан сув билан суғорилган ерлар кўшимча озикланишни талаб этади.

Волга дарёсида қурилган кўплаб тўғонлар натижасида 3,2 - 4,8 млн. гектар ўтлоқ ва дехқончиликка ярайдиган ер сув остида қолди,

3,5 - 5 млн. гектар ер захлаб хосилдорлиги пасайиб кетди. Сизот сувлари сатхининг кўтарилиши сув омбори қирғоғидан ўнлаб метрдан бир неча километргача етади. Иссиқ фаслларда сув омборлари устида хосил бўлган салқин хаво оқимлари Волга ҳавзасининг 30-40 млн. гектар, яъни 18% ерида ёғингарчилик камайишига олиб келади. Биринчи жаҳон урушидан олдин Волгадан йилига 5 млн. центнер балиқ овланган бўлса, ҳозир фақат 40 минг центнер овланади. Энг қимматбаҳо остёр балиқларининг касалланиши 1988 йили 99% га етган. Техника ривожланиб ер қазииш ишлари осонлашганидан фойдаланиб, айрим хўжаликларда шахсий кичик сув омборлари қуриб олиш ҳоллари учрамоқда. Россиянинг Кубан воҳаси чўл иқлимида дарёларнинг умумий узунлиги 4 минг км дан ортиқроқ бўлиб деярли ҳар 3 километрга биттадан 1408 та сув омбори қурилган. Уларнинг 18% и ишлатилади ҳолос, қолганлари дарё сувларининг бекорга буғланиб кетишига, натижада сизот сувлари сатхининг кўтарилиб, ерларнинг захлаб кетишига сабаб бўлмоқда. Олдин дарёлар булоқ сувларини йиғиб, табиий, захлаш вазифасини бажарган бўлса, ҳозир ер захини қочириш учун катта маблағ сарфлаб захкашлар қазииш керак бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг 51 та ва мамлакатлароро 5 та сув омборига 55,5 млрд. метр куб сув сиғади. Уларни қуриш муносабати билан кўплаб қишлоқлар, минглаб гектар унимдор ерлар сув тагида қолиб кетади. Бундан ташқари ҳар йили сув омборлари сатхидан 5 млрд метр куб ҳажмдаги сув хавога буғланади. Уларнинг аксарияти дехқончиликка салбий таъсир қилади. Масалан, Андижон сув омбори ишга туширилгач, 10 йилдан кейин сув омборидан 20 км узоқликда жойлашган Савай давлат хўжалигида экинлар учун фойдали харорат йиғиндиси 4,02 даражагача пасайган, сув омбори атрофидаги районларда ғўза ўсадиган энг қулай кунлар 20-35 кунга қисқарган.

Бу хосилдорликнинг пасайишига ўсимликлар учун фойдали лойқаларнинг далаларга етиб келмай сув омборларида қолиб кетиши ҳам сабаб бўлади. Бундай ҳол Каркидон, Қўрғонтепа ва бошқа сув омборлари атрофида ҳам кузатилади. Туямўйин гидроузели қурилгандан сўнг Амударёдан оқиб келаётган хосилдор лойқа сув омборида чўкиб қолиши оқибатида Қароқалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида тупроқ эрозияси кучайган, ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган, сув хароратининг бир даражага пасайиши юз берган. Натижада ҳосилдорлик камайиб ҳар йиллик зарар 159 миллион сўмга етган. Лойқа сув билан суғориладиган тупроқларда намликнинг сақланиши яхши бўлиши ҳисобига сув сарфи 2 баробаргача камайиши мумкин.[2]

Катта сатхли сув омборларида сув тўлқинланиб қирғоқларни емиради. Емирилиш тезлиги тўлқин кучига ва қирғоқдаги тоғ жинсларининг сувга чидамлилига боғлиқ бўлиб, энг кўп емирилиш гилли ва лёсли тоғ жинсларида кузатилади.

Боғланиш кучи ва ишқаланишга бўлган қаршилиқ камайиб, тоғ жинси қатламлари пастга қараб сурилади. Сурилмаларнинг ҳажми, тезлиги ва зарари ҳар хил бўлиб, баъзан кўнгилсиз ходисаларга сабаб булади. Бундай кўнгилсизликлардан бири 1963 йили Италиянинг шимолида қурилган Войонт сув омборида юз берган. Унинг ўнг қирғоғида 360 млн.м<sup>3</sup> тоғ жинси сурилиб, сув омборидан 114 млн<sup>3</sup> сувни сикиб чиқаради. Бу сув 265 метр баландликдаги тўғон устидан ошиб тушиб, бир неча қишлоқ ва шаҳарлар сув остида қолди, 3000 га яқин кишининг ўлимига сабаб бўлди.

Баланд тўғонларнинг қурилиши, юзлаб метр қалинликдаги сув массасининг йиғилиши сув омбори заминида тоғ жинсларига нисбатан бўлган босимнинг ортиб кетишига, натижада одамлар фаолияти билан боғлиқ, бўлган техноген ер силқинишларига сабаб бўлади. Дунёда энг баланд тўғонлардан бири Вахш дарёсидаги Нурек ГЭСи тўғони бўлиб, унинг баландлиги 300 метр бўлган бўлса, кейинчалик шу дарё водийсида ундан ҳам баланд (335,0 м) Роғун тўғони қурила бошлаган ва сув омбори тагида қоладиган 42 та аҳоли турар жойларидан 22 мингдан ортиқ киши кўчирилган. Қурилишлар катталашган сари уларнинг атроф муҳитга салбий таъсири ҳам ортиб боради. Бундан ташқари, улар кўп маблағ талаб этади, қурилишга ниҳоят узоқ вақт кетади. Масалан, Нурек ГЭСи қурилишига 20 йилдан ортиқ вақт кетган бўлса, Роғун ГЭС и 20 йилдан бери қурилмоқда. Шунинг учун қисқа муддатда би-тадиган, ҳаражатни тезда қоплай бошлайдиган кичикроқ иншоотларни қуриш иқтисод ва атроф муҳит учун фойдалироқдир.

Сув омборларининг емирилишига, сурилмаларнинг ҳосил бўлишига, ер ости сув сатҳларининг кўтарилишига, таъсирининг турғунлашувига 10-20 йил кетади, сув таркибининг ўзгариши эса, асосан биринчи йилларда содир бўлади. Тўғонларнинг пастки қисмида сув оқимининг кескин пасайиши унда зарарли ва захарли сув ўтларининг кўпайишига сабаб бўлади. Шунингдек, сув хароратини пасайтириб, 5-15 кун эрта музлашига ва 10-20 кун кечроқ эрийдиган ҳолга келишига сабаб бўлади.

Бўз ерларга сув келтириб, у ерларни ўзлаштириш мақсадида қурилган каналларнинг ҳам фойдали, ҳам зарарли томонлари бор. Бундай каналлар асосан ёғингарчилик микдори дехқончилик қилиш учун етарли бўлмаган чўл иқлим шароитларида қурилади. Улар ёрдамида

дарё водийсига яқин текисликлар ўзлаштирилган. Суғорма дехқончиликнинг худудларига ва чўл иқлимли зоналарга тарқалиши, айниқса, кейинги 30-40 йил ичида ривожланди. Собик Итгифокда бир неча йирик каналлар қурилди ва ҳатто шимолга оқаяётган дарёларни жанубга буриш лойиҳалари тузила бошланди [3].

Жумладан, энг катта ҳисобланган Қорақум каналининг лойиҳадаги 1300 км узунлигидан 1070 км қисми ишга туширилган. Унинг 450 км қисми кема юрадиган даражада катта бўлиб, йиллик сув сарфи  $7,8 \text{ км}^3$  ни ташкил этади. Канал сув ўтказувчанлиги каттароқ бўлган гилли ва кумли жинслардан қурилганлиги учун сувнинг деярли ярми ерга шимилиб кетади. Натигада канал атрофида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиб, ер захлаб, шўрланиб, ботқоқланиб, умумий сатҳи 80 минг гектарли, сув сифими  $225 \text{ км}^3$  бўлган минглаб кўлчалар ҳосил бўлган.

Маданият ўчоқларидан бўлган Мурғоб ва Тежен воҳаси ерлари захланиб, қадимий бино ва иншоотлар шикастланди. Бундай нохушликларни бир миллион гектар ерни ўзлаштиришга мўлжалланган 546 километрли Аму-Бухоро ва Арис-Туркистон каналлари орқали сув билан таъминланадиган ерларда ҳам қуриш мумкин.

Дарё сувларининг йўналишини орқа (тескари) томонга ўзгартириш кўп миқдордаги электр энергиясини талаб этади. Масалан, узунлиги 452 км ва кенглиги 15 метр бўлган Қорағанда каналида сувни 475 м баландликка кўтариб бериш, унинг 22 километрида қурилган сув кўтарувчи иншоотларни ишлатиш учун 350 минг киловатт электр энергияси сарфланади. Демак, электр энергиясини олиш мақсадида дарёларда тўғонлар қурилиб, баъзан, аҳолини кўчириш ҳисобига очилган янги ерлар ҳамини фойда келтиравермайди. Бундан ташқари, сув тақсимотининг кескин ўзгариши геологик муҳитга, дарё ҳамда унинг атрофидаги жониворлар ва ўсимликлар дунёсига, ҳатто иқлимга ҳам салбий таъсир этади.

Об дарёси сувини Марказий Осиёга келтиришга қарши бўлган олимларнинг фикрича, бундай ҳолат ёзда сув ҳароратини пасайтириб, дарё ва унга яқин ерлардаги жонивор ва ўсимликлар маҳсулдорлигини 17-21% га камайтиради.

Ҳаво ҳарорати фақат йил фаслларига қараб ўзгармайди, балки 11-12, 22-24, 80-92, 167 йил ва ундан катта даврий ўзгаришларга ҳам эга. Хозир Сибирь хавоси ҳарорати пасаймоқда, яъни, энг паст ҳарорат XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига тўғри келишини ва XXI асрнинг 10-20 йилларига келиб, яна исий бошлашини инобатга олиш зарурлигини таҳмин қилишмоқда. Албатта, йирик лойиҳаларни амалга оширишдан олдин, уни ҳар тарафлама ўрганиб, келажакда атроф-муҳитни ўзгар-

тиришга бўладиган таъсири эътиборга олинса, катта харажат сарфланмайди. Академик А.Н.Яншин айтганидек [4], сув келтиришдан кўра электр энергиясини келтириш ҳам осон, ҳам арзон. Агар электр энергияси бўлса, сувни истаган жойдан чиқариш мумкин.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистан ер ости сувлари оқимидан Сирдарё сувига тенг келадиган миқдорда сув олиш мумкин. Ҳар бир қазилган қудуқдан 150 гектар ерни суғурса бўлади. Бу сув Сибирдан келтирилган сувга нисбатан юз баробар арзондир. Аммо ундан фойдаланиш қоникарли ахволда эмас. Пахтани суғориш мақсадида бурғуланган қудуқлар кўп ҳолларда суғориш даври тугагандан сўнг қаровсиз қолиб, яроқсиз ҳолатга келади. Экин суғоришга мўлжалланган сувнинг 30-50% и ерга шимилиб, ҳар хил туз, ўғит ва дорилар билан ифлосланиб зовур ва кўлларда йиғилади. Уларни чучуклаштириб ишлатиш ҳозирда қиммат бўлса ҳам, қуёш ва атом энергиясидан фойдаланаётган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Махсус қурилмалар қурилиб, улар тақомиллашиб бормоқда. Агар 1960 йилларда дунёда 100 га яқин шундай қурилма бўлган бўлса, 1970 йилга бориб уларнинг сони 1000 та дан ошди. Шу билан бирга, 1 литр чучук сув олишга 0,4-0,5 сўм сарф қилинган бўлса, кейинги 20 йил ичида бу қиймат 10 баробар арзонлашди. Қувайтда  $1 \text{ м}^3$  чучук сув олишга 10 цент сарфланади. Бир литр сув таркибида 35 грамм туз бўлган шўр сувнинг (қишда) муз ҳолатдаги қисмида туз миқдори 1-2 г экан.

Маълумки, шўр сув кимёвий, яъни, ион алмаштириш усули билан чучуклаштирилади. Лекин ҳамма усуллар ичида ҳозирча (бизнинг шароитда) энг самаралиси сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ва уни бекорга исроф қилиш йулларини бартараф этишдир.

#### Адабиётлар:

1. Мухамедғалиев Б.А. Экологик хавфсизлик. Т.ТошДТУ, 2014й. 230 б.
2. Мухамедғалиев Б.А. Асосий ишлаб чиқариш технологияси ва саноат экологияси. Т.: ТошДТУ. 2011й. 190 б.
3. Кенжабаев А.Т, Султонов А.О. Применение современных автоматизированных информационных систем как важнейший механизм для использования водных ресурсов региона. - журнал прикладных наук и технологий «Integral». – 2019. – №. 4.
4. Мирзоев, А. А., Ходжаев, Я. Д., Хусанов, И. Н., & Хажиматова, М. М. Многофазные среды со сложной реологией и их механические модели. In XI Всероссийский съезд по фундаментальным проблемам теоретической и прикладной механики (pp. 2558-2561).
5. Ибрагимов Н.И., Мухамедғалиев Б.А. Лойиҳалаш асослари ва экологик экспертиза. Т.: Файласуфлар жамияти нашриёти. 2009 й. 280 б.

## МЕРОПРИЯТИЕ СОКРАЩЕНИЕ ЗАГРЯЗНЕНИЕ АТМОСФЕРЫ ВРЕДНЫМИ ВЕЩЕСТВАМИ

Мусаев Шароф Мамаражабович, Джизакский политехнический институт

Охрана атмосферного воздуха от загрязнения выбросами промышленных предприятий является актуальнейшей проблемой. Одним из ведущих направлений природоохранных работ является детальное изучение источников и процессов загрязнения атмосферного воздуха. На статье анализируются выбросы вредных веществ выбрасываемыми в атмосферу различными производствами.

**Ключевые слова:** промышленных предприятий, актуальнейшей проблемы, природоохранных работ.

Protect of atmosphere air from industrial wastes will be actual day by day. Pollutant of Atmosphere one of the most important problem in the world. This article explains about waste influence to atmosphere.

**Key words:** from industrial, important problem, article explains about.

Охрана атмосферного воздуха от загрязнения выбросами промышленных предприятий является актуальнейшей проблемой. Одним из ведущих направлений природоохранных работ является детальное изучение источников и процессов загрязнения атмосферного воздуха. Различают естественные и искусственные (антропогенные) источники загрязнения атмосферы. Естественное загрязнение атмосферы происходит при извержении вулканов, выветривании горных пород, пыльных бурях, лесных пожарах (возникших от ударов молнии), выносе морских солей. В атмосфере постоянно присутствует аэропланктон – бактерии (в том числе болезнетворные), споры грибов, пыльца растений (в том числе ядовитая пыльца амброзии) и др. Искусственное загрязнение атмосферы характерно главным образом для городов и промышленных районов. В городах и их окрестностях много промышленных предприятий, автотранспорта и отопительных систем, которые загрязняют атмосферу и отрицательно влияют на микроклимат. Долгое время проблема загрязнения воздуха в городах была в основном связана с сжиганием угля в отопительных системах, выбрасывающих в атмосферу дым, золу и сернистый газ (SO<sub>2</sub>). В настоящее время на первое место в качестве источника загрязнения атмосферы выдвигаются промышленные предприятия и автомобильный транспорт [1, 3-4].

Промышленность загрязняет атмосферу выбросами вредных газов и индустриальной пыли. Основными источниками загрязнения воздуха являются тепловые электростанции, металлургические, химические, нефтеперерабатывающие, цементные и другие заводы.

Химический состав выбросов в атмосферу различен в зависимости от вида топлива, состава производственного сырья, технологии производства и т.д. Например, в доменном газе содержится ядовитая окись углерода, дым алюминиевых заводов загрязняет атмосферу фтористыми соединениями. При производстве бумаги в атмосферу попадают копоть, сернистый ангидрид, сероводород и неприятно пах-

нущие меркаптаны. Производство искусственных волокон (например, нейлона) сопровождается выделением токсичного сероуглерода (CS<sub>2</sub>) и неприятно пахнущего сероводорода. Что касается пыли, то большое её количество выбрасывают в атмосферу тепловые электростанции. Они используют самые плохие, низкосортные угли, которые при сгорании дают много золы и значительный процент сернистых соединений. Эти угли сжигаются в пылевидном состоянии. Причем много золы выбрасывается с дымовыми газами в атмосферу, а затем осажается по всей местности в виде чёрной копоти. Теплоэлектростанция средней мощности, сжигающая в сутки 2000 т угля самого низкого сорта, выбрасывает за это же время в воздух около 400 т золы и 120 т сернистого газа. Вредные последствия такого загрязнения воздуха очевидны [2]. Второй мощный источник пыли – цементные заводы. Сырьём для изготовления цемента служит известняк в смеси с мергелем или глинистыми сланцами. Сырьевая смесь обжигается для получения так называемого клинкера (твёрдого камневидного материала), который затем дробится и размалывается.

Эти процессы сопровождаются интенсивным пылевыделением, причём цементная пыль загрязняет не только воздух, но и всю прилегающую к заводу территорию. Ориентировочные, весьма неполные подсчёты показывают, что ежегодно в атмосферу Земли поступают сотни миллионов тонн вредных газов и пыли. Эти загрязнения особенно ощутимы в промышленных городах и районах, так как, несмотря на рассеивание и унос ветрами, они непрерывно днём и ночью поступают в атмосферу, создавая иногда весьма высокие концентрации. Газы-газы с высокой прозрачностью в видимом диапазоне и высоким поглощением в дальнем инфракрасном диапазоне. Присутствие таких газов в атмосферах планет приводит к появлению парникового эффекта. Основными парниковыми газами, в порядке их оцениваемого воздействия на тепловой баланс Земли, являются водяной пар, углекислый газ, метан, озон, сульфурфторид, галогеноуглероды,

оксиды азота и фторсодержащие газы. Водяной пар — основной естественный парниковый газ, ответственный более, чем за 60 % эффекта. Прямое антропогенное воздействие на этот источник незначительно. В то же время, увеличение температуры Земли, вызванное другими факторами, увеличивает испарение и общую концентрацию водяного пара в атмосфере при практически постоянной относительной влажности, что, в свою очередь, повышает парниковый эффект. Источниками углекислого газа в атмосфере Земли являются вулканические выбросы, жизнедеятельность организмов, деятельность человека. Антропогенными источниками является сжигание ископаемого топлива, сжигание биомассы (в т. ч. сведение лесов), некоторые промышленные процессы (например производство цемента). Основными потребителями углекислого газа являются растения. В норме биоценоз поглощает приблизительно столько же углекислого газа, сколько и производит. Парниковая активность метана примерно в 21 раз выше чем у углекислого газа. Время жизни метана в атмосфере составляет примерно 12 лет. Сравнительно короткое время жизни в сочетании с большим парниковым потенциалом делает его кандидатом для смягчения последствий глобального потепления в ближайшей перспективе. Анализ пузырьков воздуха в льдах свидетельствует о том, что сейчас в атмосфере Земли больше метана, чем в любое время за последние 400000 лет. Различают тропосферный и стратосферный озон. Первый является парниковым газом, вклад которого в парниковый эффект атмосферы, по наиболее широко распространенным научным оценкам, составляет около 25% от вклада  $\text{CO}_2$ . Второй является важной составляющей некоторых слоев стратосферы, известных как озоновый слой и защищает Землю от ультрафиолетового излучения солнца, его вклад в парниковый эффект оценивается как близкий к нулю. Увеличение концентрации озона вблизи поверхности имеет сильное негативное воздействие на растительность, повреждая листья и угнетая их фотосинтетический потенциал.

Важно понимать, что парниковый эффект на Земле был всегда. Без парникового эффекта, обусловленного наличием углекислого газа в атмосфере, океаны давно бы замерзли, и высшие формы жизни не появились бы. Парниковый эффект имеет место не только на Земле. В действительности самый сильный парниковый эффект, о котором мы знаем, — на соседней планете, Венере. Атмосфера Венеры почти целиком состоит из углекислого газа, и в результате поверхность планеты разогрета до  $475^\circ\text{C}$ . Количественно величина парникового эффекта определяется как разница между средней приповерхностной температурой атмосферы пла-

неты и её эффективной температурой. Парниковый эффект существенен для планет с плотными атмосферами, содержащими газы, поглощающие излучение в инфракрасной области спектра, и пропорционален плотности атмосферы. Следствием парникового эффекта является также сглаживание температурных контрастов как между полярными и экваториальными зонами планеты, так и между дневными и ночными температурами. Идея о механизме парникового эффекта была впервые изложена в 1827 году Жозефом Фурье в статье «Записка о температурах земного шара и других планет», в которой он рассматривал различные механизмы формирования климата Земли, при этом он рассматривал как факторы, влияющие на общий тепловой баланс Земли (нагрев солнечным излучением, охлаждение за счёт лучеиспускания, внутреннее тепло Земли), так и факторы, влияющие на теплоперенос и температуры климатических поясов (теплопроводность, атмосферная и океаническая циркуляция). Основным парниковым газом считают диоксид углерода - углекислый газ ( $\text{CO}_2$ ), и доля его «вклада» в парниковый эффект составляет не менее половины. Ежегодное накопление  $\text{CO}_2$  в атмосфере составляет 0,4%. Каждый год в атмосферу поступает 6 млрд. т углекислого газа, из них 3 млрд т поглощаются растительностью в процессах фотосинтеза, оставшиеся 3 млрд т накапливаются. Общая сумма накоплений за прошедшие 100 лет составила около 170 млрд. т. Приведенные величины следует рассматривать в сопоставлении со 190 млрд. т углекислого газа, которые ежегодно циркулируют в атмосфере, поступая в неё и расходуясь вследствие естественных процессов. Существуют разные гипотезы о причинах накопления  $\text{CO}_2$  в атмосфере: углекислый газ накапливается в атмосфере как продукт сжигания органического топлива. Основной причиной роста содержания  $\text{CO}_2$  - нарушение функций микробных сообществ в почвах Сибири и Северной Америки. Независимо от выбора гипотезы, накопление диоксида углерода происходит в увеличивающихся масштабах. Большое воздействие на климат оказывают такие парниковые газы как метан, оксиды азота и водяной пар. Метан попадает в атмосферу в результате утечек при его производстве и сбыте. Содержание метана в атмосфере возрастает на 1% в год. За прошедшие 100 лет рост составил 145%. Оксиды азота накапливаются в атмосфере за год в пределах 0,2%, а общее накопление составляет около 15%. Увеличение содержания метана и оксидов азота обуславливается сельскохозяйственной деятельностью и массовым сведением лесов.

Для некоторых городов, районов и отдельных заводов наибольшее значение в загрязне-

нии атмосферного воздуха имеют не отопительные системы, а промышленные выбросы. В этих случаях прибегают к строительству очистных сооружений с применением разных методов очистки (механических, химических, электрических, комплексных) [5]. Степень получаемой очистки весьма различна, она зависит как от физико-химической характеристики загрязнителей, так и от эффективности применяемых методов и аппаратов. Есть методы грубой очистки, в результате которой достигается эффект от 70 до 85 % средней очистки – до 95-98 % и тонкой – выше 99 %. Не останавливаясь на описании устройства очистной аппаратуры, отметим, что очистка промышленных выбросов не только предохраняет воздух от загрязнения, но также экономит сырьё и даёт дополнительную прибыль предприятиям. Улавливание и возврат (рекуперация) ценных продуктов из дымовых выбросов имеют не только санитарное, но и важное народнохозяйственное значение. Например, улавливание серы отходящих газов Магнитогорского комбината обеспечивает санитарную очистку и одновременно даёт возможность получить многие тысячи тонн серной кислоты в год по дешёвой цене. Улавливание цемента уже позволило отказаться от сооружения нескольких заводов. Один алюминиевый завод, установивший фильтры на своих трубах, теперь улавливает 98 % ранее терявшегося фтора и получает на этом сотни тысяч рублей прибыли ежегодно. И все же ограничиваться одними очистными сооружениями нельзя. Наиболее перспективный путь решения проблемы чистого воздуха – это совершенствование технологии производства в направлении уменьшения выбросов в атмосферу и максимального использования отходов. Дешевле и проще найти способы ликвидации возможности образования выбросов, чем строить очистные сооружения. Например, очищать в час сотни тысяч кубометров воздуха, заражённого примесями свинца или ртути, очень трудно и очень дорого. Но организовать технологический процесс рафинировки свинца так, чтобы устранить свободный вынос в атмосферу паров и аэрозолей с поверхности огромных

ванн расплавленного металла, а следовательно, и загрязнения свинцом гигантских воздушных потоков и окружающей территории, вполне возможно.

Не стоит думать, что перестройка технологии производства – дело отдалённого будущего. Многие можно сделать немедленно, если внимательно проанализировать работу существующих предприятий и поднять культуру их производства. Например, асбестовая фабрика выбрасывала ежегодно в воздух много асбестовой пыли, а это вещество канцерогенно. После монтажа новых фильтров и введения рециркуляции вентиляционных воздушных потоков стало возможным улавливать сто тонн асбеста в час и экономить огромное количество тепла. Таким образом, ранее убыточные методы очистки благодаря модернизации стали давать в год 1 млн. руб. чистой прибыли и в результате перестала загрязняться атмосфера.

#### Литература:

Биринчи таклиф сифатида юқори қаватли биноларнинг балконларида ёки алоҳида махсус хоналарда ўрнатилиши режалаштирилган мах-сус қутқарув энгликлари келтиришимиз мум-кин. Ушбу энгликлар бугун амалиётда қўлла-нилаётган бошқа энгликлардан фарқи шундаки, таклиф этилаётган энглар қаватдан-қаватга, хавфли қаватдан, хавсиз қаватларга тез ва осон тушиш имкониятини беради. Ушбу энгликлар орқали инсонлар фавқулудда ҳолатларда бино-нинг исталган қаватидан энглик туйнугининг ички қисмига кириш орқали тана оғирлигининг эвазига пастга қараб ҳаракатланиб хавфсиз жойга боришлари мумкин. (1-расм)



**1-расм. Таклиф этилаётган қаватдан-қаватга эвакуацияни амалга оширувчи энгликларни ўрнатиш схемаси.** 1-асосий зина катаги; 2-енг қопчаси жойлашган усти ёпиқ кути; 3-ёнғинга қарши эшик билан ҳимояланган балкон; 4-маҳаллий хом ашё асосида олинган энгнинг ёйилган ҳолати.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда амалда қўлланилаётган қутқарув энгларининг камчиликлари сифатида, қутқарув энглигининг туйнуқлари ҳамма қаватда ҳам ўрнатилмаган-лигини, ушбу энглик орқали эвакуациялани


амалга ошириш бир мунча қийинлигини, ёнғин бинонинг фасади бўйлаб тарқалганда ёнғиннинг ҳам ёнишига олиб келиши мумкинлигини ҳамда осмон ўпар биноларда ўрнатишнинг самарасизлиги жаҳон мамлакатларининг тажрибаларида кузатилганлиги аниқланди. Бу камчилик ва нуқсонлар 2-расмда келтирилган.



2-расм. Юқори қаватли бинолардан одамларни ёнғинликлар орқали эвакуация қилиш

Юқори қаватли бинолардан одамларни эвакуация қилиш бўйича олиб борилаётган тадқиқодларимизнинг давоми сифатида сифатида, юқори қаватли биноларда ўрнатилиши тавсия этиладиган йиғилувчан нарвон конструкцияси ўрганилди. Ушбу конструкция ўзининг ихчамлиги, ортиқча жой эгалламаслиги, тан нархининг арзонлиги ҳамда қуриб битказилган, ҳозирда фаолият юритаётган биноларга ҳам ўрнатиш ишларини амалга ошириш мумкинлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу конструкция қават ёки хонанинг бошқа қисмларига зарар етказмайди.

Қутқарув конструкцияси қаватлардаги пол ва шифтларда жойлаштирилган бўлиб, турли офатларда ва ёнғинларда зина катаклари ҳамда қутқарув ёнғинликлари орқали инсонларнинг эвакуация қилиш имкониятлари чекланганлигида конструкциянинг қопқоғи қўл ёрдамида очилади ва оёқ қафти орқали тутқич босилади натижада йиғма нарвон ёйилиб, ўзига хос авариявий тушиш жойини ҳосил қилади. (3-расм)



УДҚ 681.335.518.5

### ХААР ВЕЙВЛЕТЛАРИ ЁРДАМИДА ЭГИЛУВЧАН ПЛАСТИН МОДЕЛЛАРИНИ ҚУРИШ

Жўраев Ж.Ў., докторант; Самарқанд давлат университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада турли хил эгилувчан пластин моделларини қуришда Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлетларида рақамли ишлаш алгоритми ишлаб чиқилди, ҳамда рақамли ишлашнинг интерполя-

3-расм. Қутқарув конструкциясининг ташқи кўриниши.

Ушбу қутқарув конструкциялари орқали хавфли қаватдан, хавфсиз қаватга қараб ҳаракатланиш мумкин. Албатта ушбу конструкциянинг ўзига яраша бир қатор камчиликлари мавжуд бўлиб, унда қариялар, ногиронлар ва ёш болалар ҳаракатлана олмайди.

Ҳозирги вақтда мазкур долзарб масала юзасидан илмий-тадқиқот ишлари ва экспериментал тажрибаларни яқуний босқичи амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, юқори қаватли биноларда турли ёшдаги ва турли жисмоний ҳолатдаги инсонларнинг истиқомат қилиши ёнғин содир бўлган вақтда уларни эвакуация қилиш ишларини қийинлаштиради, 20 қаватли биноларда зиналар орқали мажбурий эвакуацияда ҳаракатланиш вақти тахминан 15 – 18 дақиқани, 30 қаватли биноларда эса 25 – 30 дақиқани ташкил этади. Бу вақтга келиб бино деярли бутунлай тутун билан қопланиши мумкин. Ёнғин содир бўлганда бино ичидаги одамларни қисқа фурсатда тезлик билан эвакуация қилиш бўйича энг оптимал вариантларни ишлаб чиқиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Юқоридаги тақлиф этилаётган конструктив ишланмаларни амалиётга тадбиқ этиш йирик ёнғинлар вақтида авария қутқарув ишларини ташкиллаштиришдаги айрим муаммоларнинг конструктив ечими сифатида кенг қўллаш мумкинлиги ва эвакуация вақтини камайтириш эвазига ҳалок бўлиши мумкин бўлган одамларни самарали қутқаришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси ФВВ ЁХББ нинг йиллик ёнғинлар и.
3. ШНҚ 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги».
4. ШНҚ 2.04.09-07 «Пожарная автоматика зданий и сооружений».
5. <https://fireman.clup>
6. <https://ru-bezh.ru>
7. <https://fire-truck.ru>
8. <https://pozharanet.com>

циялаш хатолигини баҳолаш натижалари келтирилди. Турли хил эгилувчан пластин моделларини куришни функция мисолида қарадик. Маълумки функцияни бўлак- ўзгармас вейвлетлари ёрдамида ўзгартириш натижасида ортонормал вейвлетлар ҳосил қилинади, натижада функция графиги бўйлаб хатоликлар кескин ошиб кетади, бу хатоликларни камайтириш мақсадида бўлак- чизикли вейвлетлардан фойдаланилди ва натижада хатоликларни камайтиришга эришилди. Бў хатоликларнинг камайиши натижасида эгилувчан пластин моделларини куриш самарадорлигини оширилишига эришилди.

**Калит сўзлар:** Эгилувчан пластин модели, Вейвлет ўзгартириш, интерполяциялаш хатолиги, сиқиш коэффициентлари, Фурье таҳлил.

### Строительство изгибных пластиковых моделей с помощью HAAR WAVELETS.

В этой статье мы разработали алгоритм для числовой обработки нестационарных листов хаара при построении различных моделей упругих пластин, а также результаты оценки ошибки интерполяции цифровых характеристик. Мы рассмотрели пример построения различных моделей упругих пластин. Известно, что в результате изменения функции с помощью непостоянных скобок создаются ортонормированные скобки, что приводит к ошибкам в графе функций, которые используются для минимизации ошибок, что приводит к использованию нелинейных скобок.

**Ключевые слова:** Модель гибкой пластины, модификация вейвлета, погрешность интерполяции, коэффициент сжатия, анализ фурье.

### Interpolation of functions using piecewise constant and piecewise linear HAAR

**Abstract.** In this article, we developed an algorithm for the numerical processing of unsteady haar sheets in the construction of various models of elastic plates, as well as the results of evaluating the interpolation error of digital characteristics. In the error estimation function, Piecewise constant and Piecewise linear integral non-linear brackets were based on the results of the program. It is known that as a result of the change of function from Piecewise constant and Piecewise linear, that wavelet to errors in the graph of functions that are used to minimize errors, that wavelet Piecewise constant and Piecewise linear.

**Key words.** wavelet transform, interpolation, error interpolation, Haar wavelet, Piecewise constant wavelet, Piecewise linear wavelet.

**Кириш.** Ҳозирги вақтда вейвлетлардан курилишининг турли соҳасидаги объектларига ишлов бериш(пластик материаллар тайёрлашда, зил-зилани анқлашда ва ҳ.к), тасвирларни таниб олиш масалаларида, турли хил сигналларни, масалан, нутқни қайта ишлаш ва синтез қилиш вақтида, табиатдаги ҳар хил расмларни таҳлил қилишда(кўзнинг рангдор пардаси, буйракнинг рентгенографияси, булутнинг ёки сайёра сиртининг сунъий йўлдош расмлари ва бошқалар бўлиши мумкин) гирдобсимон майдонларнинг хусусиятларини ўрганишда ва бошқа ҳолларда фойдаланилмоқда [2].

Хаар-вейвлетининг тўлқин чизиклари функция графиги билан бирга вақт ўқи бўйлаб чўзилади. Хаар-вейвлетининг графиги кўп ҳолларда функция бўйлаб бир томонлама тўлқин чизиклар шаклида функцияга яқинлашади, бу эса баъзи бир сигналларни сиқишда яхши натижа беради. Унинг математик талқини-тўлқин ҳолатларини турли хил частотада таҳлил қилишга имкон беради. Хаар-вейвлет функцияси графигининг амплитудаси нолгача пасайиб тебранувчи тўлқинларни ҳосил қилади.

**Асосий қисм.** Хаар вейвлетининг тез ўзгартириш алгоритмлари мавжуд бўлиб, унинг ортогонал вейвлетлари амалий масалаларни ечишда кенг қўлланилади.

Ортогонал Хаар вейвлети қуйидагича ифодаланади[4]:

$$\text{haar}_k(x) = \text{haar}_{pj}(x) = \begin{cases} +1 & x \in h_{pj}^- \\ -1 & x \in h_{pj}^+ \\ 0 & x \in h_{pj} \end{cases}$$

Хаар базислари [2]да вейвлет сифатида қаралган. Хаар вейвлетлари икки сабабга кўра мутахассислар эътиборини жалб қилади:

1. Иккилик сегментларнинг умумий сонига нисбатан (берилган аниқлик билан) яқинлашиш учун зарур бўлган коэффициентлар сонини камайтириш.

2. Коэффициентларни ҳисоблаш жараёнида "узун" операциялар йўқлиги. Фақат кўшиш, масштаблаш ва ўзгартириш операцияларидан фойдаланилади.

Хаар бўлак- ўзгармас вейвлетларининг камчилиги функция яқинлашишда хатоликларнинг ошиб кетиши, яъни 0,1% аниқликни таъминлаш учун функциянинг бир қанча коэффициентларини хотирада сақлашни талаб этишидандир.

Хотирада сақлаш талаб этиладиган коэффициентлар сонини камайтириш ва "силликлик" кўрсаткичларини яхшилайдиган усулларини қидириш вейвлетларнинг юқориқ даражасига ўтишни тақозо қилади. Уларнинг энг оддийлари бўлак-чизик вейвлетларидир, улар Хаар-вейвлетининг бўлак- ўзгармас вейвлетларини интеграллаш натижасида ҳосил қилинади.

Сигналларни вейвлет ўзгартириш жараёни икки кўринишдаги функциялардан фойдаланишга таянади: вейвлет функция ва масштаблаш функцияси, яъни улар битта оналик вейв-

лети  $\psi(t)$  - ни сигнал бўйлаб вақт бўйича сил-  
житиш  $b$  ва вақт масштабини  $a$  ўзгартириш  
йўли билан қурилади:

$$\psi_{ab}(t) = \frac{1}{\sqrt{|a|}} \psi\left(\frac{t-b}{a}\right), \quad (a, b) \in \mathbb{R}, \quad \psi(t) \in L^2(\mathbb{R})$$

Сигналларга рақамли ишлов беришда сиг-  
налларнинг деталларини ва локалик хусуси-  
ятларини ажратиш учун вейвлет функциялар-  
дан, сигналларни аппроксимациялаш учун эса  
масштаблаш функциясидан фойдаланилади.  
Вейвлет функцияларни танлашда уларнинг  
силлиқлик, ташувчи ўлчами ва қийматлари-  
нинг нолга тенг ҳолатлари сони каби тавсиф-  
ларига алоҳида эътибор қаратилган [1,3,4,5].

$V^0$ -деб, барча  $[0,1]$  ораликда ўзгармас  
функциялар тўпламини, яъни чизикли вектор-  
лар тўпламини белгилаймиз.

У ҳолда қуйидаги масштаблаш функцияси  
 $V^0$  - тўплагма тегишли:

$$\phi(t) = \phi_{0,0}(t) = \begin{cases} 1, & 0 \leq t < 1 \\ 0, & \text{акс холда} \end{cases} \quad (1)$$

$V^1$  -тўплагма  $\left[0, \frac{1}{2}\right]$  ва  $\left[\frac{1}{2}, 1\right]$  интервалда  
ўзгармас бўлган функциялар тўплами бўлиб, у  
чизикли векторларни ҳосил қилади. Масштаб-  
лаш функцияси эса  $V^1$  -тўплагма тегишли бўлиб,  
унинг вейвлет функциялари сифатида қарала-  
ди:

$$\phi_{1,0}(t) = \phi(2t) = \begin{cases} 1, & 0 \leq t < \frac{1}{2} \\ 0, & \text{акс холда} \end{cases} \quad \text{ва}$$

$$\phi_{1,1}(t) = \phi(2t - 1) = \begin{cases} 1, & \frac{1}{2} \leq t < 1 \\ 0, & \text{акс холда} \end{cases} \quad (2)$$

$i = 1$  бўлгандаги масштаблаш функцияси.

Ушбу функция  $[0,1]$  интервалда,  $\left[0, \frac{1}{2}\right]$  ва

$\left[\frac{1}{2}, 1\right]$  интервалларда ҳам ўзгармасдир. Шу-

нинг учун  $V^0$  тўплагманинг ҳар бир элементи  
 $V^1$ -тўплагманинг ҳам элементидир, яъни  
 $V^0 \subset V^1$  муносабат ўринлидир.  $V^2$  тўплагми

ҳам шунга ўхшаш аниқлаймиз.  $V^2$  -  $\left[0, \frac{1}{4}\right]$ ,

$\left[\frac{1}{4}, \frac{1}{2}\right]$ ,  $\left[\frac{1}{2}, \frac{3}{4}\right]$ ,  $\left[\frac{3}{4}, 1\right]$  интервалга қарашли

функциялар тўплами. Худди шундай  $V^n$  мас-  
штаблаш функциялар тўплами яъни,

$$\phi_{n,j}(t) = \phi(2^n t - j), \quad j = 0, 1, \dots, 2^n - 1$$

$$0 \leq 2^n t - j < 1, \quad \frac{j}{2^n} \leq t < \frac{j+1}{2^n}$$

$$\phi_{n,j}(t) = \begin{cases} 1, & \frac{j}{2^n} \leq t < \frac{j+1}{2^n}, \quad j = 0, 1, \dots, 2^n - 1 \\ 0, & \text{акс холда} \end{cases} \quad (3)$$

$$V^0 \subset V^1 \subset \dots \subset V^n \subset \dots$$

$i = n$  бўлгандаги масштаблаш функцияси, бу

ерда,  $0 \leq 2^n t - j < 1, \frac{j}{2^n} \leq t < \frac{j+1}{2^n}$  масштаблаш  
функцияларининг ўзгариш интервалидир,  
 $\phi_{n,j}(t)$  -лар  $V^n$  га қарашли масштаблаш функ-  
цияларидир, унда скаляр кўпайтма киритилган  
векторлар тўплами мавжуд, демак бу  
тўплагмалар Эвклид фазосини ташкил қилади.  
Бизнинг ҳолатда скаляр кўпайтма сифатида

$$(f, g) = \int_0^1 f(t)g(t)dt \quad (4)$$

кўринишни оламиз, бу формула ёрдамида  
 $C_n$ -масштаблаш функциялари коэффициент-  
лари аниқланади.

У ҳолда

$$\phi_{n,j}(t) = \sqrt{2^n} \phi(2^n t - j), \quad j = 0, 1, \dots, 2^n - 1$$

(3) ва (4) кўринишлардан фойдаланиб Хаар  
вейвлетининг коэффициентлари топилади:


$$C_n = \int_0^1 \phi_n(x)f(x)dx \quad (5)$$

Хаар вейвлетининг коэффициентларини то-  
пиш формуласи.

$$f(x) \cong \sum_{n=0}^{\infty} C_n \phi_n(x) \quad (6)$$

$f(x)$  бўлак- ўзгармас вейвлетларида интер-  
поляцияланувчи функция. Мисол учун  
 $f(x) = x^2$  функцияни бўлак-ўзгармас вейвлет-  
ларида интерполяциялашни блок схема ёрда-  
мида келтирамиз:

Функцияни бўлак- ўзгармас вейвлетларида  
интерполяциялашнинг C++ Builder дастурлаш  
тилида ёзилган дастур натижаси 1-расмда кел-  
тирилган.



1-расм.  $f(x) = x^2$  - функцияни Хаарнинг бўлак-ўз-  
гармас вейвлетларида интерполяциялаш натижаси.

Кўпгина амалий масалаларни ечишда бўлак-  
ўзгармас вейвлетларнинг имкониятлари етарли  
эмас, шу билан бирга бўлак- ўзгармас вейвлет-  
ларнинг интерполяция хатолиги бўлак-чизикли  
вейвлетларнинг интерполяция хатолигидан

катта, шу боис бўлак-чизикли вейвлетларга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бўлак- чизикли Хаар-вейвлетли коэффициентларини аниқлаш алгоритми мавжуд эмас, шунинг учун ҳам бу турдаги вейвлетлар кенг қўлланилмаган[1,6].

Бўлак- чизикли Хаар вейвлетини яқинлаштириш кетма- кетлиги:

$$f(x) \cong \sum_{k=0}^{n-1} C_k \text{hain}_k(x) \quad (7)$$

бу кетма- кетликнинг камчилиги  $C_k$  - коэффициентларни тез ҳисоблаш алгоритмининг йўқлигидир.

Ушбу камчиликни вейвлет сплайнни қўллаш орқали йўқотиш мумкин. Агар параболлик сплайннинг иккинчи тартибли ҳосиласини олсак,  $f(x)$  функция  $[0,1]$  ораликда интерполяцияланувчи, ва сплайн тугун нукталарида кадамларнинг ўзгариши билан функция бўлак-ўзгармас бўлади, ҳамда бўлак-ўзгармас ортогонал вейвлетларни ҳосил қилади.


Масалан, Хаар вейвлетидан фойдаланиб сплайннинг ҳосиласини ёзамиз:

$$S_2''(x) \cong \sum_{k=0}^{n-1} C_k \text{har}_k(x) \quad (7)$$

интеграллаш ҳақидаги теоремага кўра:

$$S_2'(x) = 2^p \int_0^x S_2''(u) du = \sum_{k=0}^{n-1} C_k \text{hain}_k(x) + S_2'(0) \quad (8)$$

параболлик сплайннинг иккинчи тартибли ҳосиласини ортогонал Хаар вейвлетларининг коэффициентлари,  $\text{hain}(x)$ - вейвлетларига нисбатан сплайннинг биринчи тартибли ҳосиласини коэффициентлари эканлиги маълум бўлди. Йиғиндидаги чизикли қисмининг коэффициенти  $x = 0$  нуктада  $S_2(x)$  сплайннинг биринчи тартибли ҳосиласининг қиймати сифатида олинади.



2-расм.  $f(x) = x^2$  - функцияни бўлак-чизик вейвлетларида интерполяциялаш натижаси.

Агар сплайн-функция сифатида параболлик В-сплайн олинса  $y = f(x)$  функцияни сплайн орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$f(x) \cong b_{-1}B_{-1}(x) + b_0B_0(x) + b_1B_1(x) \quad (9)$$

бу ерда  $f(x)$  -интерполяцияланувчи функция,  $B_i(x)$ -параболлик базисли сплайн,  $b_i$  - коэффициентлар бўлиб, улар қуйидагича ҳисобланади:

$$b_i = \frac{1}{8}(-f_{i-1} + 10f_i - f_{i+1}) \quad (10)$$

ёки функциянинг биринчи тартибли ҳосиласи В-сплайннинг биринчи тартибли ҳосиласи орқали қуйидагича ифодаланади

$$f'(x) \cong b_{-1}B'_{-1}(x) + b_0B'_0(x) + b_1B'_1(x) \quad (9.1)$$

Мисол учун  $f(x) = x^2$  функцияни Хаарнинг бўлак-чизик вейвлетларида интерполяциялашнинг C++ Builder дастурлаш тилида ёзилган дастур натижаси 2-расмда келтирилган.

Бўлак-ўзгармас ва бўлак-чизик вейвлетларида интерполяциялаш хатолигини келтира- миз.

$[a, b]$  да аниқланган  $f(x)$  узлуксиз функция берилган бўлсин [2].  $[a, b]$  сегментни

$$a \leq x_0 < x_1 < \dots < x_i < \dots < x_n \leq b$$

тугун нукталарга ажратиб оламиз.

$$h = x_{i+1} - x_i = \text{const} \quad (11)$$

$h$  - тугун нукталар орасидаги масофа.

Хар хил даражали полиномлар учун интерполяциянинг методик хатоликларини аниқлаш формуллари мавжуд. Масалан, нолинчи даражадаги полиномлар учун (бўлак- ўзгармас функциялар учун) хатоликни баҳолаш формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$|P(x) - f(x)| \leq \frac{1}{2} \max |f'(x)| h$$

Биринчи даражадаги полиномлар учун (бўлак- чизик вейвлетлар учун) хатоликни баҳолаш формуласи:

$$|P(x) - f(x)| \leq \frac{1}{8} \max |f''(x)| h \quad (12)$$

Функцияни бўлак- ўзгармас вейвлетларида интерполяциялашнинг абсолют ва нисбий хатоликларини баҳолашни келтира- миз:

$$\Delta_1 = \max_{a \leq x \leq b} |f(x_i) - \text{har}(x_i)| = 0.130900$$

$$\delta_1 = \frac{|f(x_i) - \text{har}(x_i)|}{f(x_i)} = 0.139122 \quad (13)$$

$\Delta_1$  - бўлак- ўзгармас вейвлетнинг абсолют хатолиги;  $\delta_1$  - бўлак- ўзгармас вейвлетнинг нисбий хатолиги

Функцияни бўлак-чизик вейвлетларида интерполяциялашнинг абсолют ва нисбий хатоликларини баҳолашни келтира- миз

$$\Delta_2 = \max_{a \leq x \leq b} |f(x_i) - \text{hain}(x_i)| = 0.009099$$

$$\delta_2 = \frac{|f(x_i) - \text{hain}(x_i)|}{f(x_i)} = 0.009672 \quad (14)$$

$\Delta_2$  - бўлак- чизик вейвлетининг абсолют хатолиги;  $\delta_2$  - бўлак- чизик вейвлетининг нисбий хатолиги

**Хулоса.** Хаар-вейвлет ўзгартириш ёрдамида  $y = f(x)$  функцияни бўлак- ўзгармас ва бўлак-чизик вейвлетларида интерполяциялаш моделини куриб унинг хатоликларини баҳолаш амалга оширилди. Натижада (13) ва (14) формулалардан кўриш мумкинки, Хаарнинг бўлак-чизик вейвлетларида интерполяциялашнинг хатолиги бўлак-ўзгармас вейвлетларида интерполяциялашнинг хатолигидан 14,4 маратага кичик эканлиги маълум бўлди, хулоса қилиш мумкинки функцияни интерполяция қилиш жараёнида бўлак-чизик вейвлетларидан фойдаланиш яхши натижа берар экан. Ушбу усулдан сигналларга рақамли ишлов бериш, сигналларни сиқиш, филтрлаш, ўзгартириш ва сигнал-

лардан шовкинларни ажратиш масалаларини ечишда ижобий натижалар олиш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Акимов П.А., Мозгалева М.Л., “Некоторые элементы кратномасш табного вейвлет-анализа. часть 2. анализ и синтез”, Вестник МГСУ, 2012, № 8, 60–65
2. Астафьева Н.М. Вейвлет-анализ: Основы теории и примеры применения // Успехи физических наук, 1996, т.166, № 11. С. 1145–1170.
4. Зайнидинов Х.Н. Методы и средства обработки сигналов в кусочно полиномиальных вейвлетах. // «Ташкент», 2015. 70 стр.
5. Патрикеев И.А., Фрик П.Г., Вейвлет-томография в условиях шума // Мат. моделирование систем и процессов. Пермь: ПГТУ. –1997. Вып.5, с. 86-924.
6. Прохоров С.А., Столбова А.А. Вейвлет-преобразование нерегулярных процессов без восстановления пропущенных отсчетов // Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017): тр. Междунар. науч.-технич. конф. Самара, 2017. С. 154–156.

УДК 004.89

## ПРИМЕНЕНИЕ НЕЧЕТКОЙ ЛОГИКИ В ЗАДАЧАХ ОБРАБОТКИ ИЗОБРАЖЕНИЙ

Салиев Э.А., Тавбоев С.А. - Джизакский политехнический институт

В работе ведено алгоритмы предварительной обработки изображений, основанные на теории нечетких множеств. При этом основное внимание уделено к задаче повышения контрастов изображений. Результаты проведенных исследований по этому направлению показали, что методы предварительной обработки изображений, основанные на теории нечетких множеств, позволяют получить достаточно сбалансированные изображения.

**Ключевые слова:** изображения, качества, обработка, нечеткие множества, нечеткая логика.

The work conducted algorithms for preliminary processing of images based on the theory of fuzzy sets. At the same time, the main attention is paid to the task of increasing image contrasts. The results of studies in this direction have shown that methods of image preprocessing based on the theory of fuzzy sets allow obtaining fairly balanced images.

**Keywords:** images, qualities, processing, fuzzy sets, fuzzy logic.

Ушбу мақолада норавшан тўпламлар назарияси асосида тасвирларни дастлабки қайта ишлаш алгоритмлари тўғрисида сўз боради. Шу билан бирга, бу ерда асосий эътибор тасвирнинг контрастини ошириш вази-фасига қаратилган. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, норавшан тўпламлар назариясига асосланган тасвирларни қайта ишлаш усулларини қўллаш орқали юқори сифатли тасвирларни олиш имконини беради.

**Калит сўзлар:** тасвирлар, сифат, ишлов бериш, норавшан тўпламлар, норавшан мантик.

В последние годы теория нечетких множеств успешно применена ко многим задачам обработки изображений и распознавания образов [1, 3]. Нечеткие методы предлагают математический аппарат для борьбы с неоднозначностью и неопределенностью, часто присущее при решении таких задач обработки изображений как выделение границ областей, или понятий яркости и контрастности. Определение подходящей функции принадлежности для описания свойства изображения не является тривиальной задачей, так как это зависит от различных факторов, которые вносят различные виды неопределенности, которые трансформируются в дополнительные неопределенности относительно самой функции принадлежности [1].

Нечеткие правила конструируются из функции принадлежности входов и выходов. Такие правила обеспечивают связь между предпосылкой и заключением, выраженными в форме «ЕСЛИ–ТО». Входы и выходы, приведенные к нечеткому виду, облегчают выделение правил и их обобщение. В общем случае правила могут быть получены из опыта одного или нескольких экспертов в рассматриваемой предметной области.

Несомненно, что определение хороших лингвистических правил зависит от объема и качества знаний эксперта. Однако в настоящее время не существует формализованного подхода к задаче точного и однозначного представления знаний в рамках теории нечетких множеств [4, 5]. В связи с этим представление знаний в фаз-

зифицированном виде, по существу, произвольно.

Предположим, что нас интересует установление правил для распознавания состояния некоторого фрукта, например, абрикоса. Несомненно, что в приведенных выводах, цвета абрикоса, наблюдаемые на различных стадиях спелости, обозначены не слишком четкими описаниями цветовых ощущений. Поэтому в качестве отправной точки при этих обозначениях должны быть использованы описания в нечеткой форме. Это достигается введением функции принадлежности абрикосов к классу незрелых, полуспелых или спелых на основе функции цвета (рисунки 1 и 2.).




Рисунок 1. Функции принадлежности, характеризующие спелость абрикоса. Здесь  $x$  - степень спелости абрикоса;  $P_1$  - нечетное подмножество незрелого абрикоса;  $P_2$  - нечеткое подмножество полуспелого абрикоса;  $P_3$  - нечетное подмножество спелого абрикоса

В данном контексте цвет является лингвистической переменной, а конкретный цвет (т. е. красный фиксированный) – лингвистической величиной. Лингвистическая величина  $x$  определяется с использованием функций принадлежности (рисунок 1). Приведенное это знание может быть формализовано в форме следующих нечетких правил «ЕСЛИ–ТО»:

D1: ЕСЛИ цвет рассматриваемого абрикоса зеленый, ТО он незрелый

ИЛИ

D2: ЕСЛИ цвет рассматриваемого абрикоса желтый, ТО он полуспелый

ИЛИ

D3: ЕСЛИ цвет рассматриваемого абрикоса красный, ТО он спелый.

При определении этого значения использована функция принадлежности, приведенная на рисунке 2.




Рисунок 2. Определение значения нечеткости для конкретного цвета  $x_0$

Приведенные три правила представляют собой результаты нашего знания о рассматриваемой задаче распознавания [6]. Эти правила не являются ничем, кроме формализма для процесса мышления об этой задаче. Информация о цвете является та часть правила, которая находится слева от «ТО», и называется посылкой (или исходным условием). Правая часть называется следствием (или выводом).

Специфика четких правил диктует частые изменения, что вызывает значительные проблемы в оценке их поведения. Такие системы с часто изменяющимися параметрами не имеют практического значения. В то же время нечеткая реализация приводит к тому, что активизация правил будет зависеть от нечетких множеств и от правил, связывающих свойства входа и выхода.

База знаний состоит из определённого набора нечетких правил. Обычно число правил, требуемых в системе, связано с числом управляемых параметров. Таким образом, в рассматриваемом примере оценка состояния некоторого абрикоса является единственной переменной выхода, зависящей от двух входных переменных: цвет и мягкость абрикоса. Если принять, что каждый вход имеет функцию принадлежности, состоящую из трех элементов, тогда возможно 9 входных комбинаций цвета и мягкости. В большинстве случаев можно использовать меньшее количество правил. Например, в работах [3, 4, 5] приведены нечеткие правила для сглаживания резкости и выделения контуров на изображении в градациях серого, которые состоят из трех входов и столько же выходов:

ЕСЛИ пиксель темнее соседних пикселей

ТО сделать его светлее

ИНАЧЕ

ЕСЛИ пиксель светлее соседних пикселей

ТО сделать его темнее

ИНАЧЕ оставить без изменения.

В этих правилах различия значений яркостей между рассматриваемым пикселем и его соседями являются входными данными, а увеличение/уменьшение значений яркостей этого пикселя является выходным данным. Если предположить, что значения яркости изображения находятся в интервале  $[0, L-1]$  (где  $L$  - число градаций яркости), то простые треугольные нечеткие множества – среднее положительное и среднее отрицательное определены на интервале  $[-L+1, L-1]$  и представляют яркие и темные значения яркостей входных переменных, а малый положительный, нулевой и небольшой отрицательный треугольные нечеткие множества определены как приращение указанного значения по следствиям составленных правил. Выходное значение добавляется к исходному значению яркости пикселя.

Правила или нечеткие ассоциации представляют собой знания, которые важны для системы с точки зрения отклика на всевозможные комбинации входов. Нечеткие системы запоминают наборы (банки) нечетких ассоциаций или правил.

Таким образом, при обработке изображений требуется по некоторым признакам выделять некоторые однородные области изображения. Этапы предварительной обработки изображения позволяют уменьшить влияние искажений на процесс распознавания. Тем не менее, имеет место распознавание в условиях неполной и нечеткой информации. Наиболее подходят для ее решения технологии нечеткой логики, нечеткая логика при этом выступает в роли классификатора. Применение нечеткой логики в задачах обработки визуальной информации обосновывается также свойством обучаемости или адаптивности нечеткой логики к новым задачам, при этом сохраняются архитектура сети и алгоритм ее функционирования.

#### Литература:

1. Fuzzy models and algorithms for pattern recognition and image processing / James C., James K., Raghu K., Nikhil R. Pal Bezdek - New York: Springer, 2005. – 793 p.
2. Etienne E., Kerre M. Fuzzy Techniques in Image Processing. - New York: Springer, 2000. – 430 p.
3. Pratt W.K. Digital Image Processing (4th edition). – New York: Wiley, 2007. – 807 p.
4. Gonzalez R. Digital Image Processing. -New Jersey: Prentice-Hall, 2008. – 954 p.
5. Потапов А.А., Гуляев Ю.В., Никитов С.А. и др. Новейшие методы обработки изображений. Под ред. А.Потапова. -М.:Физматлит, 2007. - 400 с.
6. Тавбоев С. А., Искандарова З. А. Обработка изображений с использованием теории нечетких множеств //Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире. – 2019. – №. 27. – С. 42-45.

## ҚУРИЛИШДА ТАЪЛИМ

### УЧБУРЧАКНИНГ БАЪЗИ ГЕОМЕТРИК ХОССАЛАРИ ҲАҚИДА

**Воҳидов Баҳодир, Воҳидов Аббор Баҳодирович**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Қадимги юнон олимлари ер ўлчаш усуллари мисрликлардан ўрганишган ва геометрик ясашлар борасида етарли даражада мукамалликка эришганлар.

Геометрик ясашларга оид масалалар – ҳар қандай учбурчакка ички ва ташқи чизилган айланаларнинг марказини аниқлаш, тўғри чизикни ёки бурчакни тенг бўлақларга бўлиш, айланага ички ва ташқи кўпбурчаклар ясаш, текис ва фазовий эгри чизиклар ясаш кабилардан ҳозирги замон муҳандислари ва архитекторлари ҳам, бино ва иншоотларнинг режалари ва ташқи кўринишини лойиҳалаш жараёнида архитектуравий жозибадорлигини ва пропорциясини аниқлашда мувоффақият билан фойдаланганлар ва фойдаланиб келишмоқда.

Мақолада шу каби геометрик ясашларга оид ихтиёрий учбурчакларнинг баъзи хоссалари қилинади.

Древнегреческие ученые способы измерения на земле научились у египтян и в области геометрических построений довели до совершенства и развили их.

Из задач относящихся к геометрическим построениям – определение центра окружности вписанной или описанной окружности около любого треугольника, деление отрезка прямой или угла на равные части, построение правильных многоугольников, вписанных или описанных около окружности, построение плоских и пространственных кривых линий пользовались и пользуются в настоящее время инженеры и архитекторы при проектировании планов зданий и сооружений и их внешних видов с архитектурной привлекательностью и пропорцией.

В статье рассматриваются некоторые геометрические свойства произвольного треугольника, относящиеся к геометрическим построениям.

The scientists from ancient Greece learnt ground measuring methods and achieved perfection in geometric designing.

The issues on geometric designing – determining the center of the inner and outer circles drawn on any triangle, dividing the straight line or angle into equal parts, making an interior and exterior polygons on a circle, making flat and spatial curves wick engineers and architects are using successfully in identifying architectural attractiveness and proportionality in the progress of projecting construction and building plans and design of the exterior of the building.

Some properties of optional triangles related to geometric designing are analyzed in this article.

Геометрияга оид дастлабки тушунчалар қадимги Мисрда пайдо бўлганлиги кўпчиликка маълум. Улар экин майдонларини тақсимлаш


ва солиқ миқдорини аниқлаш учун ер майдонларини белгилаш ва ўлчаш ишларини бажаришда геометрик билимлардан усталик билан

фойдаланишган. Масалан, томонларининг ўлчамлари 3, 4 ва 5 қийматдаги катталикларга тенг бўлган учбурчак ҳамма вақт тўғри бурчакли учбурчак, яъни бундай учбурчакнинг битта бурчаги  $90^\circ$  бўлишини яхши билганлар (1-расм).



1-расм.

Қадимги юнон олимлари ер ўлчаш усуллари мисрликлардан ўрганишган ва геометрик яшашлар борасида етарли даражада мукамалликка эришганлар ва уларни ривожлантирганлар. Масалан, ҳар қандай учбурчакка ички (2-расм, *a*) ва ташқи (2-расм, *b*) чизилган айлананинг марказини аниқлаш, ҳар қандай учбурчакнинг оғирлик марказини аниқлаш (2-расм, *c*) ва ҳоказо.



2-расм.


Геометрик яшашларга оид бундай масалаларга – тўғри чизикни ёки бурчакни тенг бўлақларга бўлиш, айланага ички ва ташқи кўпбурчаклар яшаш (мунтазам кўпбурчаклар), фазовий геометрик шакллар яшаш, текис ва фазовий эгри чизиклар яшаш кабиларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улар ҳақида мавжуд адабиётларда яқиндан танишиш мумкин.

3-расмдаги  $ABC$  учбурчакда ҳосил бўлган  $AK$ ,  $BL$  ва  $CE$ , кесмалари бир-бири билан  $O$  нуктада  $1/3$  нисбатда кесишиб туришини сезиш мумкин.


Шу ва бошқа геометрик яшашлардан ҳозирги замон муҳандислари ва архитекторлари ҳам, бино ва иншоотларнинг режалари ва ташқи кўринишини лойиҳалаш жараёнида архитектуравий жозибadorлигини ва пропорциясини аниқлашда мувоффақият билан фойдаланганлар ва фойдаланиб келишмоқда. Қуйида шу каби ихтиёрий учбурчакларнинг баъзи хоссалари қилинади.

Ихтиёрий  $ABC$  учбурчакнинг томонларидан бирини (масалан  $BC$ ) нинг ўртаси  $K$  нуктани асос томоннинг  $A$  нуктаси билан туташтирилиб, ҳосил бўлган  $AK$  кесманинг ўртасидаги  $D$  нуктани учбурчакнинг учи  $C$  нукта билан туташтирилса, ҳосил бўлган  $CM$  тўғри чизик  $AB$  томонни  $1/3$  нисбатда кесиб ўтади ( $AM = AB/3$ ) (4-расм) ёки тескариси, яъни,  $AB$  томонни  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $M$  нукта учбурчакнинг  $C$  учи билан туташтирилса,  $CM$  тўғри чизик  $AK$

кесмани тенг иккига бўлади ( $AD = DK$ ) (4-расм).




3-расм.



4-расм.

Шунингдек,  $AB$  томонни  $1/3$  нисбатга бўлиб турувчи  $N$  нукта учбурчакнинг  $C$  учи билан туташтирилса,  $CN$  тўғри чизик  $AC$  томоннинг ўртасидан ўтувчи  $BL$  кесмани тенг иккига бўлиб туради ( $BE = EL$ ) (5-расм).




5-расм.

6-расмда, юқорида келтирилган масаланинг график и, қуйироқда эса, аналитик и келтирилган.  $AK$  ва  $CM$  кесмаларнинг тенгламаларини (1) *икки нуктадан ўтувчи тўғри чизикнинг*<sup>1</sup> тенгламасини аниқлаш формуласидан фойдаланиб ёзамиз ва уларни биргаликда ечиб,  $AK$  ва  $CM$  кесмаларнинг кесишув  $D$  нуктасининг ёки бошқача айтганда,  $AK$  кесманинг ўрталик  $D$  нуктасининг координаталарига (2) эга бўламиз:

$$\begin{cases} y = y_{CM} = \frac{3x - AB}{3x_c - AB} \cdot y_c \\ y = y_{AK} = \frac{y_K}{x_K} x \end{cases} \quad (1)$$

$$\begin{cases} x_D = \frac{y_c AB}{3y_c - \frac{y_K}{x_K} (3x_c - AB)} \\ y_D = \frac{y_c (3x_D - AB)}{(3x_c - AB)} \end{cases} \quad (2)$$

<sup>1</sup> М. Я. Выгодский. «Справочник по высшей математики», 37-бет.




6-расм.

Исбот: 6-расмдаги  $x_A$ ,  $x_K$  ҳамда  $y_A$ ,  $y_K$  қийматларни кесмани тенг иккига бўлиш<sup>2</sup> формуласига қўйсак,  $x_D=31$  ва  $y_D=7,5$  қийматларга эга бўламиз.

$$x_D = \frac{x_A + x_K}{2} = \frac{0 + 62}{2} = \frac{62}{2} = 31$$

$$y_D = \frac{y_A + y_K}{2} = \frac{0 + 15}{2} = \frac{15}{2} = 7,5$$


Икки тўғри чизикнинг кесишув нуқтасини аниқлаш формуласига асосланиб,  $BL$  ва  $CN$  кесмаларнинг тенгламалари биргаликда ечилса,  $E$  нуқтанинг координаталарига эга бўламиз (5- ва 7-расмлар). Бундан кейинги исталган учбурчакларнинг хоссаларини ҳам шу йўсинда аналитик қилиш мумкин.



7-расм.


7-расмдаги  $ABC$  учбурчакнинг  $AC$  томонидаги ўрталик  $L$  нуқтасини  $B$  нуқта билан туташтирувчи  $BL$  кесма,  $CN$  кесмани  $1/4$  нисбатда бўлиб туради. Ушбу ҳол 4- ва 5-расмларда ҳам кузатилишини эътироф этиш мумкин, яъни, 4-расмдаги  $ABC$  учбурчакнинг  $AK$  ва  $CM$  кесмаларининг кесишув  $D$  нуқтаси  $CM$  кесмани  $1/4$  нисбатда бўлиб туради ( $DM = CM/4$ ), 5-расмдаги  $ABC$  учбурчакнинг  $BL$  ва  $CN$  кесмаларининг кесишув  $E$  нуқтаси эса,  $CN$  кесмани  $1/4$  нисбатда бўлиб туради ( $EN = CN/4$ ).

8-расмда келтирилган  $ABC$  учбурчакнинг исталган, масалан,  $AB$  томонини тенг иккига бўлиб турувчи  $E$  нуқтасини шу томон қаршисидаги  $C$  уч билан туташтирсак, ҳосил бўлган  $EC$  кесманинг ўртасидаги  $I$  нуқтадан ўтувчи  $AP$  ва  $BR$  кесмалар мос равишда,  $BC$  ва  $AC$  томонларни  $1/3$  нисбатда бўлиб туради. Шунингдек,  $AP$  ва  $BR$  кесмалар бир-бирини  $1/4$  нисбатларда бўлиб туради.




8-расм.

$AB$  томонни  $1/3$  нисбатга бўлиб турувчи  $N$  нуқта учбурчакнинг  $C$  учи билан туташтирилса,  $CN$  тўғри чизик  $BC$  томоннинг ўрталик  $K$  нуқтасидан ўтувчи  $AK$  кесмани  $1/5$  нисбатга бўлади (9-расм).




9-расм.



10-расм.


Агар,  $B$  нуқтани  $AC$  томоннинг ўртаси  $L$  нуқта билан,  $C$  нуқтани  $AB$  томоннинг  $1/3$  қисмидаги  $M$  нуқта билан туташтирилса (10-расм),  $CM$  ва  $AK$  тўғри чизикларнинг кесишув  $3$  нуқтаси ҳамда  $BL$  ва  $AK$  тўғри чизикларнинг кесишув  $4$  нуқтаси орасидаги масофа  $AK/6$  га тенг бўлади.

$ABC$  учбурчакнинг  $AB$  томонини  $1/2$  нисбатда бўлиб турувчи  $E$  ва  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $N$  нуқталарни  $C$  учи билан туташтирувчи  $CE$  ва  $CN$  тўғри чизиклар  $BL$  кесма ва  $AB$  томонларни  $1/6$  нисбатда бўлиб туради (11-расм).




11-расм.

<sup>2</sup> М. Я. Выгодский. «Справочник по высшей математике», 25-бет.




12-расм.

12-расмдаги  $ABC$  учбурчакнинг  $AB$  томони-ни  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $N$  нуктасини  $C$  уч билан туташтирсак, ҳосил бўлган  $CN$  кесма,  $BC$  томонни  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $AP$  кесмани  $1/7$  нисбатда кесиб ўтади. Шунингдек, 13-расмдаги  $ABC$  учбурчакнинг  $AC$  томонини  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $R$  нуктадан ўтувчи  $BR$  тўғри чизиқ,  $BC$  томонни  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $T$  нуктадан ўтувчи  $AT$  кесмани  $1/7$  нисбатда кесиб ўтади.



13-расм.



14-расм.


$AB$  томонни  $1/3$  қисмга бўлиб турувчи  $M$  нуктани учбурчакнинг  $C$  учи ва  $AC$  томонни тенг иккига бўлиб турувчи  $L$  нукта билан туташтирилса (14-расм), ҳосил бўлган  $CM$  ва  $LM$  кесмалар  $AK$  кесма билан 4 ва 5 нукталарда кесишиб,  $AK$  кесмани  $1/10$  нисбатга бўлади, яъни  $45 = AK/10$ .

4-расмда учбурчакнинг исталган томонини  $1/3$  қисмга бўлиш усули кўрсатилган эди. Қуйида учбурчакнинг исталган томонини  $1/4$ ,  $1/5$ ,  $1/6$ , ... қисмларга бўлиш усуллари кўрсатилади.


**$ABC$  учбурчакнинг исталган (масалан,  $BC$ ) томонини тенг 4 бўлакка бўлиш.**

15-расмдаги  $ABC$  учбурчакнинг  $AB$  томони-ни  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $M$  нуктаси ( $M$  нукта 4-расмда келтирилган усул билан аниқланади), шу томон қаршисидаги  $C$  уч билан туташтирилади. Ҳосил бўлган  $CM$  кесманинг ўртасидаги  $O$  нуктаси учбурчакнинг  $A$  учи билан тўғри чизиқ ёрдамида туташтирилиб, тўғри чизиқ  $BC$  томон билан  $N$  нуктада учрашгунча

давом эттирилади. Топилган  $N$  нукта  $BC$  томонни  $1/4$  нисбатда бўлади.



15-расм.



16-расм.


**$ABC$  учбурчакнинг исталган (масалан,  $AC$ ) томонини тенг 5 бўлакка бўлиш.**

Бунинг учун 16-расмдаги  $ABC$  учбурчакнинг бўлиниши керак бўлган  $AC$  томонининг  $C$  учи, унинг қаршисидаги  $AB$  томонини  $1/2$  нисбатда бўлиб турувчи  $E$  нуктаси билан туташтирилади. Энди,  $AB$  томонни  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $N$  нуктасини ( $N$  нукта 4-расмда кўрсатилган усул билан топилади)  $CE$  кесманинг ўртасидаги  $O$  нукта билан туташтириб, бўлиниши керак бўлган  $AC$  томон билан учрашгунча давом эттирилса, ҳосил бўлган  $T$  нукта  $AC$  томонни  $1/5$  нисбатга бўлади.

**$ABC$  учбурчакнинг исталган (масалан,  $AB$ ) томонини тенг 6 бўлакка бўлиш.**

Бунинг учун 11-расмда келтирилган  $1/6$  бўлакка бўлиш усулидан фойдаланса бўлади. Лекин бу масалани қуйидаги усул билан ҳам ечиш мумкин.

$ABC$  учбурчакнинг  $AB$  томонини тенг 6 бўлакка бўлиш керак бўлсин (17-расм). Унда, шу томоннинг  $B$  учидан унинг қаршисида ўтувчи  $AC$  томоннинг  $1/3$  қисмида жойлашган  $F$  нуктасини туташтирувчи тўғри чизиқ ҳамда учбурчакнинг  $C$  учини  $AB$  томонни  $1/3$  нисбатда бўлиб турувчи  $N$  нуктаси билан туташтирилади. Ҳосил бўлган  $BF$  кесманинг ўртасидаги  $D$  нукта ҳамда  $CN$  кесманинг ўрталик нуқаси  $O$  нукталар тўғри чизиқ ёрдамида туташтирилиб,  $AB$  томон билан  $S$  нуктада учрашгунча давом эттирилса,  $S$  нукта  $AB$  томонни  $1/6$  нисбатда бўлади. Чизмадаги  $F$  ва  $N$  нукталар 4-расмда келтирилган усул билан топилади.




17-расм.

**ABC учбурчакнинг исталган (масалан, BC) томонини тенг 7 бўлакка бўлиш.**

Бўлиниши керак бўлган BC томоннинг 1/2 қисмида жойлашган K нуктани AC томонни 1/3 қисмга бўлиб турувчи F нукта билан туташтирилади (18-расм).

Сўнгра AB томоннинг ўртасидаги E нукта шу томон қаршисидаги C уч билан туташтирилади. Кейин CE ва KF кесмаларнинг кесишув I нуктаси AB томонни 1/3 нисбатда бўлиб турувчи M нукта билан туташтирилади. Энди MI кесма BC томон билан учрашгунча давом эттирилса, ҳосил бўлган P нукта BC томонни 1/7 нисбатда бўлиб туради. M ва F нукталар 4-расмда кўрсатилган усул билан топилади.




18-расм.

**ABC учбурчакнинг исталган (масалан, BC) томонини тенг 8 бўлакка бўлиш.**


Бунинг учун 15-расмдаги учбурчакнинг томонини тенг тўрт бўлакка бўлиш амалидан фойдаланиш мумкин. AC томонни 1/3 нисбатда бўлиб турувчи F нуктани BC томон 1/3 нисбатда бўлиб турувчи N нукта билан туташтирамиз (19-расм). Бу тўғри чизик CM тўғри чизик билан I нуктада кесишади. Ҳосил бўлган I нуктани A уч билан туташтириб, тўғри чизикни BC томон билан кесишгунча давом эттирилса, кесишув P нукта BC томонни 1/8 нисбатда бўлиб туради. M ва F нукталар 4-расмда кўрсатилган усул билан топилади.

**ABC учбурчакнинг исталган (масалан, AB) томонини тенг 9 бўлакка бўлиш.**

20-расмдаги ABC учбурчакнинг AB томонини тенг 9 бўлакка бўлиш учун шу томонни 1/3 нисбатда бўлиб турувчи N нуктани C уч билан туташтирилади. CN кесманинг ўрталик T нуктаси B уч билан туташтирилади. Сўнгра BT кесманинг ўртасидаги I нукта C уч билан туташтирилади ва AB томон билан учрашгунча давом эттирилади. S нукта AB томонни тенг 1/9 нисбатда бўлиб туради. Чизмадаги N нукта 4-расмда келтирилган усул билан топилади.



19-расм.




20-расм.

**ABC учбурчакнинг исталган (масалан, AB) томонини тенг 10 бўлакка бўлиш.**

Бунинг учун 16-расмда келтирилган 1/5 бўлакка бўлиш усулидан фойдаланса ҳам бўлади. Лекин бу масalani қуйидаги усул билан ҳам ечиш мумкин.

ABC учбурчакнинг AB ва AC томонларининг ўрталик K ва L нукталари ўзаро туташтирилади (21-расм). Сўнгра, BC томоннинг 1/3 қисмида жойлашган R нукта шу томон қаршисида ётувчи A нукта билан туташтирилади ва бу тўғри чизикнинг KL кесма билан кесишув N нуктаси аниқланади. Кейин RL кесманинг ўрталик M нуктаси A уч билан туташтирилиб, AM кесманинг ўрталик O нукта билан N нукта ўзаро туташтирилади. Ҳосил бўлган ON кесмани AB томон билан учрашгунча давом эттирилма, ундаги P нукта бу томонни 1/10 нисбатда бўлиб туради.



21-расм.

Юқорида келтирилган учбурчакларнинг ушбу хоссалари, ҳозирги замон конструкторлик ва архитектуравий лойиҳалашдаги геометрик яшашларда яқиндан ёрдам беради, деган умидда келтирилмоқда.

**Адабиётлар:**

1. Геометрия. 7-синф учун дарслик. А. Аъзамов ва бошқалар., Т. “Янгийўл полиграф сервис”, 2017 й.

2. М. Я. Выгодский. «Справочник по высшей математики», «Наука» нашриёти, Москва 1964 й.

3. Карл Левитин. «Геометрическая рапсодия», «Знание» нашриёти, Москва 1984 й.

4. М.Б.Шах, Б.С.Пана. Engineering Drawing. Анви Композиторс, Дехли. 2009 й.

UDK 53.072

## TEXNIKA YO'NALISHIDAGI OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA VIRTUAL LABORATORIYALARDAN FOYDALANISH USULLARI

Sirojiddinov O., Safarov I. - Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti.

Mazkur maqola ta'lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan, jumladan, virtual laboratoriyalardan foydalanish imkoniyatlariga bag'ishlangan. Unda oliy ta'lim muassasalarida axborot-kommunikatsion texnologiyalar yordamida o'quv jarayonini optimallashtirish masalalari ko'rib chiqilgan. Laboratoriya ishlarini bevosita bajarishga nisbatan uning kompyuterli analogining afzallik va kamchilik tomonlari, texnikaga oid fanlarni o'zlashtirishda virtual laboratoriyalarning o'rni, foydalaniladigan dasturlar to'g'risida ma'lumotlar berilgan.

**Kalit so'zlar:** o'quv jarayoni, innovatsion texnologiyalar, kompyuter dasturlari, avtomatlashtirish, virtual laboratoriya.

### Методы использования виртуальных лабораторных работ в технических вузах

Данная статья посвящена использованию современных информационных технологий, в том числе виртуальных лабораторий в учебном процессе. Обсуждаются вопросы оптимизации учебного процесса по информационно-коммуникационным технологиям в высших учебных заведениях. Преимуществами и недостатками компьютерного аналога для прямой лабораторной работы являются сведения о роли виртуальных лабораторий в изучении технических дисциплин, используемых программах.

**Ключевые слова:** виртуальная лаборатория, информационно-коммуникационным, технология, эффективность, дисциплина, автоматизация, оптимизация, учебном процессе, эксперимент.

### Methods for using virtual laboratory works in technical universities

This article deals with the use of modern information technology, including virtual laboratories in the learning process. It discusses the issues of optimizing the learning process in information and communication technologies in higher education institutions. The advantages and disadvantages of a computer analogue for direct laboratory work are the information on the role of virtual laboratories in the study of technical disciplines, the programs used.

**Keywords:** learning process, innovative technologies, computer programs, automation, virtual laboratory.

**Kirish.** Laboratoriya ishlari o'quv jarayonining ajralmas qismi hisoblanib, talabalarga ishlab chiqarish sharoitlarida zarur bo'lgan ko'nikmalarga ega bo'lishlariga imkon beruvchi o'ziga xos amaliy tajriba vazifasini o'taydi.

Laboratoriya ishlari va turli o'quv eksperimentlari to'g'ri tashkil etilgandagina ham foydali, ham qiziqarli bo'lishi mumkin. Lekin ayrim ob'ektiv sabablarga ko'ra, hamma tajriba mashg'ulotlarini ham real vaqt rejimida o'tkazish imkoni bo'lmaydi, chunki, ishlab chiqarishning kundan-kunga o'zgarib, taraqqiy etib borayotganligini hisobga olsak, oliy ta'lim muassasalarining o'quv-laboratoriya bazasining bugungi ahvoli talabga to'liq javob bermaydi. Zamonaviy laboratoriya komplekslarining etishmasligi, ma'nan eskirgan laboratoriya jihozlaridan foydalanish talabalarining nazariy materiallarni mustahkamlashlari, amaliy ko'nikmalarni shakllantirishlari va fanni to'liq o'zlashtirishlariga salbiy ta'sir etmoqda.

Shu bilan birga, ilm-fan va ta'lim sohasida kompyuter dasturlaridan foydalanish hamda modelashtirilgan virtual laboratoriyalar samarali va qulay ta'lim metodlari sifatida e'tirof etilmoqda.

**Asosiy qism.** Virtual laboratoriyalardan o'quv jarayonida foydalanish bir tomondan real laboratoriyalar bo'lmaganda talabalarga haqiqiy uskuna va jihozlar, xom-ashyo va materiallar bilan

turli tajribalar o'tkazish ko'nikmalarini egallash, uskunalarining kompyuterdagi modeli va apparaturaning ishlash jarayoni bilan batafsil tanishish, oqibatlaridan xavotirlanmasdan haqiqiy xavfli jarayon va holatlarni virtual tadqiq etish uchun zarur sharoitlarni yaratsa, ikkinchi tomondan mavjud an'anaviy laboratoriya ishlarini bajarishni fan va texnikaning zamonaviy taraqqiyot darajasiga mos yangi texnologik darajaga olib chiqish imkoniyatini beradi.

Umuman olganda, virtual laboratoriyalar muayyan mavzu doirasida bajariladigan real eksperimental tadqiqotlar o'tkazish jarayonlarini modelashtiradigan (simulyatsiya qiluvchi) kompyuter dasturlari to'plamini ifodalaydi. Ular yordamida laboratoriya ishlarini maxsus kompyuter dasturi asosida virtual bajarish imkoniyati yaratiladi. Bunda ta'lim oluvchilar haqiqiy o'lchov asboblari, yordamchi qurilmalar va boshqa elementlarning kompyuter ekranidagi "tasvirlari" bilan ishlaydi.

- организация и проведение специальных курсов обучения для проектировщиков, инженерно-технических работников и строителей.

UO‘K:378.2(075)

## МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

**Жўланов Исоқ, Айнакулов Хусниддин, Назаров Ортик**

Жиззах политехника институти

“Муҳандислик графикаси” фанларини ўқитиш методологияси бакалаврият талабалари учун мақола сифатида тавсия этилган бўлиб, унда умумтаълим мактаблари, КХК ва ОЎЮларида чизма геометрия, чизмачилик ва муҳандислик компьютер графикаси фанларининг дарс ва машғулотларини мақбул ташкил қилиш, ўқувчи ва талабалар онгида бу фанлардан батафсил ва чуқур тушунча, кўникма ва малакаларни шакллантириш, яъни пухта билимлар бирлигини энг самарали ўқитиш методларини танлашда ёш педагог ва бўлажак ўқитувчиларга ёрдам беришни асосий мақсад қилиб белгилайди.

**Калит сўзлар:** муҳандислик графикаси, педагогик технология, инновацион метод, методология, ахборот технологиялари.

Методика преподавания инженерной графики рекомендуется в качестве статьи для студентов бакалавриата, которая обеспечивает всестороннюю и глубокую организацию уроков и занятий по графической геометрии, рисованию и инженерной компьютерной графике в средних школах, колледжах и университетах. Основная цель - помочь молодым учителям и будущим учителям развить идеи, навыки и компетенции, то есть самое эффективное преподавание единицы глубоких знаний.

**Ключевые слова:** инженерная графика, педагогическая технология, методология инноваций, методология, информационные технологии.

The methodology for teaching Engineering Graphics is recommended as an article for undergraduate students, which includes a comprehensive understanding of these disciplines, including graphic geometry, drawing and engineering computer graphics classes at secondary schools, colleges and universities. The main goal is to assist young teachers and future teachers in the development of skills and competencies, that is, the most effective teaching of the unit of knowledge medicines.

**Keywords:** engineering graphics, pedagogical technology, innovation methodology, methodology, information technology.

Замонавий ахборот технологиялари ва воситалари муҳандислик графикаси фанлари ўқитувчиларидан малакали мутахассис бўлиш билан бирга, улардан ўқитишнинг янги педагогик технологиялари ва инновацион методларини ўқув жараёнига унумли қўллаш олишини ҳам тақозо этади. Яъни улардан ўқитиш мақсадининг аниқ тасавури ва унга эришиш йўллари ҳамда воситаларини билиш талаб этилади.

Магистратура ва бакалаврият талабалари-

нинг муҳандислик графикаси фанлари билимлар бирликларини ўзлаштиришига ва келажакда уларнинг педагогик фаолиятларида қўллашга ёрдам бериш «Муҳандислик графикаси фанини ўқитиш методологияси» фанининг асосий вазифаси бўлиб, унга қуйидагилар кирди:

1. Муҳандислик графикаси фанлари мавзурларининг узвий боғланган холда мақбул лойиҳалаш ва улар бўйича ўқитиш материалларини ишлаб чиқиш;

2. Муҳандислик графикаси фанларини ўқишнинг энг самарали услуб ва воситаларини белгилаш;

3. Муҳандислик графикаси фанларидан ўқувчи ва талабаларнинг кафолатли ўзлаштириш услублари аниқлаш.

Агар тарихга назар ташланса, қадим қадимдан чексиз коинотда жойлашган Ер қуррасида инсонлар ўзининг ҳаётий фаолиятида борлиқни ўрганиб, билганларини бошқаларга ўргатиб ва ўз билимларидан амалда мақсадли фойдаланиб келган. Шу ўринда қуйидаги мисралар инсонларга хосдир:

Бўлса-да борлиқда чексиз кичик бир зарра  
Борлиқни ўрганар кам деганда, етти карра!

Ҳа, ҳақиқатда ҳам шундай! Биз озгина таълим ва тарбия беришни, яъни ўқитиш-ўргатиш жараёнининг келиб чиқиши ва ривожланиши тўғрисида дастлабки фикр ва мулоҳазаларни юритсак.

Ибтидоий жамиятда инсонлар ўзларини, оила аъзоларини ва жамоани англаб етгунга қадар дастлабки тарбияни ота-оналари ва атрофдаги яқинларидан олганлар. Сўнгра улар борлиқни идрок этиб уни ўргана бошлаган. Секин аста уни таркибини, тузилишини, қоида ва қонунларини билиб борган. Улар оиладан, жамоадан, табиатдан ва бутун борлиқдан йиллар давомида олган билим ва тарбияларини шакллантириб ҳамда идрок этиб, ўзларида улардан пайдо бўлган тушунча, кўникма, малака ва тажрибаларини бир-бирларига, айниқса ёш авлодга ўргата бошлашган. Бу жараён асрлар оша ибтидоий жамиятдан ҳозирги кун фани ва техникаси тараққиёти давригача давом этиб келган. Бу жараён ҳозирги куннинг долзарб муаммоси бўлибгина қолмай, у келгусида ҳам шундай муаммо бўлиб давом этади.

Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўргатиш, яъни ўқитиш жараёни ривожланиб, ижтимоий, табиий ва техник соҳаларга ажрала бошлаган. Улар эса, ўз навбатида педагогика, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, фалсафа, жамиятшунослик, қурилиш, енгил ва оғир саноат, кemasозлик, машинасозлик, самалётсозлик, косманавтика ва замонавий ахборот технологиялари каби соҳаларга ва уларга оид фанларни шаклланишига олиб келган.

Мадомики шундай экан, ҳар бир шаклланиган фан инсоният тарихида жамият ва техника тараққиётида муҳим ўрин тутади ҳамда уларнинг ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Асрлар давомида ўқитиш жараёни ривожланиб, қатор ўқитиш методикаси-услугларини шаклланишига олиб келган ва у узлуксиз давом этиб келади. Аввалига тарбиявий, ҳаётий, шарий ва табиий билимлар бирлиги оғзаки-эшиттириш, яъни эшитиш ҳамда уларни ёд олиш усулида-методида, оилада ота-оналардан

фарзандларига бериб ва назорат қилиниб келинган. Шунингдек, фарзандлар эшитиш ҳамда эшитиб тарбия олишлари билан бир қаторда, ота-оналаридан шахсий ўрнак олиб, яъни кўриб ва кузатиб ҳам тарбия ва билим олганлар. Кейинчалик ўргатиш жараёни ёзув ва китоблар пайдо бўлгач, оғзаки ва ёзма ҳамда ёдлаш, яъни эшиттириш, кўрсатиш ҳамда ўрганувчини ёзиб олиши ва асосий қоидаларни ёд олиши, яъни ўқув жараёнига унинг фаол иштирок этиш усули-методикаси асосида оилада ота-оналар ва мактабда ҳамда устахоналарда ўқитувчилар ҳамда устозлар кўмагида ўқитиш жараёни амалга оширилган ҳамда ривожланиб келган. Бунда ҳар доим ўқитиш жараёнида ўрганувчиларнинг олган билимлари, ўргатувчилар томонидан назорат қилиб келинган.

Бундай анъанавий ўқитиш методикаси, ҳозирги замон ўқитиш жараёнининг асосий таркибий қисмини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, ўқитиш жараёни бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги бир-бирдан ажралмас таркибий қисмлардан иборат бўлади:

1. **Нимани ўргатишдан**, яъни инсонлар томонидан асрлар давомида тўпланган билимлар бирликлари тўпламини ўргатишдан;

2. **Қандай ўргатишдан**, яъни унга зарурияти бўлганларга ва толиби илмларга бу билимлар бирлигини оддийдан мураккабга ўқитишнинг илмийлилик, узвийлилик, амалийлик, кўрсатмаллик, ёшига ва билимига нисбатан тушунарлик, хотирада сақлашлик каби дидактика тамойилларга ёндошиб, замонавий ахборот ресурсларига асосланган янги педагогик технологиялар ва инновацион ўқитиш методлардан ўргатишдан;

3. **Қандай назорат қилишдан**, яъни ўқувчи ва талабалар олган билимларининг ўзлаштиришини аниқлаш методларини ишлаб чиқиб, уни ҳолисона ҳамда ҳаққоний ўтказиб назорат қилишдан.

Демак, ўқитиш жараёнинг мақсади ва вазифаси асрлар давомида инсонлар томонидан тўпланган ва тажриба синовлардан ўтган тарбия ва билимлар тўпламини яратишдан, ҳамда унга зарурияти бўлганларга, ўқувчи-шогирдларга уларни ўргатиш-ўқитиш ва назорат қилиш методлари-услугларини устозлар томонидан ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Ўқитиш жараёнинг бундай учта таянч устунлари-қисмларининг бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқлари ва ўқитишнинг янги воситалари асосида тўлдирилиб ва тахрирланиб келинади, яъни даврдан-даврга уларнинг ривожланиши мутонасиб равишда кечиб боради. Бундай анъанавий ўқитиш услуби ва методлари, ҳозирги замон ўқитиш жараёнининг асосий таркибий қисмини ташкил этади.

**Адабиётлар:**

1. Чичерина Я.Е., Нуркелдиева Д.А., Якубжанова Д.Б. “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси”.
2. Сапаев У.А. “Чизма геометрия мактаб чизмачилик дарсларида компьютер графикасидан фойдаланиш методикаси.”
3. George Young. Descriptive geometry. The Macmillan Company. New York, 2013.
4. Pare E.G., Loving R.O., Hill L.L., Pare R.C. Descriptive geometry. Prentice Hall Upper Saddle River, New Jersey, 1997.
5. Engineering Drawing by M.B.Shah, B.C.Rana, D.Kendersley. Delhi, 2009.
6. Murodov Sh., Xakimov L., Xolmurzayev A., Jumayev M., To'xtayev A.. Chizma geometriya Iqtisod – moliya 2006.
7. Finkelstein E., Ambrosius L. AutoCAD 15 J.Wiley&Sons Inc. Indianapolis, 2014.

## ФАН САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИ

**Тошболтаев М.**, т.ф.д., профессор, ҚХМЭИ,  
**Игамбердиев Х.Х.**, т.ф.н., доцент, ЖизПИ

Мақолада фан самарадорлигини баҳолаш индикаторлари шу жумладан фан самарадорлигини белгиловчи индикаторлар гуруҳлари, илмий ходимлар индикаторларининг туркумлари ва гуруҳлари, инновацион индикаторларнинг гуруҳлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Индикатор, тадқиқот, лойиҳа, инновацион, фундаментал, илмий ходим, техник экспертиза, ихтиро, экспорт, импорт.

В статье рассматриваются показатели эффективности науки, в том числе групповые показатели эффективности, информация о категориях и группах показателей научных кадров, инновационные показатели помогают оценить эффективность научных исследований и науки в целом.

**Ключевые слова:** Индикатор, исследование, проект, инновация, фундаментальность, техническая экспертиза, изобретение, экспорт, импорт.

The article discusses science performance indicators, including group performance indicators, information on categories and groups of indicators of scientific personnel, innovative indicators help to evaluate the effectiveness of scientific research and science in general.

**Keywords:** Indicator, research, project, innovative, fundamental, technical expertise, invention, export, import.

Маълумки, XX-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланган мамлакатларда фанга иқтисодиётнинг асосий компоненти сифатида ёндашила бошланди. Ҳозирда дунёнинг жуда белгиловчи мезонга айланиб улгурган. Бу давлатларнинг дунёдаги лидерлиги ҳам кўп жихатдан уларнинг илм-фан соҳасидаги етакчилиги билан изоҳланади. Ҳар бир мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам фан самарадорлигини кескин ошириш, илмий натижаларни ва фан-техника ютуқларини баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш “фан, таълим ва ишлаб чиқариш” тизими фаолиятини комплекс такомиллаштириш муҳим стратегик масалалардир. Бу масалалар фундаментал фанларга ҳам, амалий фанларга ҳам бирдай тегишлидир. Таъкидлаш лозимки, амалий фанлар ҳам, айниқса техника фанлари соҳасидаги тадқиқотларни ривожланиш даражаси иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторларининг ҳолатларига боғлиқ бўлади, чунки саноат амалий тадқиқотлар ва технологик инновациялар натижаларининг асосий буюртмачиси ва истеъмолчиси ҳисобланади.

Тармоқ фанлари академик ва олий таълим муассасалари фанлари каби, “фан, таълим ва ишлаб чиқариш” тизими самарадорлигини белгиловчи муҳим компонентдир. Масалан, Россия Федерациясида тармоқ фанлари секторида академия институтлари ва олий таълим муасса-

саларига нисбатан илмий ва моддий ресурслар 1,5 мартага ортиқ, бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳажми 2 баробар кўп. Шуни қайд этиш керакки, тармоқ фанларида ҳам истиқболли фундаментал тадқиқотлар кўплаб бажарилади. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни комплекс равишда бажариш одатда муҳим янгиликка ва порлоқ истиқболга эга натижаларни олишга имкон беради.

Табиийки, фаннинг бошқа сфераларида бўлганидек, тармоқ фанида ҳам назарий ва амалий масалаларга бағишланган тадқиқот лойиҳаларини бажаришда шундай қийинчиликлар юзага келиши мумкин (масалан, маблағнинг етишмаслиги, сувсизлик ёки доимий ёғингарчилик), бунда кутилаётган натижани ўз муддатида олиб бўлмайди ёки натижа салбий бўлиб чиқади. Чунки масалаларни тўла ечилиш муддатлари ва талаб этиладиган маблағ микдорини олдиндан аниқ режалаштириш қийин. Шу боис баъзи бир муаммолар ёки масалалар бир амалий лойиҳанинг амал қилиш муддати (3 йил) да бажарилмай қолади. Бу ҳолда шу лойиҳанинг муаллифлари ечимлари тугалланмай қолган масалаларни охирига етказиш учун янги лойиҳани расмийлаштирадиган ва танловларга тақдим этадилар. Аммо афсуски, бундай янги лойиҳани танловлардан ўтиш эҳтимоли жуда паст. Чунки экспертлар аксарият ҳолларда “мавзу такрорланяпти” ёки “олдин молиялаш-

тириш” деган хулосалар билан лойиҳани салбий баҳолайдилар. Натижада масала ечилмасдан ёки чалалигига қолиб кетаверади. Бундай нохуш ҳолатлар юз бермаслиги учун фан ва амалиёт учун жуда долзарб, кутилаётган илмий аҳамияти юқори муаммолар ечимларига қаратилган тадқиқот лойиҳаларини республика бюджети томонидан узлуксиз молиялаштириш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш даркор.

Илмий тадқиқот самарасини объектив баҳолаш, молиялаштириш ҳажмини ошириш ёки уни батамом тўхтатиш масалалари эксперт баҳолаш мезонлари системасини тўғри танлашни ва қўлланилишига боғлиқдир. Зеро илмий-тадқиқот муассасалари ва яқка олимлар фаолиятининг натижавийлиги шу мезонлар ёрдамида аниқланади ва баҳоланади. Деъмак, фанометрик баҳолаш (русчада “наукометрическая оценка”-илм, фан соҳасида бажариладиган турли хил таққослашлар, солиштиришлар)ни ўтказиш стратегик ва оператив бошқариш механизмларни такомиллаштириш, фанга сарфланган бюджет маблағларининг самарадорлиги, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ўсишида фан ҳиссасини кенгайтириш каби бир қатор ҳал қилиш орқали илмий тадқиқотлар соҳасида қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг натижавийлигини ошириш имкониятларини яратади.

Кейинги йилларда Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Украина, Қозоғистон каби МДХ давлатлари ва бир қатор хорижий мамлакатларда фанометрик масалалари, яъни илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни бажарувчи илмий муассасалар фаолиятининг натижадорлигини баҳолаш методлари ва методикаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Умуман бу методикалар кўйидаги асосий параметрларни қилишга қаратилган:

1) Сифатли нашр (монография ва илмий мақола)ларни нуфузли нашриётларда чоп этилган;

2) Илмий тадқиқотларга грантлар ёки буюртмалар орқали қўшимча маблағларни жалб қилиш (илмий муасса, лаборатория ёки алоҳида олимнинг вазирликлар, идоралар, корхоналар, мутахассислар ва тадбиркорлар томонидан тан олинганлигидан далолат беради);

3) Илмий ходимларнинг сифат таркиби-фалсафа докторлари ва фан докторларининг сони, уларнинг жами илмий ходимлар сафидаги улуши.

Тадқиқотчилик фаолияти натижадорлигини баҳолашга доир амалдаги ёндашувларда фан самарадорлигини баҳолашнинг кўйидаги индикаторлари (кўрсаткичлар)дан тез-тез фойдаланилади. (1-чизма);

1) Молиявий – фанга сарфланган ҳаражат-

лар ва мавжуд моддий-техника база;

2) Ходимий (шу жумладан истеъдодни тан олинмиш индикаторлари: академиклик шарафи, турли кенгашларда аъзолик, лойиҳаларга раҳбрлик, илмий мукофотларга совриндорлик ва б.) – илмий ходимларининг умумий сони ва илмий даражали тадқиқотчилар улуши, ёрдамчи ходимлар сони, фан докторлари тайёрлашнинг аҳволи;

3) Инновацион (шу жумладан янгидан яратилган ёки такомиллаштирилган технологиялар, техникалар, жараёнлар-умуман объектлар);

4) Библиометрик: нуфузли, импакт-факторли халқаро журналларда чоп этилган мақолалар, уларнинг илмийлиги, долзарблиги, аҳамияти ва умуман сифатини тавсифлайди; иқтибос (арабчадаги маъноси “зиё олмоқ” бўлиб, бирор асардан сўзма-сўз олинган парчани билдиради) индикатори ва Хирши индикатори ўтказилаётган (ўтказилган) тадқиқотларнинг қийматлилиқ даражасини ва илмий мактабларни жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан тан олинганини кўрсатади; олимларнинг “нашр юкланиши” – олимлар фаолиятининг маҳсулдорлигини баҳолайди; патентларнинг мавжудлиги; хорижий олимлар билан хаммуаллифлик – халқаро илмий алоқаларнинг мавжудлигидан далолат беради.



1-чизма. Фан самарадорлигини белгиловчи индикаторлар гуруҳлари

Юқорида келтирилган индикаторларни тўғри баҳолаш учун илмий фаолият турларининг кўйидаги тавсифларидан фойдаланилади:

Илмий тадқиқот (илмий-тадқиқот ишлари) – янги билимлар олишга ва улардан фойдаланиш усулларини яратишга қаратилган ижодий фаолият ёки янги билимларни ишлаб чиқиш жараёни, билиш фаолияти турларидан бири. Унга объективлик, ишончлилиқ, аниқлик мос. Илмий тадқиқот баҳс этилаётган масалани исботлаш лозим;

Фундаментал илмий тадқиқот – табиат, инсон, жамият, сунъий яратилган объектлар ривожланишнинг асосий қонуниятлари ҳақидаги

янги билимларни олишга йўналтирилган назарий ва (ёки) экспериментал тадқиқотлар ёки объектив дунёнинг умумий қонунлари ва ҳодисаларини кашф этиш ва билиш, муаммо бўйича яхлит тизимлашган билимларни олиш, фанни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли тадқиқот;

Мақсадли қидирув илмий тадқиқот иши – фундаментал фан ютуқлари, тўпланган илмларни амалий муаммоларни ечишнинг потенциал воситасига айлантирадиган тадқиқот бўлиб, унинг асосий вазифаси фундаментал изланишлар натижасида аниқланган илмий қонуниятлардан фойдаланиш принциплари ва йўллари асослашдан иборатдир.

Амалий илмий тадқиқот – аниқ амалий масалаларни ечишга қаратилган янги билимларни олишга йўналтирилган тадқиқот ёки янги техника конструкцияни шакллантириш ва параметрларини аниқлаш, табиатга ижобий таъсир ўтказиш, табиий ресурсларидан унумли фойдаланиш, инженерлик-техникавий иншоотларни бунёд этиш, инфратузилмаларни ривожлантириш, жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадқиқот.

Илмий ишланма – амалий фаолиятнинг конкрет соҳасидаги жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш, янги маҳсулотлар ва технологияларни яратишга йўналтирилган фаолият. Илмий ишланмалар янги материаллар, маҳсулотлар, қурилмалар, технологик жараёнлар, системалар ва методлар яратилишини, шунингдек уларни такомиллаштирилишини таъминлайди;

Илмий-техник хизматлар – илмий-техник информация, патентлаштириш, лицензиялаш, стандартлаштириш, метрология, сифатни назоратлаш, илмий-техник консультация каби соҳалардаги фаолият бўлиб, янги билимларни олиш, тарқатиш ва қўллашга ёрдам беради.

Энди юқорида келтирилган индикаторларни атрофлича кўриб чиқамиз.

### **1. Молиявий индикаторлар қўйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:**

• Молиялаштириш манбаларининг таркиби (бюджет, хорижий грантлар, мамлакат грантлари, хўжалик шартномалари, маҳсулотларни сотиш, хизмат кўрсатиш). Тадқиқотни (лойиҳани) молиявий таъминланиш даражаси энг муҳим индикаторлардан биридир. Чунки маблағ етарли бўлсагина илмий натижалар материаллашади, яъни материал объект ҳолатига келтирилади, дала ёки давлат синовларига тақдим этилади;

• Тадқиқот ва ишланмаларни бажариш учун сарфланган харажатлар (фан, техника ва технологияларнинг турлари, уларнинг истиқболдаги

ривожланиш йўналишлари бўйича ички харажатлар таркиби – бир ходим, бир бўлим, бир бўлинма ҳисобига тўғри келадиган харажатлар; тадқиқотлар ва ишланмалар билан банд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик маошлари). Бу ерда фан соҳалари (масалан, гуманитар ёки табиий), техника (космос техникаси, ер қазииш машиналари) ва технология турлари (минерал ўғит ишлаб чиқариш технологияси, меваларни қуритиш технологияси)га қараб харажатларини ўзгариши ҳисобга олинади. Илмий муассаса ходимлари ва бўлинмаларига тўғри келадиган харажатлар оптимал, ходимларнинг ўртача маошлари баланд бўлганда тадқиқотлар сифатли бажарилади ва ижрочиларнинг ишга қизиқиши ортади, кадрлар кўнимсизлигига барҳам берилади;

• Тадқиқотлар ва ишланмаларнинг асосий воситалар билан таъминланганлик даражаси (машиналар ва қурилмаларнинг асосий воситалар ҳажмидаги солиштирма улуши; асосий воситаларнинг бўлимлар бўйича тақсимоти; тадқиқотлар ва ишланмаларни бажарувчи ходимларнинг моддий ресурслар билан таъминланганлик даражаси). Илмий муассасанинг лаборатория ва бўлимлари асосий воситалар, шу жумладан дастгоҳлар, қурилмалар, асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан етарлича бутланган бўлса янги машиналарнинг тажриба нусхалари инновация лойиҳаси режасидаги муддатларда сифатли тайёрланади, синов тадбирлари тўлалигича ўтказилади, энг муҳими, ходимлар томонидан яратилган барча илмий ҳажмдор маҳсулотларни материаллаштиришга эришилади.

Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга қилинган ички харажатлар (жорий ва капитал) – бу мамлакат бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни бажаришга пул кўринишида сарфланган фактик харажатлар. Мазкур индикатор ҳисобот йилида молиялаштириш манбаининг қандайлигидан қатъий назар илмий муассасанинг ўз кучи билан бажарилган тадқиқотлар ва ишланмаларга сарфланган ички харажатларга баҳолайди.

Тадқиқот ва ишланмаларга сарфланган ички харажатларга киради:

• Жорий харажатлар. Булар ҳақ тўлаш, ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, махсус қурилмаларни сотиб олишга сарфланган маблағлар, бошқа материал харажатлар (ташқаридан сотиб олинмаган хомашё, материаллар, жиҳозлаш буюмлари, яримфабрикатлар, ёнилғи, энергия, ишлаб чиқариш ҳаракеридаги ишлар ва хизматларнинг баҳоси)ни, турли жорий харажатларни ўз ичига олади;

• Капитал харажатлар: илмий муассасани кенгайтириш учун ер участкаларини, биноларни, асосий воситалар таркибига кирадиган қурилмаларни ва бошқа моддий бойликларни

сотиб олишга сарфланган маблағлар.

• Ташқи харажатлар – хўжалик шартномалари бўйича ташқи ташкилотлар томонидан бажарилган илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг баҳоси. Табиийки, илмий муассасалар ташқи харажатларни тадқиқотлар қамровини кенгайтириш, сифатини ошириш ва натижаларни амалиётга кўпроқ жорий этишга сарфлашлари зарур.

Бажарилган ишлар ҳажми – амалга оширилган илмий тадқиқот ва ишланмалар, кўрсатилган илмий-техник хизматлар ва бошқа ишлар ҳажмларидан иборат. Бюджет маблағлари асосида ҳам, хўжалик шартномалари асосида ҳам бажарилган ишлар ҳажмлари буюртмачилар (масалан, Фан ва технологиялар агентлиги, фермер хўжаликлари ва корхоналар) билан биргаликда расмийлаштириладиган топшириш – қабул қилиш далолатномалари бўйича ҳисобга олинади. Ҳисобот йилида яқунланмаган ишлар, тадқиқотларнинг бажарилган қисмларининг баҳолари ҳам харажатларга киритилади.

Тадқиқотлар ва ишланмаларнинг молиялаштириш манбалари – тадқиқот ва ишланмалар учун пул маблағларининг дастлабки манбалари – буюртмачи ташкилотдан бажарувчи ташкилотга бевосита ўтказилган пул маблағлари асосида аниқланади.

Умумий ҳолда, илмий муассасасининг молиявий манбалари ташқи идора ва ташкилотчилар (буюртмачилар)дан келиб тушадиган маблағлар ва муассасанинг ўзи ишлаб топган маблағлардан иборат бўлади. Манбалар таркиби кўйидагича бўлиши мумкин:

- Бюджет маблағлари (масалан, Инновацион ривожланиш вазирлиги танловларида ғолиб чиққан тадқиқот лойиҳаларига Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар);

- Бюджетдан ташқари маблағлар. Илмий муассасалар раҳбарлари ва олимлари небюджет фондлари қидириб топишга ва уларнинг маблағларидан фойдаланишга интиломқлари керак;

- Хорижий манбалар маблағлари. Хорижий институтлар, фондлар, лойиҳалар, грантлар маблағларни илмий муассасага жалб қилиш нафақат илмий ҳамкорликни кенгайтиради, балки муассасанинг нуфузини оширади;

- Давлат сектордаги ташкилотлар (масалан, машинасозлик корхоналари, нефть ва газ ишлаб чиқариш компаниялари, давлат ветеринария бошқармаси, пахта ва ғаллани қайта ишловчи корхоналар)нинг маблағлари. Бу маблағлар ўзининг барқарорлиги ва доимийлиги билан ажралиб туради;

- Тадбиркорлик сектордаги субъектларнинг маблағлари. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бундай маҳсулотларга тўла ишлов бе-


рувчи корхоналар, хусусий машинасозлик корхоналарини бундай субъектлар қаторига киритиш мумкин. Фермер хўжаликлари муайян илмий муассасага экинларнинг юқори наводор уруғлари ва кўчатларини етказиб бериш бўйича, қайта ишлаш корхоналари хомашёларни тайёр маҳсулот ҳолига келтирувчи технологияларни яратиб бериш бўйича, машинасозлик корхоналари янги қишлоқ хўжалиги машиналари ва қурилмаларини ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш юзасидан буюртмалар берадилар;

- Олий таълим сектори ташкилотларининг маблағлари. Илмий муассасалар академия, университет, институт каби олий таълим муассасалари билан биргаликда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ёзиш, юқори малакали илмий-педагогик кадрларни (фан докторлари, доцентлар, профессорларни) тайёрлаш, илмий мавзуларда маърузалар ўқиш каби бир қатор йўналишларда ҳамкорлик қилиб қўшимча маблағларни топишлари мумкин;

- Хусусий нотижорат ташкилотларнинг маблағлари (масалан, хусусий уруғчилик корхонаси, хусусий агросервис корхонаси);

- Илмий муассасанинг хусусий маблағларни. Бу маблағларнинг асосий манбаи ишлаб чиқариш, лицензияларини сотиш, илмий-техник хизмат кўрсатишдан иборатдир.

**1. Кадрлар индикаторлари** кўйидаги кўрсаткичлардан иборат (2-чизма)



2-чизма. Илмий ходимлар индикаторларининг туркумлари ва гуруҳлари

- Таянч докторантура ва докторантурада илмий кадрларни тайёрлаш даражаси (тайёрланган фалсафа докторлари таркибдаги эркалар ва аёллар улуши; фан соҳалари

бўйича таянч докторантурага қабул қилинган магистрлар сони; фан соҳалари бўйича таянч докторантурани муваффақиятли тугатган изланувчилар сони; таянч докторантурани битириши биланок фалсафа доктори диссертациясини химоя қилган изланувчилар сони; тайёрланган фан докторлари таркибидаги эркаклар ва аёллар улуши; фан соҳалари бўйича докторантурага қабул қилинган фалсафа докторлари (фан номзодлари) сони; фан соҳалари бўйича докторантурани мувоффақиятли тугатган изланувчилар сони; докторантурани битириши биланок фан доктори диссертациясини химоя қилган изланувчилар сони; фалсафа докторлари ва фан докторларининг ёшлари бўйича гуруҳий тақсимоти; фалсафа докторлари ва фан докторларининг ўртача ёшлари; фалсафа докторлари ва фан докторлари институтига ажратилган квота (ўрин)лардан фойдаланиш даражаси);

- *Тадқиқотлар ва ишланмалар билан банд бўлган ходимлар таркиби* (тадқиқот ва ишланмалар билан банд ходимларни категориялар бўйича тақсимланиши; тадқиқотлар ва ишланмаларни бажариш билан тўла банд бўлган ходимлар сони; тадқиқотлар ва ишланмалар билан банд ходимларни маълумот даражаси бўйича тақсимот; тадқиқотчиларни илмий даражалар бўйича тақсимоти; тадқиқотчиларни жинси бўйича тақсимоти; тадқиқотчиларни фан соҳалари бўйича тақсимоти; фан докторларини фан соҳалари бўйича тақсимоти; фалсафа докторини фан соҳалари бўйича тақсимоти; тадқиқотчилари жинси ва фан соҳалари бўйича тақсимоти; тадқиқотчиларни ёш гуруҳлар бўйича тақсимоти; тадқиқотчиларни ўртача ёши; академиклар сони; академикларнинг ўртача ёши).

Тадқиқотчилар ва ишланмалар билан банд ходимлар кўйидаги категорияларга бўлинади:

- *Тадқиқотчилар* – илмий тадқиқотлар ва ишланмалар билан профессионал тарзда шуғулланувчи ва янги билимлар, маҳсулотлар, жараёнлар, методлар ва системаларни яратишни, шунингдек мазкур фаолият турларини бошқаришни бевосита амалга оширувчи ходимлар; тадқиқотчилар одатда тугалланган олий малакавий маълумотга эга бўлишади;

- *Техниклар* – тадқиқотчилар раҳбарлигида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларда қатнашувчи ҳамда техник функцияларини бажарувчи ходимлар (тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналари, илмий асбоблар, лаборатория қурилмалари, ҳисоблаш техникалари, компьютерларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш; машиналарнинг дала синовларида, тажрибаларда, экспериментларда, рақамли натижаларга ишлов бериш ва расмийлаштиришда қатнашиш). Бу категорияга ўрта махсус маълумотга эга ёки малакавий билими ва тажрибаси

юқори шахслар киритилади;

- *Ёрдамчи ходимлар* – илмий тадқиқотчилар ва ишланмалар амалга оширишда ёрдамчи функцияларни бажарувчи ходимлар; режаиктисод ва молиялаштириш бўлинмалари, патент хизмати, илмий-техник информация бўлимлари, илмий-техник кутубхоналар ходимлари; илмий қурилмалар ва асбобларни ўрнатувчи, созловчи, таъмирловчи ва уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар; тажриба (экспериментал) участка ишчилари; олий ва ўрта махсус маълумотсиз лаборантлар; тракторчилар;

- *Турли ходимлар* – ташкилот фаолияти билан боғлиқ умумий характердаги функцияларни бажарувчи ходимлар (бухгалтерия, кадрлар хизмати, девонхона, моддий техника таъминоти бўлинмаларининг ишчилари).

**2. Инновацион индикаторлар** таркиби ва моҳияти (1.3-чизма):

- Амалий лойиҳалар натижалари билан яратилган илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг тажриба намуналарини, партияларини, гуруҳларини барпо этиш ва уларни дала, лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида синовлардан ўтказиш (янги қишлоқ хўжалик экинларининг дастлабки уруғлари ва кўчатлари, чорва ҳайвонларининг зотлари ва кросслари; экинлар, кўчатлар ва ҳайвонларни парваришlash ҳамда уларни касаллик ва зараркунандалардан химоялашнинг самарали технологиялари ва усуллари; қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва ҳайвонлари учун янги кимёвий ва ветеринария препаратлари; ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги машиналари; агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга қаратилган иқтисодий механизмлар ва тавсиялар);

- Халқ хўжалигининг турли соҳа ва тармоқлари эҳтиёжларини қондирадиган илғор технологияларни жорий этиш ва тайёр (экспортбоп, импорт ўрнини босувчи) маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- Фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари, илмий ғоялар ва ихтиро формулаларини материаллаштириш йўли билан ҳосил қилинган илмий ҳажмдор маҳсулот.

- Экспертиза жараёнида янги инновацион ечимлар, натижалар, объектлар ва маҳсулотларни инновацион индикаторлар ёрдамида тўғри ва ҳолисона баҳолаш учун кўйидаги атамаларнинг маъно, моҳиятини яхши билиш мақсадга мувофиқдир.

*Инновация* – (инглизча киритилган янгилик, ихтиро) – техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган маблағлар; илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалари ва фаолият дои-

раларида қўлланилиши; қандайдир янги ёки анча янгиланган, такомиллаштирилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки жараёнларни истеъмолга киритиш, маркетингни янги методи ёки янги ташкилий методни амалиётга, қўшимча иш ўринларини яратишга йўналтирилган.

*Инновация – фаол ташкилот* – бу техник ва технологик инновацияга ўз маблағларини доимий равишда сарфлайдиган ташкилот.

*Инновацион фаолият* – бу илмий ва ишлаб чиқариш сфералари орасидаги шундай звено, ўзига хос шундай ишлаб чиқариш кучи, у илмий ва моддий ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширади, илмий ҳажмдор маҳсулотлардан фойдаланиш орқали шундай звено, ўзига хос шундай ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширади, илмий ҳажмдор маҳсулотлардан фойдаланиш орқали жамиятнинг техник-иқтисодий эҳтиёжларни қондиради.



3-чизма. Инновацион индикаторларнинг гуруҳлари

*Технологик инновацияни амалга оширувчи ташкилотлар* – бу янги ёки такомиллашган маҳсулотлар, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шуғулланувчи ташкилотлар.

Технологик инновация деганда маҳсулот ва жараён инновациялари тушунилади.

*Маҳсулот инновацияси* – янги ёки хусусиятлари ва фойдаланиш усуллари сезиларли яхшиланган маҳсулот ёки хизматларни жорий этишни ифодалайди.

*Жараён инновацияси* – янги ёки сезиларли яхшиланган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) усулини жорий этилишини билдиради.

*Ташкилий инновация* – самарали илмий ҳажмдор маҳсулотларни ўзлаштириш ва жорий этишга доир янги ташкилий методларни таш-

килот фаолиятига, амалиётга жалб қилишни ифодалайди. Бозор иқтисодиёти шароитида маркетинг инновациясининг ўрни алоҳида. Маркетинг инновацияси янги маркетинг методи амалиётга жорий этишдан иборат. Бу метод тайёр маҳсулотнинг дизайни ва қадоқлашдаги муҳим ўзгаришларни, баҳо шаклланишининг янги стратегияларини товарлар бозорига киритиш ёки улардан амалда фойдаланишни ҳам ҳисобга олади.

*Инновацион маҳсулот (ишлар хизматлар)* – бу янги илмий ҳажмдор маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки кейинги уч йилда технологик жиҳатдан тубдан яхшиланган маҳсулотдан иборат. Бунда кўйидагларга эътибор бериледи: янги илмий ҳажмдор маҳсулотнинг мамлакатда ёки хорижда аналогларини мавжуд эмаслиги. Бу мезон янги илмий ҳажмдор маҳсулотни патентлаштирилганлигини, яъни, масалан Ўзбекистон ёки хорижий давлатлар патентлари билан ҳимояланганлигини билдиради; технологик жиҳатдан яхшиланган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда талабнинг ортиши.

**3.** Библиометрик индикаторлар. Библиометрия – бу ҳужжатларнинг библиографик тавсифларини микдорий қилиш методларига асосланган, интенсив ривожланаётган йирик илмий йўналишдир. Библиометрик индикаторлардан илмий тадқиқотлар натижаларини сифатий баҳолашда, тўпланаётган илмий билимларнинг қамрови, структураси ва динамикасининг аниқлашда кенг фойдаланилади.

Библиометрия томонидан яратилган мезонлар тўплами олимлар, тадқиқот марказлари, университетлар томонидан локал ва жаҳон илмий системаларидан кенгроқ фойдаланиш, тадқиқот дастурларининг натижавийлиги ва илмий йўналишлар динамикасини баҳолаш имконини беради.

Мезонлар тўплами кўйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

- Илмий нашрлар сони (муаллифлар кесимида). Бу кўрсаткич муаллифларнинг янги илмий билимларни ҳосил этиш ёки мавжуд билимларни бойитишга қўшган ҳиссасини ифодаловчи индикатордир.

- Илмий нашрларни иқтибосланиш даражаси. Бу мезон олдин бажарилган тадқиқотларни ҳозирдаги фан ривожига кўрсатган таъсирини баҳолайди;

- Ҳаммуаллифлик. Бу мезон олимлар, ташкилотлар, секторлар (шу жумладан фан ва ишлаб чиқариш орасида), давлатлар ва фан соҳалари орасидаги илмий алоқаларни баҳолайди.

Юқорида келтирилган индикаторлар илмий тадқиқотлар ва умуман фан самарадорлигини баҳолашга хизмат қилади.



## МУНДАРИЖА

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ  
СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

Эшев С.С., Рахматов М.И., Рахимов А.Р. Расчет мутности воды при неоднородных донных наносах.....	3
Халилов Н., Уракова Н., Халилов Ш. Автомобил ювиш шаҳобчалари оқова сувларини қайта фойдаланиш учун тозалаш жараёнини тадқиқ ва қурилмаси лойиҳасини ишлаб чиқиш .....	5
Хусанов Х.Г., Исмоилов А.И., Маматов Б. Кўп қаватли яшаш уй-жойларни, маъмурий ва жамоа биноларини ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбаи ҳисобидан иссиқ ҳаво орқали иситиш. ....	8
Мирзаев А., Нодиров Д., Норқулов Б. Биринчи кўтарув насос станцияларида насос агрегатлари ишини мукамаллаштириш .....	9
Халилов Н., Шамсиев И., Халилов Ш. Самарқанд вилоятидан оқиб ўтаётган зарафшон дарёси сувлари ифлосланишини электрокимвий усулда тозалаш жараёнини қилиш ва ўрганиш. ....	12
Ахмедова Ф. И., Ибрагимова А.Х. Реагентный метод очистки сточных вод .....	15
Фазилов А.Ш., Кучимов М.К. Разработка алгоритма визуального программирования BIM-моделей с использованием модуля конструкций с использованием модуля Dupamo .....	16
Taniberdiyev Sh.X., Ismoilov A.I., Ibragimov D. Енгил саноат биноларида ҳаво оқими тезлигини аниқлаш бўйича кўрсатмалар.....	18
Исмоилов А.И., Танибердиев Ш.Х., Ибрагимов Д. Аҳоли хонодонларида тоза ҳаво киритиш бўйича масала ечимлари .....	20
Норқулов Б.М., Таджиева Д.О., Ибрагимова А.Х. Автомобил ишлаб чиқариш заводининг сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаш.....	21
Алладустов У., Жуманов О., Хамдамова И. Расчет движения взвешенной частицы в тонкослойном отстойнике.....	23
Maxmudov R., Umirova U. Issiqlik ta'minoti tizimini innovatsion texnologiyalar asosida loyihalashtirish. ....	25
Нурматов П.А., Холов Ф.М., Усанова С., Гаффоров Б. Ер ости сувларининг ифлосланиши ва унинг олдини олиш чоралари .....	27
Хушвақтов Б.О., Мирзаев М.Н., Холов Ф.М. Авто мойкаларнинг оқова сувларини тозалаш .....	29
Рахматуллаев М., Юлдошов Б. Инновационных технологий к разработке получения новых составов топлива и осевых масел .....	32
Суюнов Ш.А., Қаландаров М.М., Хамдамова Д.О., Исакулов А.З. Аҳоли карталарини тузишда тасвирлаш усулларини танлаш .....	35
Каримов М. Ш. Ёнғинларни самарали ўчиришда кўпик ҳосил қилувчи дастакларни аҳамиятини ошириш .	39
Хажиматова М. М. Сув иншоотлари ва улар билан боғлиқ бўлган салбий жараёнлар .....	42
Мусаев Ш. М. Мероприятие сокращение загрязнение атмосферы вредными веществами.....	45
Saydullayev S., Ulugbekov V. Zamonaviy isitish uskunalarining asosiy xususiyatlari.....	47
Сатторов А. Б., Сайдуллаев С. Р. Эски турдаги козонхона ўчоқларида ёқилги сарфини таҳлил қилиш. ....	50
Такабоев Қ.Ў. Оқова сувларни тозалашда биологик усуллардан фойдаланиш усуллари .....	53
Турсунов М.К., Улугбеков Б.Б. Оптимизация размещения солнечных коллекторов на ограниченной площади .....	56
Мусахожиев М. Б., Каримов М.Ш., Бутунбоев Б.Б., Шамамбетов Й. Ёнғин ўчириш дастакларини такомиллаштиришнинг илмий аҳамияти .....	59

ИНЖЕНЕРЛИК ИНШООТЛАРИ НАЗАРИЯСИ  
ТЕОРИЯ ИНЖЕНЕРНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Фазилов А.Ш., Кучимов М.К. Разработка математической модели и программного комплекса для оптимизации обработки информации в информационных системах .....	62
Azimov B. Тенгмас ораликлар учун кубик сплайн қуриш ва сигналларга тадбиқи.....	66
Akhmadiyogov U.S. Calculation of plane double-belt radially located guides for strength and deformability, taking into account change in material properties.....	70
Бекмирзаев Д.А., Мансурова Н.Ш. Исследование задач сейсродинамики подземных трубопроводов при произвольном направлении сейсмического нагружения .....	73
Утегенова Г., Фозилов Т. Ташки ва ички босим таъсиридаги ёпик топосферик қобиклар устиворлиги.....	76
Abdurazzaqov J.N., Otaqulov A.A., Xoliqov D.SH. Bo'ylama harakatdagi yupqa devorli silindrik qobiqning buralma tebranishlari .....	79
Ибрагимов А.И., Исмаилов К. Кручение призматической оболочки, свободно лежащей на неоднородном упругом основании .....	82
Усаров Д.М., Корабашев О.З. К теории изгиба и колебания трехслойных пластин с сжимаемым наполнителем .....	85
Халмуратов Р.И., Худойназаров Х.Х., Омонов Ш. Б. Обзор методов оценки устойчивости пород и расчета анкерной и набрызгбетонной крепей горных выработок .....	90
Абдирашидов А., Омонов Ш., Ортиков Б., Кадиров Н., Абдурашидов А. Приближенное решение смешанной задачи для волнового уравнения .....	95
Холбутаев У.Х. Модели и методы оптимального проектирования сложных узлов подземных сооружений при землетрясениях. ....	100

<b>Остонов Т.К., Бакаев Г., Гадаев А.</b> Расчет прямоугольных пластин уложенных на нелинейном упругом основании .....	103
<b>Yaxshiboyev Sh. R.</b> Chetlari sharnirli mahkamlangan elastik plastinkaning antisimmetrik tebranishlari .....	106
<b>Пармонов А.А.</b> Характеристик тенгламаси битта нол илдиэга эга бўлган критик ҳолда ёйилган ҳаракатнинг дифференциал тенгламаларини (n+1) тартибли система учун хусусий ҳолда тадқиқ этиш .....	109
<b>Мирсаидов А., Куйчиев О.</b> К вопросу теоретического определения параметров универсального подбирающего механизма .....	111
<b>Амонова Г.Б., Зарипов О.О., Сулейманов А.А., Рузиев С.Т.</b> Ҳарбийлаштирилган транспортни фавқуллода вазиятларни бартараф этиш учун интеграллашган дастурий мажмуа тузилмаси .....	115
<b>Худойназаров Х.Х., Ялғашев Б.Ф.</b> Нестационарные колебания круговых цилиндрических трёхслойных оболочек .....	118
<b>Жўраев Ж.Ў.</b> ХААР вейвлетлари ёрдамида эгилувчан пластин моделларини қуриш .....	124
<b>Салиев Э.А., Тавбоев С.А.</b> Применение нечеткой логики в задачах обработки изображений .....	128

#### ҚУРИЛИШДА ТАЪЛИМ

<b>Воҳидов Б., Воҳидов А.Б.</b> Учбурчакнинг баъзи геометрик хоссалари ҳақида .....	130
<b>Sirojiddinov O'., Safarov I.</b> Texnika yo'nalishidagi oliy ta'lim muassasalarida virtual laboratoriyalardan foydalanish usullari .....	134
<b>Аунақулов Х., Жо'ланов И., Назаров О.</b> То'ртбurchak shakllarini hosil qilish usullari va ularni amaliyotda qo'llash .....	137
<b>Nazarov O. T, Aunaqulov X. A, Jo'lanov I. O.</b> Ko'pburchaklarning yasalish usullari .....	138
<b>Бўлтаков Т., Ўразалиев Ф.Б.</b> Қурилиш ва архитектура тараққиётида механиканинг ўрни .....	140
<b>Мухитинов А.Б., Мухитинов А.А.</b> Қадимги Миср ва Греция олимларининг геометрик ва тасвирлаш усулларидаги изланишлари .....	143
<b>Куртаметов С. Э.</b> Интеграция производства с образованием на примере КЦ «КНАУФ-СамГАСИ» .....	145
<b>Жўланов И., Айнақулов Х., Назаров О.</b> Мухандислик графикаси фанини ўқитиш методологияси ва хусусиятлари .....	147
<b>Тошболтаев М., Игамбердиев Х.Х.</b> Фан самарадорлигини баҳолаш индикаторлари .....	148

Муҳаррирлар: Х.М.Ибрагимов, Ш.Қосимова.

Корректорлар: т.ф.н. доц. В.А.Кондратьев.

Компьютерда саҳифаловчи: Х.М.Ибрагимов

Теришга 2020 йил 22 мартда берилди. Босишга 2020 йил 29 мартда рухсат этилди.

Қоғоз ўлчами 60x84/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,9. Қоғози – офсет.

Буюртма № 18/2. Адади 200 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

СамДАҚИ босмаҳонасида 2020 йил 31 мартда чоп этилди.

Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси, 70. Email [ilmiy-jurnal@mail.ru](mailto:ilmiy-jurnal@mail.ru)

#### ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ ДЛЯ ЖУРНАЛА «Проблемы архитектуры и строительства»

1. Объем статьи не более 5 страниц машинописного текста. Текст статьи печатается через 1 интервал, размер шрифта 12 пт. Рисунки шириной не более 9 см. Формулы – в редакторе Microsoft Equation.

2. К статье прилагаются: список литературы, аннотации на узбекском, русском и английском языках (объем 5-10 строки). Титульная страница должна содержать: УДК, название статьи, затем фамилию (или фамилии) и инициалы автора (ов).

Под списком литературы указать институт или организацию, представившую статью, а также указать сведения об авторах и их контактные телефоны.

3. Для каждой представляемой статьи должен быть представлен акт экспертизы той организации, где работает автор.

4. Текст статьи должен быть представлен в электронном варианте, а также в распечатанном виде - 2 экз.

5. Представленная статья проходит предварительную экспертизу. Независимо от результата экспертизы, статья автору не возвращается. Решение о публикации статьи в журнале принимается главным редактором совместно с членами редколлегии по специализации представленной статьи.

6. Автор(ы) должны гарантировать обеспечение финансирования публикации статьи.

*Редколлегия*